O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ... PALATASI

2010 ЙИЛ – БАРКАМОЛ АВЛОД ЙИЛИ

Ватан ҳимояси – иймон рамзи

ВАТАНПАРВАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИНИНГ МАРКАЗИЙ МАТБУОТ ОРГАНИ
2009 йил, 11 декабрь, жума № 50 (2333). | Газета 1992 йилнинг 24 июнидан чиқа бошлаган.

ЦЕНТРАЛЬНЫЙ ПЕЧАТНЫЙ ОРГАН МИНИСТЕРСТВА ОБОРОНЫ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН
Пятница, 11 декабря, 2009 год, № 50 (2333). | Газета издается с 24 июня 1992 года.

Сотувда келишилган нархда

E-mail: vatan@rol.uz

В розницу – цена договорная

... БАРЧА ЭЗГУ НИЯТЛАРИМИЗНИНГ МАРКАЗИДА ФАРЗАНДЛАРИМИЗНИ ҲАМ ЖИСМОНИЙ, ҲАМ МАЪНАВИЙ ЖИҲАТДАН СОҒЛОМ ҚИЛИБ ЎСТИРИШ, УЛАРНИНГ БАХТУ САОДАТИ, ФАРОВОН КЕЛАЖАГИНИ КЎРИШ, ДУНЁДА ҲЕЧ КИМДАН КАМ БЎЛМАЙДИГАН АВЛОДНИ ТАРБИЯЛАШ ОРЗУСИ ТУРАДИ.

Ислом КАРИМОВ

ЎЗБЕКИСТОН КОНСТИТУЦИЯСИ – БИЗ УЧУН ДЕМОКРАТИК ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИДА ВА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ БАРПО ЭТИШДА МУСТАҲКАМ ПОЙДЕВОРДИР

Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 17 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси

Ассалому алайкум, қадрли ватандошлар!

Ҳурматли дўстлар!

Шу кунларда халқимиз давлатимиз ва жамиятимиз ҳаётида энг катта, алоҳида ўрин олган қутлуғ байрамлар қаторида мустақиллигимизнинг тамал тошини қўйган, эркин ва обод келажагимизнинг пойдеворини белгилаб берган Конституциямиз қабул қилинган кунни умумхалқ байрами сифатида кенг нишонламоқда.

Шу муносабат билан сиз, азизларни, сизлар орқали бутун халқимизни шу буюк айём билан чин қалбимдан табриклаб, барчангизга ўзимнинг самимий тилакларимни изҳор этишга рухсат бергайсиз.

Муҳтарам юртдошлар!

Ҳақиқатан ҳам, биз бундан 17 йил олдин, яъни 1992 йил 8 декабрь куни моҳияти ва аҳамиятини ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмайдиган, том маънода тарихий ҳужжатни – ҳаётимиз қомуси бўлмиш Конституциямизни қабул қилиш билан ўзини оқламаган эски тузумдан бутунлай воз кечиб, янги давлат, янги жамият қуриш йўли ва имкониятларини очдик.

Айнан ана шу кундан бошлаб юртимизда ҳуқуқий демократик давлат, фуқаролик жамияти, эркин бозор муносабатларига асосланган иқтисодиётни қуриш, халқимиз учун обод ва фаровон ҳаёт барпо этиш, халқаро майдонда ўзимизга муносиб ўрин эгаллашда Асосий қонунимиз мустаҳкам замин бўлиб келмоқда.

Бугун ўтган давр мобайнида босиб ўтган йўлимизни танқидий баҳолар эканмиз, аввало Конституциямизнинг асосий принциплари ва қоидалари негизида қабул қилинган қонун ва дастурлар бўйича давлат қурилиши, ижтимоий-иқтисодий қурилиш борасида босқичма-босқич ва изчиллик билан амалга оширилаётган ислоҳотлар натижаларини қайд этишимиз табиий, албатта.

Мамлакатимиз эришган бундай улкан марраларнинг барчасини бутун дунё тан олаётганини кўриб, Асосий қонунимиз белгилаб берган мустақил тараққиёт йўли нақадар тўғри эканига такрор ва такрор ишонч ҳосил қилмоқдамиз.

(Давоми 3-бетда).

ВАТАНИМИЗНИНГ ЮКСАК МУКОФОТЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

Оқсаройда 5 декабрь куни Ватанимизнинг юксак мукофотларини топшириш маросими бўлди.

Юртдошларимиз энг улуғ ва энг азиз байрамимиз – Мустақиллик кунини ўзгача интиқлик билан кутади. Истиқлол шодиёналари ҳар бир хонадонга кириб боради, ҳар бир қалбга қувонч бағишлайди. Айниқса, анъанага мувофиқ Президентимиз Ислом Каримовнинг фармонлари билан элюрт равнақи йўлида фидокорона меҳнат қилиб, мамлакатимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигига улкан ҳисса қўшган юртдошларимизнинг юксак мукофотлар билан тақдирланиши миллий байрамимизга янада улуғворлик бағишлайди.

Оқсаройда 5 декабрь куни ана шу мукофотларни тантанали топшириш маросими бўлди.

– Бугун сиз, азизлар билан мана шу муҳташам залда кўришиб, барчангизга ўзимнинг чуқур ҳурмат-эҳтиромимни изҳор этишдан бениҳоя хурсандман, – деди давлатимиз раҳбари.

Ҳар йили Конституция куни арафасида Мустақиллик байрами муносабати билан давлатимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирланган юртдошларимизни қутлаш, уларга ана шу мукофотларни топшириш анъанавий бир тантанага, олижаноб бир одатга айланиб бормоқда. **Сиз, мамлакатимиз мукофотларига сазовор бўлган вакиллар билан мана шу муаззам саройда учрашар эканман, сизнинг тимсолингизда мен ўзимни бамисоли бутун Ўзбекистон бўйича мукофотланган ватандошларимизни ҳам шу ерда қабул қилаётгандек ҳис этаман.** Сиз, ҳурматли юртдошларимга Ватанимиз мукофотларини топширишни ўзим учун катта шараф деб биламан, деди Президентимиз.

(Давоми 3-бетда).

БУНЁДКОРЛИГИМИЗНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСИ

«Ўзбекистон» халқаро анжуманлар саройида 5 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 17 йиллигига бағишланган тантанали йиғилиш бўлиб ўтди. Унда давлат ва жамоат арбоблари, фан, маданият ва санъат намояндалари, пойтахт жамоатчилиги, мамлакатимизда фаолият юритаётган хорижий давлатларнинг элчихоналари ва халқаро ташкилотлар ваколатхоналари вакиллари иштирок этди.

Йиғилишни Тошкент шаҳар ҳокими А.Тўхтаев очди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси янграйди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов йиғилишда маъруза қилди.

Юртбошимиз амалга ошираётган изчил ислоҳотлар, бетимсол бунёдкорлик ишларимиз асосида, демократик ҳуқуқий давлат, адолатли фуқаролик жамияти барпо этиш йўлида эришаётган ютуқларимиз моҳиятида, онгу шууримиздаги ўзгаришлар, турмушимиздаги фаровонлик замирида Бош қомусимизнинг қоида ва талаблари мужассам эканини алоҳида таъкидлади.

Теран тарихий илдизларимизни, кўп асрлик тажриба ва маънавий қадриятларимизни, улуғ аждодларимизнинг ҳуқуқий меросини, халқимизнинг орзу ва интилишларини ўзининг ғоя ва нормаларига чуқур сингдирган Конституциямизнинг ҳаётий негизи ғоят мустаҳкамдир. Эришаётган юксак марраларимиз Асосий қонунимизда мустаҳкамлаб қўйилган принципларнинг нақадар тўғри эканини кўрсатиб турибди.

Ўтган давр мобайнида халқимизнинг азму шижоати, фидокорона меҳнати туфайли улкан ютуқлар қўлга киритилди. Буни мамлакатимиз иқтисодий-ижтимоий тараққиётининг барқарор ўсиш суръатларида, аҳоли фаровонлигининг изчил ва мунтазам ошиб бораётганида, қишлоқ ва шаҳарларимиз янада обод бўлиб, янгича қиёфа касб этаётганида яққол кўриш мумкин.

Жаҳон ҳамжамиятида «ўзбек модели» сифатида эътироф этилган ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг чуқур ўйланган дастури ҳамда Инқирозга қарши чоралар дастурига мувофиқ амалга оширилаётган изчил чора-тадбирлар жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг мамлакатимиз иқтисодиётига салбий таъсирини бартараф этиш, унинг мувозанатли ривожланиш ва барқарор иқтисодий ўсишини таъминлаш имконини бермоқда. Жорий йилнинг ўтган даврида ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши 8,0 фоизни ташкил этгани, инфляция даражаси прогноз кўрсаткичлардан ошмагани фикримизни тасдиқлайди.

(Давоми 3-бетда).

ЖАРАЁН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ ЙИГИРМАНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

5 декабрь куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг йигирманчи ялпи мажлиси ўз ишини давом эттирди.

Парламент юқори палатаси аъзолари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг «Инқирозга қарши чораларнинг 2009–2012 йилларга мўлжалланган дастурини сўзсиз бажариш борасида маҳаллий ҳокимият органларининг роли ва масъуллиги тўғрисида»ги Қарори бажарилишининг бориши ҳақидаги масалани кўриб чиқдилар.

Мажлисда қайд этиб ўтилдики, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан мамлакатимизнинг иқтисодий стратегиясини амалга ошириш, Ўзбекистонда қабул қилинган ислоҳотлар ва модернизациялашнинг ўз моделини изчил рўёбга чиқариш, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози оқибатларининг олдини олиш ҳамда унинг мамлакатимиздаги ижтимоий-иқтисодий вазиятга таъсирини юмшатиш борасида қўйилган дастурий вазифаларнинг бажарилиши иқтисодий ўсишнинг барқарор юқори суръатлари сақланиб қолишини таъминлади. 2009 йилнинг тўққиз ойида ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши 8 фоизни ташкил этди, саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажмлари 9,1 фоизга, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш 13,7 фоизга, қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштириш 3,3 фоизга, хизматлар кўрсатиш 15,8 фоизга ошди. Мамлакатимиз экспортчиларини қўллаб-қувватлашга қаратилган тизимли чора-тадбирлар натижасида мамлакатимизда ишлаб чиқарилиб, экспорт қилинаётган маҳсулотлар номенклатураси ва экспорт бозорлари географияси кенгайди, ташқи савдо айланмасининг ижобий сальдоси 2,3 миллиард АҚШ долларидан кўпроқ бўлиши таъминланди.

Инқирозга қарши чоралар дастурини бажаришда маҳаллий ҳокимият органлари зиммасига масъулиятли вазифалар юклатилган бўлиб, улар белгиланган чора-тадбирларни амалга оширишда фаол ва бевосита қатнашишлари керак.

Сенатнинг 2009 йил 27 мартдаги мазкур Қарори бажарилишини ўрганиш шуни кўрсатдики, умуман олганда, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг ишида 2009 йил апрель ойидан бошлаб бу йўналишда ижобий силжишлар кўзга ташланди. Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг сессияларида ва уларнинг доимий комиссиялари мажлисларида инқирозга қарши чораларнинг ҳудудий ва тармоқ дастурлари амалга оширилиши учун жавобгар бўлган маҳаллий давлат ҳокимияти органлари раҳбарларининг ҳисоботлари тинглаб борилмоқда.

Инқирозга қарши чоралар дастурини амалга оширишда маҳаллий вакиллик ҳокимияти органлари билан давлат ва хўжалик бошқаруви ҳудудий органлири ўртасида ўзаро яқин ҳамкорликни таъминлаш ҳамда фаолиятни мувофиқлаштириш юзасидан комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Кўпчилик ҳолларда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг депутатлари инқирозга қарши комиссиялар таркибига киритилган.

Ўтган давр мобайнида халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари депутатлик гуруҳларининг Инқирозга қарши чораларнинг 2009–2012 йилларга мўлжалланган дастурини амалга ошириш доирасида ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал қилишга қаратилган масалаларни кун тартибига қўйиш борасидаги фаолияти кучайди.

Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари депутатларининг ишида маҳаллаларнинг аҳолиси билан ўтказилган учрашувлар якунлари бўйича ташкилотларга сўровлар юбориш каби иш усулидан тобора самарали фойдаланилмоқда. Сенат мажлисида депутатлик сўровларида кўтарилган масалаларни ҳал қилиш натижасида Андижон вилоятида қишлоқ хўжалиги техникасини сотиб олиш, иш ўринларни яратиш, хусусий корхоналарга имтиёзли кредитлар ажратиш, кўп қаватли уйларни капитал таъмирлашни тугаллаш, аҳоли пунктларини газлаштириш ва бошқа масалалар юзасидан амалий ёрдам кўрсатилганлиги ҳақида аниқ мисоллар келтирилди.

Халқ депутатлари вилоят Кенгашларининг доимий комиссиялари билан халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашларининг соҳалар бўйича доимий комиссиялари ўртасида ҳамкорлик қилиш механизми йўлга қўйиб борилмоқда. Андижон, Бухоро, Навоий, Наманган, Самарқанд, Сурхондарё, Фарғона вилоятлари халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари маҳаллаларнинг фаолларини, таълим муассасаларининг ходимларини жалб этган ҳолда жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози мамлакатимиздаги ижтимоий-иқтисодий вазиятга таъсир кўрсатишининг олдини олиш ҳамда унинг оқибатларини юмшатиш юзасидан давлатимиз томонидан кўрилаётган чораларнинг моҳияти ва аҳамияти тўғрисида аҳоли ўртасида тушунтириш ишларини олиб бормоқда.

Депутатларнинг ўз депутатлик вазифаларини бажаришлари учун масъулиятини оширишга кўпроқ эътибор қаратилмоқда.

Масалани муҳокама қилиш асносида сенаторлар Сенатнинг юқорида кўрсатиб ўтилган қарорини амалга ошириш борасида айрим халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари ва улар доимий комиссияларининг фаолиятидаги камчиликларни бартараф этиш юзасидан бир қатор таклифлар билдирдилар, шунингдек, Инқирозга қарши чораларнинг 2009–2012 йилларга мўлжалланган дастурида назарда тутилган тадбирларни сўзсиз бажариш борасида маҳаллий ҳокимият органларининг роли ва масъуллигини янада ошириш юзасидан қатор тавсиялар ишлаб чиқдилар.

Шундан кейин сенаторлар «Ўзбекистон Республикаси билан Туркманистон ўртасида озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахсларни жазони ўташни давом эттириш учун топшириш тўғрисидаги Шартномани (Тошкент, 2009 йил 25 февраль) ратификация қилиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини кўриб чиқдилар ва маъқулладилар. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди таркибларига ўзгартишлар киритиш тўғрисидаги, Ўзбекистон Республикасининг Бельгия Қироллигидаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси вазифасига тайинлаш тўғрисидаги ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Япониядаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси вазифасига тайинлаш тўғрисидаги масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Ялпи мажлисда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ваколатига тааллуқли бошқа масалалар ҳам муҳокама қилинди.

Икки кун давом этган мажлисда 20 дан ортиқ масала, шу жумладан, амалга оширилиши демократик, ижтимоий-сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштиришда, одамларнинг турмуш фаровонлигини оширишда муҳим омил бўладиган 13 та қонун кўриб чиқилди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг йигирманчи ялпи мажлиси ўз ишини тамомлади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Матбуот хизмати.

ҚАЛБИДА ЖЎШ УРАР ҒУРУР, ИФТИХОР

Ҳарбийлик... Бу шарафли касб соҳибининг қалбида жўш урадиган ғурур ва ифтихор ҳисси чексиз масъулият, фидойилик ва садоқат, ватанпарварлик туйғуларидан озиқланади. Хизматдаги жўшқинлик, ғайрату шижоат касбга, юртга, халққа бўлган меҳрдан, доим олға интилиш, муваффақиятга қатъий ишончдан, бой тажриба ва маҳоратдан нишона. У кимга ва нима учун хизмат қилаётганини, елкасида қандайин масъулиятли вазифалар турганини, энг муҳими, унга юртдошлари, оила аъзолари катта ишонч билдираётганини ҳам ақлан, ҳам қалбан англайди. Ҳар қандай шароит ва вазиятни тўғри баҳолайди ва оптимал қарор қабул қила олади. Жанговар тайёргарлиги, шайлиги ва ҳушёрлик даражаси юқори, фикр-мулоҳазалари теран, дунёқараши кенг, ён-атрофдаги воқеа-ҳодисаларга нисбатан шахсий нуқтаи назари бор, унинг. Ҳа, бугун айнан шундайдир Ватан ҳимоячиси.

Маълумки, Президентимиз Фармонига биноан энг улуғ ва азиз байрамимиз – истиқлолнинг 18 йиллиги муносабати билан кўплаб юртдошларимиз, хусусан, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, Мудофаа ва Фавқулодда вазиятлар вазирликлари ходимларидан бир гуруҳи фахрий унвон, орден ва медаллар билан мукофотланди. Мудофаа вазирлигида Конституциямизнинг 17 йиллиги арафасида ўтказилган тантанали тадбирда давлат мукофотлари ўз соҳибларига топширилди. Тантанали маросимда Мудофаа вазирлиги, Қуролли Кучлар Бирлашган штаби масъул ходимлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Мудофаа вазири генерал-майор Қ.Бердиев тадбир қатнашчиларини мамлакатимиз ривожи ва тараққиётининг ҳуқуқий пойдевори – Бош Қомусимиз қабул қилинган кун билан табриклар экан, миллий армиямизни такомиллаштиришга қаратилган устувор вазифа ва мақсадлар хусусидаги фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Шундан сўнг, давлат мукофотлари ўз эгаларига топширилди. Тақдирланган Ватан ҳимоячиларига назар ташлар экансиз, беихтиёр 18 йиллигини нишонлаш арафасида турган Қуролли Кучларимиз, унинг бугуни ва истиқболи учун кўнглингизда чексиз фахру ғурур ҳиссини туясиз.

– Ҳар бир мукофот, бу – билдирилган юксак ишонч белгиси, фидокорона меҳнат, сидқидилдан олиб борилган фаолият маҳсули. Демак, бундайин ишончни доимо оқлаш, унга муносиб бўлиш йўлида тажриба ва билимим, куч ва салоҳиятимни сафарбар қилиб, ҳарб илми сиру синоатларини ўзлаштиришда, ўқиб изланишда янада шижоат ва ғайрат билан ҳаракат қилишим шарт, – дейди «Содиқ хизматлари учун» медали нишондори капитан Азамат Ходжаев.

– Бугун ҳаётимдаги энг қувончли кунлардан бири, – дейди «Жасорат» медали соҳиби сержант Ҳокимбек Қаюмов. – Аслида, ушбу мукофотни қўлга киритишимда устоз офицерлар, сафдош дўстларим, умуман, бутун ҳарбий жамоамнинг ҳиссаси катта. Барча-барчадан чексиз миннатдорман.

– Давлат мукофотига сазовор бўлиш мени янада юксак марраларни забт этишга, Ватанимизга чексиз садоқат билан хизмат қилишга чорлайди, – дейди «Шуҳрат» медали соҳиби кичик сержант Ойбек Мамажонов.

– Турмуш ўртоғимнинг ютуғидан ниҳоятда хурсандман, – дейди «Содиқ хизматлари учун» медали соҳиби кичик сержант Сардорбек Назирдиновнинг рафиқаси Умида Мамажонова. – Бугунги тадбирда иштирок этиб, юксак давлат мукофотлари топширилаётганда мен ҳам жуда ҳаяжонландим. Ҳарбийларга ва уларнинг оила аъзоларига берилаётган катта эътибордан миннатдорман.

Тантанали тадбир сўнгида Қуролли Кучлар Марказий ашула ва рақс ансамбли санъаткорлари, эстрадамиз юлдузлари томонидан тайёрланган концерт дастури намойиш этилди.

Капитан Тўлқин ЖУМАНАЗАРОВ.
Баҳром АБДУРАҲИМОВ суратга олган.

ЎЗБЕКИСТОН КОНСТИТУЦИЯСИ – БИЗ УЧУН ДЕМОКРАТИК ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИДА ВА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ БАРПО ЭТИШДА МУСТАҲКАМ ПОЙДЕВОРДИР

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ҳаммамизга маълум, бу йил Конституциямиз байрамини нишонлаш алоҳида маъно-мазмун ва аҳамият касб этмоқда. Бунинг сабаби шундаки, шу йил 27 декабрь куни мамлакатимизда парламентга ва жойлардаги вакиллик органлари бўлган маҳаллий кенгашларга умумхалқ сайловлари бўлиб ўтади.

Юртимиз ҳаётида катта сиёсий воқеа бўлмиш ана шу сайловларни Конституциямиз ва сайловлар ҳақидаги тегишли қонунларимиз талабларига, халқаро андоза ва нормаларга тўлиқ риоя қилган ҳолда, муносиб тарзда ўтказиш мақсадида, мана, кейинги уч ой мобайнида Марказий сайлов комиссияси раҳбарлиги ва назоратида кенг кўламли ва катта ишлар олиб борилмоқда.

Шу ўринда айтиш керакки, мустақиллик йилларида мамлакатимизда умумэътироф этилган стандартлар ва юксак демократик талабларга ҳар томонлама жавоб берадиган сайлов тизими шаклланди. Бу борада Конституциямиз ва сайлов қонунчилигимизга асосланган мустаҳкам ҳуқуқий-меъёрий замин яратилди.

Охирги йилларда, хусусан, мана шу йилнинг бошида Ўзбекистон Республикасининг сайлов тизимига замон талаблари ва халқаро андозаларга мос бўлган, аввало, сайлов қонунларини янада либераллаштириш ва демократлаштириш мақсадларига қаратилган ўзгартириш ва янги нормаларнинг киритилгани эътиборга сазовордир.

Айниқса, сиёсий партияларнинг роли ва таъсирини кучайтириш, уларнинг ишончли вакиллари сонини кўпайтириш, сайлов жараёнида уларга қўшимча ҳуқуқ ва ваколатлар бериш, умуман, сайловчиларнинг ҳуқуқини кенгайтиришни кўзда тутадиган бу имкониятлар сайлов тизимини янада такомиллаштиришга катта ҳисса бўлиб қўшилади, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Сайлов ҳақидаги қонунчиликка киритилган бир қанча ўзгаришлар қаторида бўлажак сайловларда фуқаролар иштирокининг кўламини кенгайтириш учун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг ўринлари сони 120 тадан 150 тага кўпайтирилди. Ва шунинг ҳисобидан, аввало, атроф муҳитни асраш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва аҳолининг экологик хавфсизлигини таъминлаш бўйича янги тамойил жорий этилди. Яъни, мамлакат парламентидаги депутатлик ўринлари сонига Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан сайланадиган депутатлар учун 15 та ўрин ажратилди.

Энг муҳими, сайлов қонунчилигида Марказий сайлов комиссиясининг ҳуқуқ ва ваколатларини кучайтириш масаласига алоҳида аҳамият берилди.

Бизнинг қонунларимизда қайд этилганидек, сайловга тайёргарлик ва уни ўтказиш жараёнига ҳеч кимнинг, аввалambор, марказий ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг аралашишга ҳаққи йўқ. Бундай ҳолатларга йўл қўйиш қонунда қатъиян ман қилинган ва бунга қўл урган шахсларга нисбатан чора кўриш, керак бўлса, уларни тегишли жавобгарликка тортиш ҳам белгилаб қўйилган.

Ана шу фикрларни умумлаштириб айтадиган бўлсак, мамлакатимизда сайлов тизимини такомиллаштириш бўйича амалга оширилаётган чоратадбирларнинг барчаси, **аввалambор, сайловларни очиқлик, эркинлик ва ҳаққонийлик асосида ўтказишга қаратилганини қайд этиш лозим.**

Бир сўз билан айтганда, шу юртда ғурур ва ифтихор билан яшаётган ҳар қайси инсон, ўйлайманки, навбатдаги сайлов барчамиз учун муҳим синов, таъбир жоиз бўлса, жиддий имтиҳон эканини яхши тушунади ва англайди.

Бўлғуси сайловларга айнан шу кўз билан қарайдиган бўлсак, бу имтиҳон биринчи навбатда қуйидаги мезон ва талаблардан иборат бўлишини ўзимизга тасаввур қилишимизни истардим:

аввало, бу жараён сўз эркинлиги ва танлаш эркинлигининг ҳаётимиздаги тасдиғини синаш демакдир;

иккинчидан, бу жараён юртимизнинг сиёсий ҳаётида кўппартиявийлик тизимининг тобора мустаҳкамланиб бораётганини, ҳар қайси партия ўзига хос, ўзига мос мақсадлари ва ҳаракат дастури билан сайлов майдонига чиқиши ва сайловчиларнинг овози учун ўзаро курашолиб боришини англатади;

учинчидан, қонун устунлиги ва унинг барчага тенглигининг намойиши бўлиб, сайловда қатнашаётган сиёсий партиялар ва ҳар қайси номзоднинг сиёсий қарашлари ва эътиқодидан қатъи назар, уларнинг ҳаммасига тенг имконият ва шароит туғдириб беришини билдиради;

тўртинчидан, мамлакатимизда фуқаролик жамиятининг савияси ва етуклик даражасини кўрсатади;

ва ниҳоят, **бешинчидан,** бу сайловлар аҳолимизнинг сиёсий-ижтимоий савияси ва маданияти, фуқаролик онгини имтиҳондан ўтказади, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Бир ўйлаб кўрайлик, ана шундай мураккаб ва масъулиятли сиёсий синовдан ўтишга, бу сайлов жараёнларини ривожланган демократик давлатларда амал қилаётган сайлов тизими даражасида ўтказишга биз қанчалик тайёрмиз?

Нафақат сайловни ташкил этишга бевосита масъул бўлган Марказий сайлов комиссияси ва унинг жойлардаги тузилмалари, сиёсий партиялар фаоллари ва ижтимоий ҳаракатлар, нодавлат ташкилотлар, кенг жамоатчилигимиз, балки бугун овоз беришга тайёргарлик кўраётган ҳар бир фуқаро, ҳар бир сайловчи бу саволни ўзига бериши албатта ўринли ва айни муддао бўлур эди.

Чунки, юқорида тилга олинган ва биз амалга оширишимиз зарур бўлган ўта муҳим омиллар демократик асосда ривожланиб бораётган ҳар қандай жамиятнинг етуклик даражасини акс эттиради.

Бу талабларга амал қилиш – бу шунчаки бир мақсад эмас, аввалambор эркин ва озод яшаш, ҳар томонлама фаровон ҳаёт қуриш дастурининг ўзагини ташкил қилиб, юксак тараққиётга эришишнинг ҳал қилувчи узвий қисми ва асосий йўли эканини, ўйлайманки, ҳаммамиз тобора англаб бормоқдамиз.

Айтиш керакки, биз бу йўлни кимгадир кўзкўр қилиш, кимнингдир олдида намойиш этиш учун танлаганимиз йўқ.

Бу йўл қандай оғир ва мураккаб бўлмасин, такрор-такрор айтаман, бизнинг миллий манфаатларимизга, асрлар давомида интилиб келган орзу-ниятларимизга тўла жавоб берадиган тараққиёт йўлидир.

Шу билан бирга, барчамиз яна бир ҳақиқатни чуқур тушунамиз – биз кўзлаган марраларга эришиш, ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий нуқтаи назардан ўзимиз истаган, тараққий топган давлатлар қаторига чиқиш учун ҳали қиладиган ишларимиз жуда кўп.

Бу борада энг асосий масала – амалга оширган ишларимизга танқидий баҳо бериш, манманликка берилмаслик, халқаро тажриба ва ўзгаларнинг ютуқларига беписанд қарамаслик, ҳаётимизда бу йўналишда ҳали-бери учрайдиган ғов ва тўсиқларни бартараф этишдан иборат. Бу ўткир ҳақиқатни аввало ўзимиз англашимиз ва амалий хулосалар чиқаришимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётимизда ғоят муҳим ўрин тутади.

Шу фурсатдан фойдаланиб, олдимизда турган, мамлакатимиз ҳаётида, ҳақиқатан ҳам катта бир сиёсий воқеа бўлмиш сайловларни муносиб ўтказиш мақсадида баъзи бир долзарб масалаларга яна бир бор тўхталиб ўтишни жоиз, деб биламан.

Биринчидан, Конституциямиз ва шу асосда қабул қилинган, Олий Мажлис ва маҳаллий кенгашларга сайловлар ҳақидаги қонунларга, шу билан бирга, Марказий сайлов комиссияси ва унинг жойлардаги тузилмалари томонидан белгилаб берилган қоида ва нормаларга риоя қилиш, уларни сўзсиз бажариш барчамизнинг, ҳар қайси сайловчининг асосий бурчи бўлишини хоҳлардим.

Айниқса, баъзи бир сайловчиларимизга майда ёки ортиқча бўлиб туюладиган, умумэътироф этилган сайлов қоидаларига мос келмайдиган айрим ҳолатлар бўйича кузатувчилар томонидан – булар халқаро ташкилотлар ёки ўзимизнинг ижтимоий-нодавлат ташкилотлар вакиллари бўладими – билдириладиган эътирозларга ҳурмат билан қараш, уларнинг фикрларига эътибор бериш, қандай расмиятчилик бўлиб кўринмасин, бу талабларни албатта бажо келтиришимиз керак.

Энг муҳими, четдан туриб сайлов жараёнларига аралашиш, уларга таъсир ўтказишга уриниш каби ножўя ҳаракатлар бутунлай ман этилишини барча сайлов иштирокчилари, ким бўлишидан қатъи назар, чуқур англаб олишлари даркор.

Иккинчидан, яна бир бор айтиб ўтишга тўғри келади – қонун барчага тенг. Бинобарин, барча партиялар ва уларнинг номзодлари учун сайловолди жараёнларида, матбуот, телевидение орқали ва сайловчилар билан бўладиган мулоқот ва учрашувларда, улар олиб бораётган таргибот-ташвиқот ишларида тенг ва бир хил шароит туғдириб бериш, уларнинг ҳуқуқ ва интилишларига бир кўз билан қараш, ҳеч кимни ажратмаслик, айтиш керакки, айни шу масалалар сайловни юксак савияда ўтказишда энг катта ва муҳим ўрин тутади.

Бу масалалар учун масъул бўлган ташкилотлар томонидан ҳеч қандай истисно ёки кимгадир алоҳида эътибор бериш ҳолатларига асло йўл қўйилмаслиги шарт.

Учинчидан, аслида сайлов деганн – бу аввало ўз ҳуқуқини англаган ҳолда, эркин танлаш ва онгли овоз бериш демакдир.

Шу билан бирга, сайловда қатнашиш ҳар биримиздан нафақат Конституциямиз кафолатлаб берган овоз бериш ҳуқуқини бажо келтиришни, балки фуқаролик бурчимизни чуқур англаш ва бу масалага катта масъулият билан қарашни ҳам талаб қилади.

Нега деганда, ҳар бир фуқаро ўзи сайлайдиган номзод – у эртага маҳаллий кенгашларга ёки Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига аъзо бўладими – депутатлик мандатига эга бўлганидан сўнг унга билдирилган юксак ишончни оқлаш мақсадида мамлакатимиз, юртимиз равнақи учун, халқимизнинг ҳаёти янада обод ва фаровон бўлиши учун қандай ҳисса қўшишини ҳар қайси сайловчи ўзига аниқ тасаввур қилиши, яъни, овоз беришда адашмаслиги лозим.

Шу нуқтаи назардан қарайдиган бўлсак, бугун биз, ҳақиқатан ҳам, Ватанимизнинг эрталги кунини ҳал қиладиган, катта сиёсий жараён арафасида турибмиз.

Ўз олдимизга қўйган юксак мақсад-муддаоларимизга етишда, ҳеч шубҳасиз, алоҳида муҳим босқич бўладиган бу жараён юртимизда яшаётган барча-барча инсонларга бевосита дахлдор бўлиб, ҳеч ким ундан четда қолиши мумкин эмас.

(Давоми 4-бетда).

ВАТАНИМИЗНИНГ ЮКСАК МУКОФОТЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ҳеч кимга сир эмас, якунига етаётган 2009 йил мамлакатимиз, юртимиз учун осон йил бўлмади.

Бутун дунёни қамраб олган молиявий-иқтисодий инқироз жаҳон миқёсида давом этаётгани ҳақида, бу инқироз қандай оғир муаммоларни туғдираётгани, ишсизлар сони кўпаяётгани, иқтисодий ривожланиш суръатлари ва аҳолининг турмуш даражаси пасайиб бораётгани ҳақида, ўйланманки, барчангиз хабардорсиз, деб таъкидлади давлатимиз раҳбари.

Албатта, ҳаммамиз яхши тушунамизки, дунёдаги барча давлатлар ва халқларнинг бошига тушган бундай савдодан бизнинг мамлакатимиз ҳам четда қолаётгани йўқ.

Бу табиий бир ҳол. Нега деганда, бугунги кунда мамлакатимиз жаҳон ҳамжамиятида ривожланган ва ривожланаётган давлатлар қаторида дунё бозорининг ажралмас узвий бир қисмига айланмоқда, келажакда бу алоқалар бундан ҳам мустаҳкамланиб боради.

Айнан мана шундай оғир бир вазиятда мамлакатимиз иқтисодиёти ривожига салбий таъсир ўтказаётган инқирозни юмшатиш ва бартараф этиш, лўнда қилиб айтганда, тараққиётимиз суръатларини сақлаш ва халқимизнинг ҳаёт даражасини янада ошириш вазифалари нақадар мураккаб эканини тушуниш, англаш қийин эмас, албатта.

Ўзбекистонимиз дунёдаги камдан-кам давлатлар қаторида бундай натижалар ва юксак марраларга эришаётгани, жаҳон жамоатчилиги буни тан олаётгани барчамизга ғурур ва ифтихор бағишлайди.

Мамлакатимизнинг, ҳақиқатан ҳам, кўпчиликни ҳайратда қолдираётган марраларга чиқишига муносиб ҳисса қўшаётган турли соҳа ва тармоқларидан кўпгина мисоллар келтириш қийин эмас. Биргина қишлоқ хўжалиги соҳасини оладиган бўлсак, бу йил об-ҳавонинг ўта оғир келгани, баҳордаги узлуксиз ёғингарчилик туфайли экиш мавсумининг бир ой орқага сурилиб кетгани ва бошқа кўплаб қийинчиликлар деҳқон ва фермерларимизнинг иродасини яна бир бор синовдан ўтказди.

Фермер ва деҳқонларимизнинг меҳнатсеварлик, изланувчанлик ва омилкорлик фазилатлари эвазига мамлакатимизнинг пахтачилик ва ғаллачилик тарихига шу йилнинг ўзида янги саҳифа бўлиб киradиган улкан ютуқларни қўлга киритдик, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Бугунги кунда халқимизнинг тинч ва осойишта ҳаётини сақлаш йўлида, қурилиш ва ободончилик, илму фан, таълим-тарбия, адабиёт, маданият ва санъат, спорт ва бошқа турли-турли соҳаларда амалга оширган катта ишларимизнинг натижаларини ва қиёфасини барча узоқ ва яқин ҳудудларимизда, ҳар қайси қишлоқ ва шаҳар мисолида яққол кўриш мумкин.

Айнан ана шундай ҳаммамизни қувонтирадиган юксак марралар ҳақида гапирганда, буларнинг барчаси кўпни кўрган, ҳаёт синовларида тобланган халқимизнинг фидокорона меҳнати, мустаҳкам иродаси, ўз ери, ўз Ватанига бўлган меҳри ва садоқати туфайли қўлга киритилганини ғурур ва ифтихор билан таъкидлашимиз, ўйлайманки, барчамиз учун ҳам қарз, ҳам фарздир.

Шу борада бир фикр, бир ҳақиқатга эътиборингизни жалб қилмоқчиман. Барчамизга аёнки, ҳар қайси жамоада – бу ишлаб чиқариш корхонаси ёки фермер хўжалиги бўладими, ижод ёки маданият муассасаси, тиббиёт ёки таълим маскани, ҳарбий қисм ёки ҳуқуқни муҳофаза қилиш органи бўладими – буларнинг барчасида ўзининг меҳнати, ақл-заковати, билим ва тажрибаси, олижаноб инсоний фазилатлари ва аломатлари билан бошқаларга ибрат ва намуна кўрсатадиган фидойи инсонлар, етакчиларнинг роли, аҳамияти ва таъсири беқиёсдир. Айни шунинг учун халқимиз буларни юксак қадрлайди ва эъзозлайди.

Мен бугун мана шу даврада ўтирган сиз, азизларни – эл-юртимиз олдидаги муносиб хизматлари учун Ватанимизнинг юксак мукофотларига сазовор бўлган муҳтарам юртдошларимизни ана шундай инсонлар қаторида кўраман ва барчангизни бағримга босиб, чин қалбимдан яна бир бор табриклашни ўзим учун катта бахт деб биламан, деди Юртбошимиз.

Фурсатдан фойдаланиб, шу кунларда шаҳар ва қишлоқларимизда ана шундай юксак мукофотларни қабул қилиб олаётган барча юртдошларимизни ҳам ўзимнинг яқин қадрдонларим сингари ғойибона бағримга босиб, «Умрингиздан барака топинг, ҳеч қачон кам бўлманг, азизларим!» деб самимий табриклайман.

Мамлакатимиз раҳбари давлат мукофотларини тантанали равишда топширди.

Менинг ниятим, менинг тилагим – кўксингизга ярашиб турган мана шу юксак унвон ва нишонлар ҳаммангизга буюрсин, ҳаёт йўлларингизда сизларга куч-ғайрат ва шижоат бахш этсин, – деди Президентимиз Ислом Каримов. – Барчангизга сиҳат-саломатлик, ишларингизга ривож, хонадонларингизга файзу барака тилайман.

Тақдирланганлар номидан сўзга чиққан Ўзбекистон Қаҳрамони, «Ўзбекистон металлургия комбинати» акциядорлик ишлаб чиқариш бирлашмасининг пўлат эритиш цехи эритувчиси Алим Тўйчиев, II даражали Давлат мукофоти совриндори, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети профессори Виталий Троицкий, «Эл-юрт ҳурмати» ордени совриндорлари, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Фарғона вилояти бўлими масъул котиби Энахон Сиддиқова, Бердақ номидаги Қорақалпоқ Давлат мусиқий театри директори Нажматдин Ансатбоев, Пахтакор туманидаги «Анвар-А» фермер хўжалиги раҳбари Анорбой Эшматов, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артистлар, Республика мусиқа коллежи ўқитувчиси, эстрада хонандаси Зоя Цой, «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси хонандаси Сардор Раҳимхон, «Меҳнат шуҳрати» ордени соҳиби, Ўзбек Миллий академик драма театри актёри Маҳмуд Исмоилов, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган соғлиқни сақлаш ходими, Тошкент Тиббиёт академияси проректори Дилбар Нажмиддинова, Ўзбекистон Республикаси фан арбоби, Алишер Навоий номидаги Самарқанд давлат университети ректори Темир Ширинов, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими, В.Успенский номидаги республика махсус мусиқа академик лицейи директори Дилдора Жамолова, «Фидокорона хизматлари учун» ордени соҳибаси, Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Фарида Абдураҳимова ушбу мукофотлар бундан буён Ватан равнақи, халқ фаровонлиги йўлидаги фидокорона меҳнатни янада юқори сурьат ва шижоат билан давом эттиришга ундашини, янгидан-янги марраларни эгаллашга илҳомлантиришини таъкидладилар, юксак эътибори учун давлатимиз раҳбарига самимий миннатдорлик билдирдилар.

(ЎзА).

БУНЁДКОРЛИГИМИЗНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Давлатимиз раҳбари халқимизнинг буюк яратувчилик ва бунёдкорлик салоҳияти, ижтимоий фаоллиги, сиёсий ва ҳуқуқий тафаккурида юз бераётган чуқур ўзгаришлар юртимиз ривожини таъминлашга, Ватанимиз обрў-эътиборини юксалтиришга хизмат қилаётганини таъкидлар экан, бу борадаги эзгу ишларимизни янада жадал сурьатларда давом эттириш учун олдимизда турган муҳим масалаларга алоҳида тўхталиб ўтди.

Президентимиз ташаббуси билан 2009 йил Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили деб эълон қилинган эди. Бу борада махсус Давлат дастури ишлаб чиқилиб, изчил амалга оширилмоқда. Бундай улкан ишлар замирида юртдошларимиз, хусусан, қишлоқларда яшайдиган инсонлар турмуш фаровонлигини юксалтириш, қишлоқларимиз қиёфасини тубдан ўзгартириш, ижтимоий, иқтисодий, маънавий ҳаётимизни янада яхшилаш сингари эзгу мақсадлар мужассамдир.

Қишлоқ аҳоли пунктларини ободонлаштириш, тасдиқланган намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибда уй-жой қуриш кўламини кенгайтириш асосида қишлоқ аҳолисининг уй-жой шароитини тубдан яхшилаш бўйича кенг чоратадбирлар комплекси амалга оширилмоқда.

Қисқа қилиб айтганда, қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш, аҳоли турмуш фаровонлигини янада юксалтириш бўйича олиб борилаётган улуғвор ишлар изчил давом этмоқда.

Мамлакатимизда ҳар йилга муайян ном бериш хайрли анъанага айланган.

Шу анъанага мувофиқ Президентимиз Ислом Каримов кириб келаётган янги – 2010 йилни **«Баркамол авлод йили»** деб эълон қилишни таклиф этди. Юртбошимизнинг бу таклифи йиғилганлар томонидан гулдурос қарсаклар билан қўллаб-қувватланди.

Тантанали маросим санъат усталари ва ижрочи ёшларнинг байрам концерти билан якунланди.

(ЎзА).

ЎЗБЕКИСТОН КОНСТИТУЦИЯСИ – БИЗ УЧУН ДЕМОКРАТИК ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИДА ВА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ БАРПО ЭТИШДА МУСТАҲКАМ ПОЙДЕВОРДИР

(Давоми. Боши 1-,3-бетларда).

Бугун мана шу залда ўтирган сиз, азизларнинг юзларингизга қараб, сизларнинг тимсолингизда бутун халқимизни ўзимга тасаввур қилиб айтмоқчиман: биз навбатдаги сайловни муносиб даражада ўтказиб, халқаро майдонда ўзимизнинг сиёсий етуклигимизни яна бир бор намоён этишга албатта қодирмиз. Чунки бизнинг Ўзбекистонимиз, бизнинг жамиятимиз кечаги давлат, кечаги жамият эмас – таъбир жоиз бўлса, уларнинг ўртасида ер билан осмонча фарқ бор.

Энг муҳими, бугун одамларимизнинг дунёқараши, онгу шуури ва тафаккури, ҳаётга ва меҳнатга муносабати, ён-атрофда юз бераётган воқеаларга дахлдорлик туйғуси, ўз Ватанидан ғурур ва ифтихори, келажакка ишончи кундан-кунга тобора ошиб бораётганини **кўрмаслик, сезмаслик, англамаслик мумкин эмас.**

Ишончим комилки, кўпни кўрган, эл-юрт тақдирига масъулият билан ёндашадиган халқимиз бу сиёсий жараённинг нақадар улкан аҳамиятга эга эканини чуқур англаган ҳолда, сайловда аввало фаол иштирок этади ва ўзининг, оиласининг эзгу орзу-мақсадларини рўёбга чиқариш, юртимизнинг тинчлиги, Ватанимизнинг тараққиёти учун овоз беради.

Азиз дўстлар!

Маълумки, бундан бир йил муқаддам сизлар билан маслаҳатлашиб, 2009 йилга юртимизда «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» деб ном берган эдик. Ва шу асосда мустақилликнинг биринчи йилларидан бошлаб эътиборимиз марказида бўлиб келаётган устувор масала, яъни қишлоқларимиз қиёфасини ўзгартириш, агросаноат мажмуида олиб борилаётган ислоҳотларни чуқурлаштириш, қишлоқ аҳолисининг ҳаёт даражаси, ижтимоий-сиёсий ва маданий савиясини ошириш мақсадида махсус давлат дастури қабул қилганимиздан ҳам хабарингиз бор.

«Қишлоқ тараққий топса, юртимиз обод, ҳаётимиз янада фаровон бўлади» деган ғояни ўзида мужассам этган бу дастурнинг маъно-моҳияти, энг муҳим йўналишлари ва молиявий манбалари нафақат 2009 йил учун, балки ўрта ва узоқ муддатли истиқбол учун белгиланиб, унинг ижроси қатъий назоратга олинди.

Мен ушбу дастурнинг ўта кенг қамровли миқёсини инобатга олган ҳолда, фақатгина уни амалга ошириш йўлида қўйилган биринчи қадамлар ҳақида қисқача тўхталиб ўтмоқчиман.

Бу ҳақда гапирганда, аввалambор, қишлоқ аҳлининг манфаатларини янада тўлиқ таъминлаш, уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш масалаларига алоҳида эътибор берилганини қайд этиш лозим.

Қишлоқ ҳаётини обод этишда уларнинг қиёфасини ўзгартириш, бугун қишлоқ жойларда яшаётган одамларнинг турмуш шароитини замон талабларига мослаштириш, керак бўлса, уни шаҳар шароитига яқинлаштириш ғоят муҳим ўрин тутади, десам, ўйлайманки, янглишмаган бўламан.

Шу мақсадда 2009 йил январь ойида Ўзбекистон Республикаси Президентининг қишлоқларимизнинг замонавий архитектура нуқтаи назаридан режалаштирилиши, қишлоқ жойларда уй-жой ва ижтимоий объектлар қурилишини лойиҳалаштириш ва бунёд этиш тизимини такомиллаштириш, «Қишлоққурилишлойиҳа» институтини ташкил этиш бўйича қарорлари қабул қилинди.

Айтиш керакки, мазкур институт томонидан ҳозирга қадар 2 хонадан 5 хонагача бўлган замонавий уй-жойлар, маиший хизмат кўрсатиш объектларининг намунавий лойиҳалари ишлаб чиқилди.

Бу ишга республикамиздаги кўзга кўринган, юқори малакали мутахассислар жалб этилиб, якка тартибдаги уй-жойлар қурилиши бўйича 22 та, ижтимоий объектлар бўйича эса 16 та намунавий лойиҳа тасдиқланиб, қурилишга тавсия қилинди.

Мазкур лойиҳаларни амалга ошириш билан боғлиқ тайёргарлик ва қурилиш ишларини бажариш мақсадида ташкил этилган «Қишлоқ қурилиш инвест» инжиниринг компанияси бугунги кунда марказда ва жойларда фаолият олиб бормоқда.

Жорий йилнинг сентябрь ойида пойтахтимиздаги «Ўзэкспомарказ»да бўлиб ўтган ва ҳозирги вақтда вилоят марказларида ўтказилаётган кўргазмаларда бу лойиҳалар кенг жамоатчилигимизга намойиш этилмоқда ва халқимиз томонидан катта қизиқиш билан кутиб олинмоқда.

Бу лойиҳаларни амалга ошириш учун катта миқдордаги зарур маблағларни жалб этиш мақсадида алоҳида қарор билан «Қишлоқ қурилиш банк» акциядорлик-тижорат банки ташкил этилиб, айни пайтда кўпчилик мижозлар унинг хизматидан фойдаланмоқда.

Шуни айтиш керакки, қишлоқ жойларда қурилиш ишларини олиб бориш учун жорий йилнинг ўзида мазкур банк орқали қарийб 60 миллиард сўм маблағ йўналтирилди.

Келгуси йилда эса ана шу мақсадлар учун қўшимча равишда яна салкам 530 миллиард сўм маблағ йўналтириш кўзда тутилган бўлиб, бунинг 256 миллиард сўмдан зиёди давлат томонидан бериладиган маблағдир.

Бундай кенг кўламли ишларни бажариш учун ҳозирга қадар мамлакатимизда 670 та ихтисослаштирилган қурилиш-таъмирлаш ташкилоти тузилди ва улар юқори малака ва тажрибага эга бўлган мутахассис кадрлар билан таъминланди.

Ана шундай ҳар томонлама пухта ўйланган режа асосида жорий йилнинг ўзида Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда 42 та ер массиви ажратилиб, қишлоқ ҳудудларида эксперимент тариқасида 840 та якка тартибдаги уй-жой барпо этилмоқда ва уларни 2010 йилнинг март-апрель ойларида фойдаланишга топшириш мўлжалланмоқда.

Таъкидлаш лозимки, бу уйлар аввало ишлаб чиқилган намунавий лойиҳаларни амалда синаш, эртага шу уйларда яшайдиган одамларнинг таклиф ва истакларини ҳар томонлама ўрганиш ва бажо келтириш учун тегишли хулосалар чиқариш имконини беради.

Бу қурилишларда ана шу уй-жойларнинг бўлғуси эгалари ҳам ўз маблағлари билан иштирок этмоқда. Энг муҳим жиҳати шундаки, қурилиш сарф-харажатларининг аксарият қисми аҳолига «Қишлоқ қурилиш банк» томонидан бериладиган узоқ муддатли имтиёзли кредит ҳисобидан қопланади.

Айни шу ҳолат, яъни, бу уйлар учун сарфланган маблағни бирданига эмас, балки 15 йил давомида аста-секин, босқичма-босқич тўлаш тартиби халқимизга катта имтиёз ва енгилликлар беради.

Бу борадаги ишларимиз 2010 йилда янада кенг кўламда давом эттирилиб, мамлакатимизнинг 159 та, яъни барча қишлоқ туманларида 7 минг 630 та янги уй-жой барпо этилади. Насиб этса, уларни келгуси йилнинг август-сентябрь ойларида ўз эгаларига топширамиз, албатта.

Алоҳида диққатга сазовор томони шундаки, бу борадаги режаларимизда нафақат шинам ва обод уйлар қуриш, айни пайтда болалар боғчалари, умумтаълим ва мусиқа мактаблари, спорт иншоотлари, тиббиёт муассасалари, маиший хизмат объектлари, равон йўллар, бир сўз билан айтганда, қишлоқ аҳлининг ҳар томонлама муносиб ва қулай ҳаёт кечириши учун зарур барча шароитларни ўз ичига оладиган замонавий турар-жой мавзеларини комплекс барпо этиш аниқ белгилаб берилган.

Ўтган давр мобайнида бу йўналишда энг муҳим масалалардан бири бўлган қурилиш материаллари ишлаб чиқаришни кенгайтириш бўйича ҳам анча ишлар қилинди.

Бу ҳақда гапирганда, аввало қурилиш материаллари ишлаб чиқарадиган 31 та ишлаб чиқариш қуввати, жумладан, 2 миллион квадрат метр замонавий том ёпиш материаллари ишлаб чиқарадиган 6 та корхона, шунингдек, гипс, алебастр, гипсокартон каби қурилиш ва пардозлаш материаллари, йиғма конструкциялар тайёрлайдиган янги корхоналар фойдаланишга топширилганини қайд этиш лозим. Шулар қаторида йилига 81 миллион дона ғишт ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган 12 та янги завод ишга туширилди.

Таъкидлаш керакки, янгитдан барпо этилган бу корхоналарда тайёрланадиган қурилиш материаллари, хусусан, ғишт нархини пасайтириш мақсадида уларга ҳар томонлама имтиёз ва шароитлар туғдириб берилмоқда.

Қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш ҳақида сўз борганда, бу соҳада энг долзарб масалалардан бири бўлмиш қишлоқ жойларда янги йўллар қуриш ва мавжудларини кенгайтириш учун қарийб 100 миллиард сўм маблағ сарфлангани, транспорт қатновини яхшилаш мақсадида кўплаб янги йўналишлар очилиб, улар Самарқандда ишлаб чиқарилган замонавий автобуслар билан таъминланганини айтиш лозим.

Айни пайтда қишлоқларимизни энергетика ресурслари билан узлуксиз ва кафолатли таъминлаш учун йил давомида 16 миллиард сўмдан ортиқ маблағ ҳисобидан узунлиги 2 минг 700 километрдан зиёд электр тармоқлари, 300 километрдан кўпроқ табиий газ қувурлари реконструкция қилинди ва капитал таъмирланди.

Азиз дўстлар!

Қишлоқ хўжалигидаги ислоҳотларни чуқурлаштириш, соҳанинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, энг муҳими, қишлоқ хўжалиги иқтисодиётини юксалтириш, юртимизни обод этиш йўлида тобора ҳал қилувчи кучга айланиб бораётган фермерлик ҳаракатининг самарасини янада ошириш мақсадида қилинаётган ишлардан, ўйлайманки, барчангиз хабардорсиз.

Бу ҳақда гапирганда, «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» дастури доирасида ризқ-рўзимиз манбаи бўлган ер унумдорлигини ошириш, унинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича ҳам салмоқли натижаларга эришилгани хусусида тўхталишимиз табиий, албатта.

Шулар қаторида 81 миллиард сўм маблағ сарфланиб, 10 минг километрдан ортиқ зовурлар, салкам 1000 километрлик дренаж тармоқларини таъмирлаш ва тиклаш ишлари бажарилди, кўплаб сув иншоотлари реконструкция қилинди, 50 километр узунликдаги янги каналлар ва бошқа объектлар қурилиши якунига етказилди.

Бу рақамлар ортида қандай ўта оғир ва машаққатли меҳнат ётгани, уларнинг замирида юз минглаб деҳқон ва механизаторларимизнинг фидокорона хизмати борлигини, энг муҳими, ана шундай меҳнатлар эвазига ҳосилимизга қўшимча яна қанча ҳосил қўшилаётганини инобатга оладиган, буларнинг барчасини ўзимизга тасаввур этадиган бўлсак, такрор айтаман, бундай ғоят оғир ишни бажарган меҳнатчиларимизга ҳар қанча тасаннолар айтсак, арзийди, албатта.

Шуни миннатдорлик билан таъкидлаш керакки, мамлакатимизда ушбу йўналишдаги улкан лойиҳаларни амалга оширишда Осиё тараққиёт банки ва Жаҳон банки, Ислом тараққиёт банки, Хитой Халқ Республикаси, Жанубий Корея ва бир қатор араб мамлакатларининг молия институтлари томонидан ажратилган сармоялар катта ҳисса бўлиб қўшилди.

Йил давомида амалга оширилган ишлар ҳақида сўз юритганда, қишлоқ жойларда тобора ривожланиб бораётган хизмат кўрсатиш шохобчалари ва муассасаларининг фаолияти, сервис хизмати хусусида кенгроқ тўхталиб ўтмоқчиман.

Маълумки, ҳозирги вақтда қишлоқларимизда анъанавий маиший хизматлар билан бир қаторда замонавий телекоммуникация тизимлари, хусусан, интернет, уяли алоқа, яъни мобиль телефон алоқаси, компьютерда турли хизматлар кўрсатишни ўз ичига оладиган янги сервис шохобчалари жадал ривожланмоқда.

Бугунги кунда қишлоқ жойларда уяли алоқа хизмати абонентлари сони 5 миллионга етгани, бу эса мамлакатимиз бўйича умумий кўрсаткичнинг 30 фоизини ташкил этаётгани ва ушбу рақам тез суръатлар билан ўсиб бораётгани ҳам шундан далолат беради.

Шу билан бирга, қишлоқ ҳудудларида янги технологиялар асосида коммунал хизматлар учун экспресс тўловларни қабул қиладиган 3 мингта шохобча ташкил этилди.

Айниқса, жорий йилда 4 минг 200 та қишлоқ мактаби, такрор айтаман, фақатгина қишлоқда жойлашган мактаблар интернет тармоғига уланғани бу соҳада амалга оширган жиддий ишларимиз қаторига киради.

Азиз дўстлар, ўзимиз бир ўйлаб кўрайлик, ҳозирги кунда айнан мана шундай коммуникация хизматларидан фойдаланиб, энг олис қишлоқда яшаётган одамлар ҳам – у фермер ёки тадбиркор бўладими, ҳунарманд ёки ўқитувчи бўладими – дунёнинг исталган чеккаси билан боғланиш, мулоқот қилиш, турли хизматлардан фойдаланиш имконига эга бўлишини бундан беш-олти йил олдин фараз қилиш мумкинмиди?

Энг асосийси, бундай хизмат турлари аҳоли эҳтиёжини қондирибгина қолмасдан, айни пайтда қишлоқ жойлардаги лицей ва коллежларни битирган минглаб фарзандларимизни иш билан таъминлаш, уларнинг мана шундай замонавий касб эгаси бўлишига имкон яратаётгани, ўзингиз айтинг, бугун униб-ўсиб, ҳаётга кираётган ёшларимизнинг келажагини, истиқболини белгилаб бермайдими?

Биргина жорий йилнинг ўзида фақат қишлоқ жойларда 460 мингта, жумладан, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш ҳисобидан қарийб 380 мингта янги иш ўрни очилиб, уларда асосан ана шундай ўғил-қизларимиз фаолият кўрсатаётгани барчамизни қувонтиради, албатта.

Қишлоқда турмуш маданияти ва сифатини ошириш ҳақида гапирганда, энг ўткир ва долзарб яна бир масаланинг ечими тўғрисида доимо ўйлашимиз табиийдир. У ҳам бўлса, биз учун бебаҳо бойлик бўлган инсон саломатлигини асраш, оналик ва болалик муҳофазаси, соғлом авлод тарбияси, тиббиёт муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, аҳолининг тиббий маданиятини ошириш билан боғлиқ бўлиб, бу борада ҳам анча ишлар қилинди.

Мисол тариқасида барча қишлоқ туманларининг марказий шифохоналари умумий қиймати 12 миллион доллар бўлган тиббий анжомлар, 44 та «Уаз» санитария машинаси, 280 та «Дамас-амбуланс» тез ёрдам машинаси билан таъминлангани, қишлоқ врачлик пунктларига 1 миллион доллар миқдорида тиббий лаборатория анжомлари етказиб берилганини айтиш ўринли бўлади.

Энг муҳими, йил давомида 3 миллион 750 минг нафар қишлоқ аҳолиси малакали тиббий кўрикдан, 22 минг нафардан зиёд ҳомиладор аёл махсус скрининг текширувидан ўтказилгани, 400 минг нафар бемор шифохоналарда даволаниб, ўз саломатлигини мустаҳкамлаганини қайд этиш керак.

Қадрли дўстлар!

Ижозатингиз билан, «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастуридан ўрин олган яна бир устувор йўналиш ҳақида атрофлича тўхталиб ўтишни зарур, деб биламан.

Бугунги кунда ҳаётимизда том маънода тарихий аҳамиятга эга бўлган, дунё жамоатчилиги ҳақли равишда эътироф этаётган таълим-тарбия соҳасидаги кенг кўламли ислоҳотларимиз қандай катта натижалар бераётгани ҳақида ҳар қанча фахрланиб, ғурурланиб гапирсак арзийди, албатта.

Ҳақиқатан ҳам, бундан 12 йил олдин бошланган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва 2004 йилда унинг таркибий қисми сифатида қабул қилинган Мактаб таълимини ривожлантириш умуммиллий давлат дастури ижтимоий ҳаётимизда туб бурилиш ясади.

Бу дастурлар доирасида юртимизда минг-минглаб лицей ва коллежлар, мактаблар қуриш ва уларни реконструкция қилиш, энг юксак талаблар асосида жиҳозлашдек кенг кўламли вазифани қўйганимизда, бу ишларнинг қандай улкан, айтиш мумкинки, беқиёс мақсадларни кўзда тутишини камдан-кам одам ўзига тасаввур қиларди.

Бугун мамнуният билан таъкидлаш керакки, биз қандай қийин ва оғир бўлмасин, бу дастурларни қатъият билан амалга ошириб, бундай билим масканларини нафақат шаҳарларимизда, балки олис қишлоқ ва овулларимизда ҳам ягона намунавий лойиҳа ва мезонлар асосида бунёд этишга эришдик.

Бунинг натижасида барча ёшларимиз қатори қишлоқ болаларининг замонавий билим ва касб-ҳунарларга эга бўлиши, энг муҳими, уларнинг мамлакатимиздаги олий ўқув юртларига кириб таълим олишига муносиб шароит туғдириб бериш учун ана шу иккита дастур қандай мустаҳкам замин яратганини бугун вақт ўтиб, барчамиз тушуниб етмоқдамиз.

Ўтган давр мобайнида ана шу лицей ва коллежларни 1 миллион 446 мингдан зиёд фарзандларимиз, жумладан, 1 миллион 55 минг нафардан ортиқ қишлоқ ёшлари битириб, бугунги кунда ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги, бошқарув ва ижтимоий соҳаларда, барча жабҳаларда меҳнат қилаётгани бизнинг шу йўлда эришган энг катта ютуғимиз бўлди, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Бир ўйлаб кўрайлик, бундан ўн-ўн беш йил олдин мактабларимиз, умуман, таълим муассасаларимиз қай аҳволда эди?

Ўша пайтда уларнинг бугунгидек энг замонавий ўқув-лаборатория ускуналари, компьютер техникаси, дарсликлар ва ўқув-услубий воситалар билан жиҳозланишини, спорт инфратузилмасига эга бўлиши, мактаб ҳаётига интернет тизими кенг кириб боришини ким фараз қила олар эди?

Айниқса, биргина жорий йилнинг ўзида шу борадаги ишларимиз янги босқичга кўтарилиб, **юртимиз бўйича жами 1 минг 957 та мактаб қурилган ва реконструкция қилинган бўлса, уларнинг 1 минг 622 таси айнан қишлоқ жойларда экани диққатга сазовордир. Шулар қаторида 2009 йилда барпо этилган 214 та академик лицей ва касб-ҳунар коллежининг 170 таси қишлоқ туманларимизда бунёд этилгани ва реконструкция қилинганини таъкидлаш лозим.**

Айнан қишлоқ жойлардаги ана шу билим даргоҳларини қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш ва жиҳозлаш учун жами 895 миллиард сўм маблағ сарфлангани, айтиш керакки, мамлакатимиз тарихида илгари ҳеч қачон кўрилмаган ҳодисадир.

Муҳтарам дўстлар, мен жойларда бўлиб, одамлар билан, фермер ва деҳқонлар билан учрашганимда, қишлоқ ҳаётида бўлаётган ўзгаришлар ҳақида, пахта, ғалла ҳақида гаплашамиз, булар албатта керак. Лекин, эътибор берган бўлсангиз, бундай мулоқотларда ёшу қари ўз қишлоғи ёки туманида қурилаётган мактаб, лицей ва коллежлар қишлоқ ҳаётини тубдан ўзгартириб юборгани ҳақида тўхталиб, гапни аввалambор шундан бошлайди.

Мен юртдошларимизнинг бундай тўлқинланиб, қувониб гапиришини табиий деб ўйлайман. Чунки халқимизнинг қонида, табиатида бўлган эзгу фазилатга кўра одамларимиз кўпроқ ўзини эмас, балки фарзандларини, уларнинг келажагини, бахту саодатини ўйлаб яшайди.

Шу нуқтаи назардан қараганда, биз танлаган тараққиёт йўлининг таркибий қисмига, аниқроқ айтадиган бўлсак, келажагимизнинг мустаҳкам пойдеворига айланиб бораётган **таълим соҳасидаги буюк дастурларимизни ўз вақтида, узоқни кўзлаб ишлаб чиққанимиз ва амалга оширганимиз нақадар тўғри бўлганини бугун мамлакатимиз эришган юксак марра ва натижалар яққол намоён этмоқда.**

Шулар ҳақида гапирар эканмиз, жорий йилда ўзининг амалий йўлини бошлаган «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» дастури ҳам теран маъно-мазмуни ва мақсадларига кўра юқорида тилга олинган дастурлар билан чамбарчас ва узвий боғланиб кетганини таъкидлаш лозим.

Энг муҳими, бу дастурлар бир-бирини тўлдириб, бир-бирига замин туғдириб бераётган, бир-бирининг мантиқий давоми бўлиб, давлатимиз ва жамиятимиз ривожига беқиёс ҳисса қўшаётган ҳужжатлар, десак, янглишмаган бўламиз.

Шу маънода, «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» дастури ўз кўлами, аҳамияти ва моҳияти билан бугунги куннимиз ва эртанги келажагимизнинг нафақат моддий томонларини, айни пайтда, маданий ва маънавий савиямизни ошириш, мухтасар айтганда, бутун ҳаётимизни юксалтиришга қаратилган бўлиб, ҳеч шубҳасиз, мамлакатимиз тарихида муносиб ўрин эгаллаши муқаррар.

Бунинг тасдиғи ва исботи сифатида – шунга алоҳида эътибор бериш зарур – фақатгина шу йилнинг ўзида бу дастурни амалга ошириш учун барча манбалар ҳисобидан 2 триллион 612 миллиард сўмдан зиёд маблағ сарфланганининг ўзи, ўйлайманки, кўп нарсадан далолат беради.

Ишонаманки, кириб келаётган 2010 йилда бу мақсадларга сарфланадиган маблағлар ўтган йилга нисбатан кам бўлмайди, иншоолло.

(Давоми 5-бетда).

ЎЗБЕКИСТОН КОНСТИТУЦИЯСИ – БИЗ УЧУН ДЕМОКРАТИК ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИДА ВА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ БАРПО ЭТИШДА МУСТАҲКАМ ПОЙДЕВОРДИР

(Давоми. Боши 1-,3-,4-бетларда).

Шу фурсатдан фойдаланиб, мана шундай улуғ, қиёси ва ўлчови бўлмаган олижаноб ишларга ўз ҳиссасини қўшаётган юртимиздаги давлат ва нодавлат ташкилотларга, фермерлик ва тадбиркорлик субъектларига, хорижий давлатлар ва жамғармалар, халқаро тузилмаларга, мана шу залда ўтирган чет мамлакатларнинг элчи ва вакилларига, шу йўлда холис хизмат қилган барча-барча инсонларга ўз номимдан, халқимиз номидан самимий ташаккур билдиришга ижозат бергайсиз.

Қадрли ватандошлар!

Энди, сиз, азизлар билан кириб келаётган янги 2010 йил ҳақида, унга қандай ном бериш, бошқача айтганда, эл-юртимизнинг эзгу интилишларига жавоб берадиган устувор мақсадлар хусусида фикр алмашиб, уларни ўзимиз учун аниқ белгилаб олсак, айни муддао бўларди.

Шу ҳақда ўйлаганда, биз биринчи навбатда давлатимиз ва жамиятимиз тараққиёти билан бевосита боғлиқ бўлган, кенг қамровли мақсадларни амалга оширишда ҳал қилувчи ўрин тутадиган режа ва вазифаларни ҳисобга олишимиз зарур.

Янги йилга олдимизда турган энг долзарб мақсадларни кўзлаб ном беришнинг яна бир боиси шундан иборатки, шу тариқа биз юртимиздаги барча давлат ва нодавлат ташкилотлар, хўжалик ва корхоналар, тижорат тузилмаларининг куч ва имкониятларини қўйилган вазифани бажариш йўлида сафарбар этишни назарда тутамиз.

Ўйлайманки, агар бу масаланинг туб моҳиятини, халқимизнинг орзу-ниятларига ҳамоҳанг бўлган аҳамиятини ўзимизга тасаввур қиладиган бўлсак, унинг нақадар муҳим ва шу билан бирга, нақадар мураккаб экани аён бўлади.

Бу масала устида жуда кўп ўйлаб, фикрлашиб, кўпчиликнинг таклиф ва мулоҳазаларини инобатга олиб, мен кириб келаётган 2010 йилга юртимизда **«Баркамол авлод йили» деб ном беришни таклиф этмоқчиман.**

Янги йилга айнан шундай ном беришнинг сабабларини исботлаб бериш, ўйлайманки, қийин эмас.

Аввало, биз, яъни халқимиз ва давлатимиз, ҳар қайси инсон ниманики ўз олдимизга мақсад қилиб қўйган бўлмайлик, қандай буюк ишларни амалга оширишга интилмайлик, барча олижаноб ҳаракатларимизнинг негизида нима туради?

Бу саволга ҳаммамиз, табиийки, барча эзгу ниятларимизнинг марказида фарзандларимизни ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан соғлом қилиб ўстириш, уларнинг бахту саодати, фаровон келажагини кўриш, дунёда ҳеч кимдан кам бўлмайдиган авлодни тарбиялаш орзуси туради, деб жавоб берамиз.

Ҳақиқатан ҳам, ҳаётимизнинг маъно-мазмуни шунда эмасми?

Айнан мана шундай ҳар томонлама етук авлодгина бугун ҳаёт олдимизга қўяётган ўта мураккаб, оғир синов ва қийинчиликларни енгиш, биз кўзлаган юксак марраларни эгаллашнинг энг асосий шарти эканини ҳаммамиз яхши тушунамиз, албатта.

Келинглар, шу масала устида атрофлича бир фикр юритиб кўрайлик.

Агар биз ўз вақтида узоқни кўзлаб эртага ҳаётга кириб келаётган ёшларимизнинг чуқур билим ва касб-ҳунар эгаллаши учун замин яратмасак, уларни замон талаб қиладиган мутахассис кадрлар этиб тайёрламасак, бугунги кунда бутун дунёни қамраб олган молиявий-иқтисодий инқироз даврида юртимизда тинчликни сақлаб, иқтисодиётимизнинг барқарор ўсиш суръатларини таъминлашга, айни шундай оғир шароитда халқимиз ҳаётининг тобора юксалишига эриша олармидик?

Йўқ, албатта.

Ҳаммамизга теран бир ҳақиқат аён бўлиши керак – биз юртимизнинг эртанги ривожи йўлида қандай чуқур ўйланган дастурларни тузмайлик, бу режаларни бажариш учун қандай моддий база ва имкониятларни яратмайлик, бунинг учун қанча кўп сармоя сафарбар этмайлик, уларнинг барчасини амалга оширадиган, рўёбга чиқарадиган қудратли бир омил борки, у ҳам бўлса, юқори малакали иш кучи ва **юртимизнинг эртанги куни, тараққиёти учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлган етук мутахассис ёшларимиз, десак, ўйлайманки, ҳеч қандай хато бўлмайди.**

Шунинг учун ҳам бу ўта муҳим масалани доимо давлатимиз, жамиятимизнинг асосий вазифаси сифатида кўришимиз даркор.

Албатта, ўтган йиллар тажрибасини инобатга олган ҳолда, биз 2010 йилга «Баркамол авлод йили» деб ном беришимиз муносабати билан махсус давлат дастурини тайёрлашимиз ва унинг ижросини таъминлашимиз зарур.

Бу дастурни ишлаб чиқишда манфаатдор идоралар, давлат ва нодавлат ташкилотлар, маҳаллий ҳокимликлар, тегишли мутахассислар, қисқача айтганда, кенг жамоатчилигимиз жалб қилиниши табиий, албатта.

Мен, шу фурсатдан фойдаланиб, бу дастур ўзига қамраб оладиган йўналишлар, амалга оширилиши зарур бўлган асосий чора-тадбирлар қаторида энг муҳим масалалар ва вазифалар ҳақида тўхталиб ўтишни жоиз, деб биламан.

Энг аввало, бу борада мавжуд ҳуқуқий ва юридик базани танқидий кўз билан қараб, уларга бугун замон талаб қилаётган тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, керак бўлса, олдимизга қўйган мақсадларга жавоб берадиган янги ҳуқуқий нормаларни ишлаб чиқиш ва Олий Мажлисимиз томонидан қабул қилиш катта аҳамиятга эга.

Табиийки, соғлом авлод деганда, барчамиз биринчи навбатда соғлом наслни тушунамиз. Шу борада ўтган йиллар давомида «Соғлом она – соғлом бола» ғоясини ўзида мужассам этган дастур асосида кенг кўламли чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, ҳаётга жорий этилди. Хусусан, замонавий тиббий ускуналар билан жиҳозланган диагностика, скрининг ва перинатал марказлари, янги туғруқхоналар барпо этиш, бир сўз билан айтганда, оналар ва болалар саломатлигини ҳимоялаш мақсадида марказда ва жойларда анча ишлар қилинганидан барчамиз хабардормиз.

Бу ишларни эътироф этган ҳолда, турли хил сабаблар туфайли инсон соғлигига салбий таъсир кўрсатадиган хавф-хатарларнинг олдини олиш, медицина хизматининг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш, шу соҳага посбон бўлган шифокорларнинг меҳнатини рағбатлантириш бўйича бугун олдимизда янги-янги вазифалар пайдо бўлаётганини ҳам биз ўзимизга яхши тасаввур этамиз.

Ана шундай кенг қамровли вазифаларни ҳисобга олиб, биз 2010 йилда давлат бюджетида соғлиқни сақлаш соҳасидаги харажатларимизни 1 триллион 700 миллиард сўм атрофида белгилаб, яъни, бу йилга нисбатан 30 фоизга кўпайтиришни кўзда тутмоқдамиз.

Ўрни келганда айтиш керакки, янги 2010 йилда давлат бюджетининг 50 фоиздан кўпроғи мамлакатимизда фақат таълим-тарбия ва соғлиқни сақлаш соҳаларини ривожлантиришга йўналтирилади.

Баркамол авлод ҳақида сўз борганда, ўтган йиллар давомида катта куч ва маблағ ҳисобидан таълим соҳасида барпо этилган моддий-техник базадан оқилона ва самарали фойдаланиш масаласи қанчалик муҳим экани барчамизга аён бўлиши керак, деб ўйлайман.

Шулар қаторида давлат таълим стандартларини, ўқув дастурлари ва ўқув адабиётларини такомиллаштириш, олий ва ўрта махсус таълим тизимида таълим йўналишлари ва мутахассисликларини бугунги кун талаблари нуқтаи назаридан қайта кўриб чиқиш зарур.

Шунингдек, ўқув жараёнига янги ахборот ва педагогик технологияларни кенг жорий этиш, болаларимизни комил инсонлар этиб тарбиялашда жонбозлик кўрсатадиган ўқитувчи ва домлаларга эътиборимизни янада ошириш, қисқача айтганда, таълим-тарбия тизимини сифат жиҳатидан бутунлай янги босқичга кўтариш диққатимиз марказида бўлиши даркор.

Такрор айтишга тўғри келади – таълим соҳасида замонавий ахборот ва компьютер технологиялари, интернет тизими, рақамли ва кенг форматли телекоммуникацияларнинг замонавий усулларини ўзлаштириш, бугунги тараққиёт даражасини белгилаб берадиган бундай илғор ютуқлар нафақат мактаб, лицей ва коллежлар, олий ўқув юртларига, балки ҳар қайси оила ҳаётига кенг кириб бориши учун замин тугдиришнинг аҳамиятини чуқур англаб олишимиз лозим.

Қабул қилинадиган дастурда жисмоний тарбия ва спорт соҳасида бошлаган катта ишларимизни ҳеч сусайтирмасдан давом эттириш, айниқса, болалар спортини янада ривожлантириш, ҳар қайси шаҳар ва қишлоқда давр талабига жавоб берадиган спорт мажмуалари ва стадионлар бунёд этиш, уларни замонавий спорт анжомлари, юқори малакали спорт устозлари ва мураббийлар билан таъминлаш масалалари кенг ўрин олиши керак.

Айни пайтда касб-ҳунар коллежлари ва олий ўқув юртларини битириб чиқаётган ёшларимиз эгаллаётган энг замонавий билим ва кўникмаларни амалда жорий этиши учун **уларни кичик бизнес ва тадбиркорлик соҳасига кенг жалб қилиш масаласига принципиал аҳамият берилиши ва бу вазифа дастурда ўзининг муносиб ўрнини топиши даркор.**

Бу борада шуни эътиборга олишимиз керакки, ҳозирги вақтда мамлакатимиздаги ижтимоий фаол аҳолининг 70 фоиздан ортиғи айнан кичик бизнес ва тадбиркорлик соҳасида банд. Шундай экан, бу соҳани янада ривожлантирмасдан туриб, биз иқтисодиётимизнинг келгуси тараққиётини ўзимизга тасаввур қила олмаймиз.

Нега деганда, меҳнат фаолиятининг айнан шу йўналиши бугунги кунда аҳолимизнинг катта қисми учун нафақат асосий даромад манбаи, балки дунёнинг барча **ривожланган давлатларида бўлгани каби, Ўзбекистонда ҳам шаклланиб келаётган ўрта синф бўлмиш мулкдорлар синфининг муҳим таркибий қисми, мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётининг таянчи ва суянчи ҳисобланади.**

Шундай ўта муҳим омилларни инобатга олган ҳолда, қабул қилинадиган дастурда кичик бизнес ва тадбиркорлик соҳаси олдида ҳали-бери мавжуд бўлган муаммоларни ечиш, бу йўлдаги тўсиқларни бартараф этиш, барча ҳудуд ва минтақаларда, аввало, қишлоқ жойларда бу соҳага ёшларни жалб этиш учун етарли шароит ва имтиёзлар яратиб бериш масаласи катта ўрин эгаллаши зарурлигини ҳаммамиз, биринчи навбатда маҳаллий раҳбарлар яхши англаб олишимиз даркор.

Олдимизда турган яна бир муҳим масалага диққатингизни қаратишни лозим деб биламан. Ҳаммамиз яхши тушунамизки, бугунги кунда тараққиёт ҳақида сўз борганда, илм-фаннинг ўрни ва аҳамияти ҳақида ортиқча гапиришга ҳожат йўқ, албатта.

Биз мамлакатимизнинг келажагини кўзда тутган ҳолда, бугунги кунда тараққий топган давлатлар илмий жамоатчилигининг эътибор марказида турган, энг илғор, истиқболли илмий изланиш ва тадқиқот ишларини юртимизда ривожлантириш мақсадида Фанлар академияси ва олий ўқув юртлари таркибида янги лабораторияларни ташкил қилиш, уларнинг ривожланган мамлакатлардаги илм-фан марказлари билан самарали ҳамкорлик алоқалари ўрнатишига эришишимиз керак.

Бу масалани ҳозирги вақтда олдимизда турган долзарб вазифалардан бири сифатида кўришни бугун замоннинг ўзи талаб қилмоқда.

. Бу йўналишдаги ишларга янги туртки бериш, хорижий давлатлардан замонавий илмий жиҳоз ва ускуналарни олиб келиш, энг иқтидорли, талантли ёшларимизни бу ишга сафарбар қилиш ва рағбатлантириш мақсадида Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси қошида **алоҳида фонд тузиш ва уни етарли даражада валюта маблағлари билан таъминлаш эзгу орзу-ниятларимизга жавоб берадиган бир иш бўлур эди.**

Ўйлайманки, бу фикрни мана шу залда ўтирганлар қўллаб-қувватлайди.

Соғлом ва баркамол авлодни тарбиялашда жамиятимизнинг энг муҳим, мен айтган бўлардимки, ҳал қилувчи бўғини бўлмиш оилага алоҳида эътибор бериш ва уни ҳар томонлама асраб-авайлаш тадбирларини бўлажак дастурнинг узвий қисми сифатида кўришимиз зарур.

Халқимизда «Қуш ўз уясида кўрганини қилади», деган ибора бежиз айтилмаган, бунда чуқур маъно-мазмун бор.

Ўғил-қизларимизни эл-юртимизга муносиб фарзанд, эртага Ватанимизнинг ҳақиқий фуқароси бўладиган инсонлар этиб тарбиялаш аввало оила бағрида, оиланинг соғлом иқлими, ота-онанинг бир-бирига меҳри ва ҳурмати шароитида чуқур илдиз отишини, ўйлайманки, ҳаммамиз яхши англаймиз.

Бундан хулоса шуки, **соғлом ва мустаҳкам оила, биринчи навбатда, янги қурилаётган ёш оилалар масаласини давлатимиз ва жамиятимиз, маҳаллаларимизнинг доимий эътиборида турадиган устувор вазифа деб билишимиз даркор.**

Маълумки, бугунги кунда фарзандларимизнинг маънавий оламини юксалтириш, уларни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш масаласи биз учун энг долзарб вазифа бўлиб қолмоқда.

Айниқса, ҳозирги мураккаб ва таҳликали замонда миллий ўзлигимиз, азалий қадриятларимизга ёт ва бегона бўлган турли хил хуружлар, ёшларимизнинг онги ва қалбини эгаллашга қаратилган ғаразли интилишлар тобора кучайиб бораётгани барчамизни янада ҳушёр ва огоҳ бўлишга даъват этиши табиийдир.

Шу сабабли ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзи тамойилларини қарор топтириш, уларни гиёҳвандлик, ахлоқсизлик, четдан кириб келаётган ҳар хил зарарли таъсирлардан, «оммавий маданият» ниқоби остидаги таҳдид ва хатарлардан асраш масалалари бир зум ҳам эътиборимиздан четда қолмаслиги даркор. Бу масалалар дастурда албатта ўз ифодасини топиши зарур.

Азиз ва муҳтарам ватандошларим!

Бугун ҳеч кимга сир эмаски, **биз яшаётган XXI аср – интеллектуал бойлик ҳукмронлик қиладиган аср.**

Кимки бу ҳақиқатни ўз вақтида англаб олмаса, интеллектуал билим, интеллектуал бойликка интилиш ҳар қайси миллат ва давлат учун кундалик ҳаёт мазмунига айланмаса – бундай давлат жаҳон тараққиёти йўлидан четда қолиб кетиши муқаррар.

Буни чуқур англаб олган давлат, бундай хулосани чиқарган, халқаро ҳамжамият ва тараққий топган мамлакатлар қаторига кўтарилиш учун ҳаракат қилаётган жамият, биринчи навбатда, **бугун улғайиб-ўсиб келаётган фарзандларининг ҳар томонлама баркамол авлод бўлиб ҳаётга кириб боришини ўзи учун энг улуғ, керак бўлса, энг муқаддас мақсад, деб билади.**

Бугун бизнинг демократик давлат, фуқаролик жамияти, замонавий иқтисодиёт тизимини барпо этиш, дунёда ўзимизга муносиб ўрин эгаллаш йўлида эришаётган ютуқларимизни ва барқарор натижаларимизни жаҳон жамоатчилиги тан олаётган экан, бунинг боиси нимада, деган табиий савол туғилади.

Бунинг боиси – аввало, эл-юртимизнинг қандай бой тарих ва маданий-маънавий меросга эга эканида, унинг интеллектуал салоҳияти ва илдизлари нақадар чуқур эканида, халқимизнинг ўз олдига қўйган юксак мақсадларга эришиш йўлида қандай буюк ишларга қодир эканидадир.

Бунинг боиси – биз ҳеч қачон ҳеч кимдан кам бўлмаганимиз ва эзгу мақсад-муддаомиз бўлмиш эркин, озод ва обод ҳаёт бунёд этишда ҳам ҳеч кимдан кам бўлмаймиз, иншоолло.

Шу юксак минбардан туриб, мана шу муҳташам залда ўтирган сиз, азизларга, сизларнинг тимсолингизда бутун халқимизга яна бир бор чуқур ҳурмат ва эҳтиромимни, энг эзгу тилакларимни билдиришдан бахтиёрман.

ПАРЛАМЕНТ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ ЙИГИРМАНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

Шу йил 4 декабрь куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг йигирманчи ялпи мажлиси очилди. Мажлисда Вазирлар Маҳкамасининг таклиф этилган аъзолари, вазирлик ва идораларнинг раҳбарлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари ҳозир бўлдилар.

Мажлисни Олий Мажлис Сенатининг Раиси И.Собиров олиб борди.

Сенаторлар ўз ишларини Ўзбекистон Республикасининг 2010 йилги Давлат бюджетини кўриб чиқишдан бошладилар. Сенаторлар мамлакатнинг асосий молиявий ҳужжати макроиқтисодий барқарорликни ва ялпи ички маҳсулотнинг юқори суръатлар билан ўсишини таъминлаш, модернизацияланган, диверсификация қилинган ва рақобатбардош иқтисодиётни шакллантириш, аҳоли фаровонлиги ва турмуш даражасини янада оширишга қаратилганлигини кўрсатиб ўтдилар.

2010 йилги Давлат бюджети Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан илгари сурилган Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг олдини олиш ва оқибатларини бартараф этиш бўйича Инқирозга қарши чоралар дастурини амалга оширишни ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган.

Давлатнинг 2010 йилги солиқ сиёсати хўжалик юритувчи субъектлар зиммасига тушадиган солиқ юкини янада камайтиришга, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлашни рағбатлантиришга, фуқароларнинг даромадларини кўпайтиришга ҳамда уларнинг харид қобилиятини оширишга, солиқ маъмуриятчилигини соддалаштириш ва такомиллаштиришга, микрофирмалар ҳамда кичик корхоналар учун ягона солиқ тўловининг мақбул базавий ставкасини ўрнатишга, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланадиган жисмоний шахслар учун қатъий белгиланган солиқ миқдорларини бир хиллаштиришга қаратилади. Масалан, ҳисоб-китобларга қараганда, юридик шахслардан олинадиган фойда солиғининг амалдаги 10 фоизлик базавий ставкасини 9 фоизга тушириш 2010 йилда хўжалик юритувчи субъектлар ихтиёрида 52 миллиард сўмдан ортиқ маблағ қолдирилишига имкон беради, бу маблағлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш, корхоналарни модернизация қилишни, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлашни тезлаштириш учун шароит яратади.

Аҳоли турмушини янада яхшилаш мақсадида келгуси йилда жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ставкаси солиқ солишнинг биринчи шкаласи бўйича 12 фоиздан 11 фоизга пасайтирилади. Шу билан бирга солиқ солинадиган даромадни олий ўқув юртларида таълим олиш учун тўланадиган, шунингдек, Халқ банкидаги фуқароларнинг жамғариб бориладиган шахсий пенсия ҳисобварақларига ихтиёрий равишда ўтказиладиган маблағлар суммаси миқдорида камайтириш тарзидаги қўшимча имтиёзларни жорий этиш назарда тутилмоқда.

Сенаторлар 2010 йилги Давлат бюджети ижтимоий соҳага ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашга қилинадиган харажатлар улушини 2009 йилдаги 55,6 фоиздан 2010 йилда 59,1 фоизгача кўпайтиришни назарда тутаётганлигини кўрсатиб ўтдилар. Ушбу ҳужжатда соғлиқни сақлаш, таълим, ночор аҳоли қатламларини ижтимоий ҳимоя қилиш соҳаларини молиялашни кўпайтириш, иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар, нафақаларни ошириш назарда тутилган. Ўзбекистон Республикасининг 2010 йилги Давлат бюджети сенаторлар томонидан маъқулланди.

Шундан кейин сенаторлар 2010 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурини кўриб чиқиб, тасдиқладилар. Дастур Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан аҳолининг бандлиги, даромадлари ва турмуш даражаси ўсишини таъминлаш, меҳнат бозорида иш кучига бўлган талабни ошириш учун республика ҳудудлари ва иқтисодиёт тармоқларининг мавжуд салоҳиятидан самарали фойдаланиш, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликларининг иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини ошириш масалаларини амалий ҳал қилишдаги масъулиятини кучайтириш мақсадида ишлаб чиқилди.

Сенаторлар Дастурнинг прогноз кўрсаткичлари меҳнат бозорига биринчи марта чиқаётган ёшларни ва иқтисодиётдаги таркибий қайта ўзгартишлар натижасида бўшаб қолаётган ходимларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларига бўлган талабни, шунингдек янги иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича барча мавжуд имкониятлар ва захираларни баҳолашдан келиб чиқиб белгиланганлигини кўрсатиб ўтдилар.

Дастурда 2010 йилда Инвестиция дастурини, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш, етакчи тармоқларни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш дастурларини амалга ошириш, кичик корхоналар, микрофирмалар очиш ҳамда хусусий тадбиркорликни, касаначиликни ривожлантириш, паррандачилик, балиқчилик, асаларичиликка, мева-сабзавот ва бошқа маҳсулотлар етиштиришга ихтисослашган фермер ва деҳқон хўжаликларини кенгайтириш ҳисобига 950 мингта янги иш ўринларини яратиш назарда тутилмоқда.

Шундан кейин парламент юқори палатаси аъзолари ижтимоий-иқтисодий ва суд-ҳуқуқ соҳаларидаги ислоҳотларни янада чуқурлаштиришга қаратилган бир қатор Ўзбекистон Республикаси қонунларини кўриб чиқдилар.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастурига мувофиқ ишлаб чиқилган «Қишлоқ ва сув хўжалигида иқтисодий ислоҳотлар чуқурлаштирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни шулар жумласидандир. Қонун билан Ўзбекистон Республикасининг бир қатор қонунларига сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишга, суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ҳамда унумдорлигини оширишга, энергияни тежайдиган технологияларни жорий этишга, шунингдек қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштириш билан шуғулланиш учун шароитларни мақбуллаштиришни ҳамда хўжаликларнинг ихтисослашувини ҳисобга олган ҳолда фермер хўжалигини юритиш учун бериладиган ер участкасининг энг кам майдонини кўпайтиришга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритилмоқда. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Сўнгра сенаторлар солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштиришга, солиқ мажбуриятларини бажаришдан бош тортганлик учун жавобгарликни кучайтиришга қаратилган «Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини кўриб чиқдилар. Қонун ҳисоб-китоб терминалларидан фойдаланмаган ҳолда фаолият юритганлик ва тўловларни пластик карточкалар асосида қабул қилишни рад этганлик учун молиявий жавобгарлик белгилайди. Солиқ солинадиган жами даромаддан Ўзбекистон Республикаси олий ўқув юртларида таълим олиш учун тўланадиган маблағларни, шунингдек Халқ банкидаги фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган ҳисобварақларига ихтиёрий равишда йўналтириладиган маблағларни чегириш тарзида жисмоний шахслар учун қўшимча имтиёзлар киритилмоқда. Корхоналарнинг ҳомийлик ва хайрия фаолиятини рағбатлантириш мақсадида юридик шахсларнинг солиқ солинадиган фойдаси ҳомийлик ва хайрия ёрдами тарзидаги бадаллари, маблағлари суммаси миқдорида, лекин кўпи билан икки фоизга камайтирилиши белгилаб қўйилмоқда. Қонунда Солиқ кодексининг тўғридан-тўғри амал қилишини таъминлашга қаратилган аниқлик киритиш ва тушунтириш тарзидаги бошқа ўзгартиш ва қўшимчалар ҳам назарда тутилган. Сенаторлар Қонунни маъқулладилар.

Ушбу Қонунни ривожлантириш тарзида сенаторлар «Солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини ҳам маъқулладилар. Қонунда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ҳамда «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш назарда тутилган. Хусусан, Қонун билан органлар ва ташкилотларнинг мансабдор шахслари томонидан солиқ тўловчиларнинг мажбуриятлари юзага келганлиги тўғрисида ахборот тақдим этиш тартиби бузилганлиги учун маъмурий жавобгарлик белгиланмоқда. Қонунга мувофиқ мазкур тоифадаги маъмурий ишларни кўриш давлат солиқ органларига, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментига ва унинг жойлардаги бўлинмаларига тааллуқли қилиб қўйилмоқда.

Сенаторлар «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегараси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ бошқа қонун ҳужжатларидаги атамаларни мазкур қонунлардаги атамалар билан бир хилда қўллаш мақсадида ишлаб чиқилган «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини кўриб чиқдилар. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Шундан кейин сенаторлар «Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 329-моддасига ўзгартиш киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини кўриб чиқдилар. Сенаторлар мазкур Қонун жиноятлар ҳақидаги аризалар ва хабарларни кўриб чиқиш тартибини такомиллаштириш, ҳақиқатни аниқлаш, қонунийлик ҳамда жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларини амалга оширишга йўналтирилганлигини кўрсатиб ўтдилар. Сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 329-моддасига жиноятлар ҳақидаги аризалар ва хабарларни кўриб чиқиш муддати прокурор томонидан суриштирувчи ёки терговчининг асослантирилган қарорига кўра бир ойгача узайтирилиши мумкинлигини назарда тутадиган ўзгартишлар киритилаётганлигини таъкидладилар. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

«Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини кўриб чиқиш чоғида қайд этилганидек, ушбу Қонун Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 28 июлда қабул қилинган «Тижорат банкларининг инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришга йўналтириладиган узоқ муддатли кредитлари улушини кўпайтиришни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорини бажариш юзасидан ишлаб чиқилган.

Қонуннинг асосий мақсади тижорат банклари учун молиявий восита сифатида облигацияларни кенг кўламда чиқаришнинг қонунчилик базасини яратишдан иборат. Ушбу Қонуннинг қабул қилиниши молиявий ресурсларни узоқ муддатли асосда жалб этиш учун банкларга қулай шароитлар яратиб беради, бу эса мазкур маблағларни иқтисодиётнинг реал секторидаги лойиҳаларга самарали инвестициялаш имконини беради. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Сўнгра сенаторлар «Ўзбекистон Республикасининг Фахрий ёрлиғи тўғрисидаги низомни ва Ўзбекистон Республикасининг Фахрий ёрлиғи тавсифини тасдиқлаш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини кўриб чиқдилар. Ушбу Қонун «Давлат мукофотлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ ишлаб чиқилиб, қабул қилинганлиги ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Фахрий ёрлиғи тўғрисидаги низомни ва унинг тавсифини тасдиқлашни назарда тутиши қайд этилди. Ўзбекистон Республикасининг Фахрий ёрлиғи тўғрисидаги низом Фахрий ёрлиқ билан мукофотланиши мумкин бўлган субъектларни аниқлаб қўяди, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотланган шахсларга энг кам ойлик иш ҳақининг беш баравари миқдорида бир йўла тўланадиган пул мукофоти ёки шу қийматдаги эсдалик совғаси берилишини назарда тутади.

Ўзбекистон Республикаси Фахрий ёрлиғининг тавсифи Ўзбекистон Республикаси Фахрий ёрлиғининг ўлчамини, рангини, тасвирларнинг моҳиятини ва бошқа тегишли маълумотларни белгилайди. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Сенаторлар аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳасидаги қонун ҳужжатларининг бажарилишини амалда таъминлашни ташкил этиш мақсадида ишлаб чиқилган «Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини кўриб чиқдилар. Қонун Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш, шунингдек фуқаро муҳофазаси соҳасидаги қонун ҳужжатлари талабларини бажармаганлик учун жавобгарлик белгилайди. Шу жумладан, ушбу модда одамлар соғлиғига, юридик ва жисмоний шахсларнинг мол-мулкига зарар етишига олиб келган, атроф табиий муҳитга ва одамлар ҳаётига таҳдид солган ҳуқуқбузарлик учун, фавқулодда вазиятлар тўғрисидаги ахборотни яширганлик, ўз вақтида тақдим этмаганлик ёки фавқулодда вазиятлар ҳақида атайин сохта ахборот тақдим этганлик учун ҳам жавобгарликни назарда тутади.

Қонун билан бу ишларни кўриб чиқишнинг процессуал тартиби ҳам белгиланган. Сенаторлар Қонунни маъқулладилар.

Кун тартибига киритилган бошқа бир қатор қонунлар ҳам Сенат аъзолари томонидан кўриб чиқилди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати йигирманчи ялпи мажлисининг биринчи иш куни тугади.

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенатининг
Матбуот хизмати.

КОНСТИТУЦИЯ ВА ҚОНУНЛАР – ЖАМИЯТ ВА ШАХС МАНФААТЛАРИ ҲИМОЯСИДА

Мамлакатимиз Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 17 йиллигини нишонлаш арафасида турибди. Мазкур Конституция инсон, унинг ҳаёти, озодлиги, қадр-қиммати ва бошқа ҳуқуқларини олий қадрият сифатида тан олувчи суверен демократик давлат барпо этишнинг ҳуқуқий асоси бўлиб хизмат қилиб келмоқда.

Босиб ўтилган йўлга назар солар эканмиз, шуни ишонч билан айтиш мумкинки, ўтган тарихий қисқа давр мобайнида мамлакатимизда конституциявий меъёрлар ва тамойилларни ҳаётга татбиқ этиш, фуқароларнинг шахсий, сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқлари ҳамда эркинликларини тўлиқ таъминлаш борасида улкан ишлар амалга оширилди.

Давлатимиз раҳбари Ислом Абдуғаниевич Каримов томонидан илгари сурилган «Кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари» тамойили асосида жамият ва давлат ҳаётининг барча жабҳаларини ривожлантириш, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантириш, сиёсий ва суд-ҳуқуқ тизимларини такомиллаштириш босқичма-босқич амалга оширилмоқда.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида ислоҳотларнинг меъёрий-ҳуқуқий базасини яратиш муҳим аҳамият касб этган бўлса, ҳозирги кунда олдимизда турган устувор вазифалардан бири уни такомиллаштириш ҳамда замон талабларига мослаштириш ҳисобланади.

Бунда асосий эътибор сиёсий тизимни янада ривожлантириш, суд ҳокимиятининг мустақиллигини мустаҳкамлаш, процессуал иш юритишни такомиллаштириш, ҳуқуқни муҳофаза қилиш тизими ва жиноий жазоларни либераллаштириш, ўта хавфли жиноятлар ва ҳуқуқбузарликларга қарши курашишни кучайтиришга эътибор қаратилмоқда.

Хусусан, жорий йилда 10 дан ортиқ қонун ҳужжатлари қабул қилиниб, уларга кўра сайловлар тўғрисидаги, жиноят, жиноят-процессуал, маъмурий жавобгарликка оид қонунчилик ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва қўллашни амалга оширувчи органлар фаолиятини тартибга солувчи бошқа бир қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга мутлақо янги ўзгартишлар мажмуи киритилди.

2009 йил 1 июлдан кучга кирган «Сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни ушбу йўналишда амалга оширилган ишлар сирасида алоҳида аҳамият касб этади.

Мазкур Қонунга биноан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси беш йил муддатга сайланадиган 150 нафар депутатдан ташкил топиши белгиланди.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, қуйи палата депутатларининг 135 нафари умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлаш ҳуқуқи асосида ҳудудий бир мандатли сайлов округларидан кўппартиявийлик асосида яширин овоз бериш йўли билан сайланадилар.

Шу билан бирга, 15 нафар депутатлик ўрни ўтган йилда мамлакатимизда ташкил этилган Ўзбекистон Экологик ҳаракатига ажратилган бўлиб, депутатлик ўринлари квоталарининг бундай тарзда тақсимланиши аҳолининг барча қатламлари манфаатларига бевосита тааллуқли бўлган табиатни муҳофаза қилиш ва фуқаролар соғлиғини сақлаш масалаларининг ўта долзарблиги билан изоҳланади.

Мазкур Қонун билан Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан Қонунчилик палатаси депутатлигига сайланадиган шахсларга қўйиладиган талаблар, ушбу ҳаракатдан депутатларни сайлаш тартиби ҳамда улар-нинг парламентдаги фаолияти билан боғлиқ бошқа масалалар тартибга солинган.

2009 йил 14 январда қабул қилинган «Ижро иши юритиш такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонунга кўра суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро қилиш ҳақидаги қонунчиликни бузганлик учун жавобгарликни назарда тутувчи меъёрлар такомиллаштирилди.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси 198[1] ва 198[2]-моддалар билан тўлдирилиб, уларга биноан қарздор томонидан ижро ҳужжатини узрли сабабларсиз бажармаслик билан бир қаторда, қарздорнинг даромадлари ва мулклари тўғрисида нотўғри маълумотлар тақдим этиш, ижро ҳужжатини йўқотиш, иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлардан ундириб қолиш ҳақидаги ижро ҳужжатларини рўйхатга олиш, сақлаш ва ижро қилиш тартибини бузиш, шунингдек, қарздорнинг янги иш, ўқиш ҳамда нафақа ва бошқа даромадларни олиш жойи ҳақида хабар қилмаслик ҳам маъмурий ҳуқуқбузарликлар қаторига киритилди.

Шу қаторда Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига ҳам тегишли ўзгартишлар киритилди.

Ушбу кодекснинг 232-моддаси илгари суд ҳужжатларини қасддан бажармаслик ёки уларни бажаришга тўсқинлик қилиш учун фақаттина мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини назарда тутган бўлса, мазкур модданинг янги таҳририга кўра, ҳар қандай шахс судининг маълум ҳаракатларни содир қилиш ёки қилмаслиги юзюзлари ҳужжатларини маъмурий жавобгарликка тортилганидан сўнг бажармаслиги ёки уларни бажаришга тўсқинлик қилиши жиноий жавобгарликка тортиш учун асос бўлади.

Маъмурий жавобгарликка оид қонунчиликка киритилган янги меъёрларни қўллаш Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти ва унинг ҳудудий тармоқлари ваколатига киритилганлиги алоҳида аҳамиятга эгадир. Бундан ташқари, Суд ижро департаменти бундан буён вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз шахсларни ва ота-онани моддий таъминлашдан бўйин товлаш, суд қарорини бажармаслик, шунингдек, банд солинган мол-мулкни қонунга хилоф равишда тасарруф этиш билан боғлиқ ишлар бўйича суриштирув органларининг ваколатларидан фойдаланади.

Ўйлайманки, қонунчиликка киритилган ушбу ўзгартишлар яқин келажакда суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро қилиш борасида қонунийликни таъминлашга ижобий таъсир кўрсатади, суд ижрочилари фаолиятининг самарадорлигини оширади, натижада фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимояси кафолатланади.

Ўтган давр мобайнида жиноий жазоларни либераллаштириш борасидаги ишлар давом эттирилди.

2001 йил 29 августда «Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қабул қилиниши билан Жиноят кодекси 66[1]-модда билан тўлдирилиб, унга кўра жиноят содир қилган шахснинг жабрланувчи билан ярашиши муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилиниши асослари белгилаб қўйилди.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, мазкур институт амалга киритилганидан буён 100 минг нафарга яқин шахс ярашув муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилинган бўлиб, ушбу кўрсаткич умумий судланганларнинг 25 % ни ташкил этади.

Шу қаторда, жабрланувчилар билан жиноят содир қилган шахслар ярашиши ҳолатларининг йилдан-йилга ўсиб бориши тенденцияси кузатилмоқда. Жумладан, 2002 йилда ярашув муносабати билан 8,7 минг нафар шахс жиноий жавобгарликдан озод қилинган бўлса, 2008 йилда бу кўрсаткич 21,8 мингтага етган.

Ярашув институтига кўра жавобгарликдан озод қилинган шахслар-нинг асосий кўпчилик қисми тузалиш йўлига ўтган. Ушбу давр мобайнида бу тоифадаги шахслар томонидан камдан-кам ҳолатлардагина такроран жиноят содир қилинганлиги бунинг яққол тасдиғидир.

Айнан шу сабабли, ижтимоий хавфлилик даражасига кўра Жиноят кодексининг 66[1]-моддаси таъсирига тушувчи жиноятларга ўхшаш бўлган бошқа жиноятларга нисбатан ҳам ярашув институтини татбиқ этиш масаласи мунтазам равишда кўриб келинди.

Жумладан, ушбу модданинг дастлабки таҳририда унда кўрсатилган 33 та жиноят таркибидан бирортасини биринчи марта содир қилган шахс, агар ўз айбига иқрор бўлса, жабрланувчи билан ярашса ва етказилган зарарни қопласа жиноий жавобгарликдан озод қилиниши назарда тутилган эди.

2004 йил 27 августда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонуни билан ЖКнинг 66[1]-моддасида қайд этилган жиноятлар рўйхати кенгайтирилиб, уларнинг сони 40 тани ташкил этди. Шу билан бирга, модданинг фақаттина биринчи марта жиноят содир этган шахслар ярашганлиги муносабати билан жавобгарликдан озод этилиши мумкинлиги тўғрисидаги талаби оғир ёки ўта оғир жиноятларни содир этганлик учун судланганлик ҳолати тугалланмаган ёки судланганлиги олиб ташланмаган шахслар жиноий жавобгарликдан озод қилинмаслиги ҳақидаги талаб билан алмаштирилди.

2009 йил 3 апрелда «Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 66[1]-моддасига ўзгартиш киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни қабул қилиниши муносабати билан қуйидаги жиноий қилмишларга ҳам ярашув институтини қўллаш имконияти пайдо бўлди:

зўрлик ишлатиб ғайриқонуний равишда озодликдан маҳрум қилиш (138-модданинг биринчи қисми);

хат-ёзишмалар, телефонда сўзлашув, телеграф хабарлари ёки бошқа хабарларнинг сир сақланиши тартибини бузиш (143-модда);

меҳнат қилиш ҳуқуқини бузиш (148-модда);

электр, иссиқлик энергияси, газ, водопроводдан фойдаланиш қоидаларини бузиш (185[2]-модда);

ўзбошимчалик (229-модда);

тадқиқот фаолиятини амалга оширишда хавфсизлик қоидаларини бузиш (256-модданинг биринчи ва иккинчи қисмлари);

меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларини бузиш (257-модданинг биринчи қисми);

тоғ-кон, қурилиш ёки портлатиш ишлари хавфсизлиги қоидаларини бузиш (258-модданинг биринчи қисми);

ёнғин хавфсизлиги қоидаларини бузиш (259-модданинг биринчи қисми);

безорилик (277-модданинг биринчи қисми).

Шундай қилиб, бугунги кунда қонун унча оғир бўлмаган ва ижтимоий хавфи катта бўлмаган 55 та жиноят таркиби бўйича шахсларни ярашганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилиш имкониятини беради.

Автомобилларнинг давлат рақамларини ноқонуний равишда қўлга киритиш ҳолатларининг кўпайганлиги қонунни қўллаш амалиётида маълум бир муаммоларни келтириб чиқарди.

Бу соҳадаги қонунчилик амалиётини ўрганиш ИИВ идоралари томонидан 2006–2008 йилларда 4,3 мингта давлат рақамлари номаълум шароитларда йўқотилганлиги ҳолатлари қайд этилганлигини кўрсатди. 32 та ҳолатда эса давлат рақамларининг ўғирланганлиги бошқа жиноятлар тергови жараёнида аниқланган.

Хусусан, ички ишлар идоралари томонидан шахсий автомашиналарга аввал фуқаролардан ўғирланган автомашина давлат рақамларини ўрнатган ҳолда босқинчилик содир этилган бир қанча жиноятлар тергов қилинган.

Ўз ўрнида, автомашинанинг давлат рақами ўзганинг мулки ҳисобланмаганлиги, яъни у ваколатли давлат идораси томонидан автомашина эгасига унга эгалик қилиш даврига бериладиган (транспорт воситасини қайд этиш гувоҳномаси, лицензия каби) қатъий ҳисобдаги рақам бўлганлиги учун уни ўғирлаганлик Жиноят кодексининг 169-моддаси таъсири доирасига тушмаслигини таъкидлаб ўтиш лозим.

Шу муносабат билан, жорий йилнинг 8 сентябрида «Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 227-моддасига ўзгартишлар киритиш тўғрисида» Қонун қабул қилиниб, унга асосан, корхоналар, муассасалар, ташкилотларнинг қатъий ҳисобидаги ҳужжатлар, штамплар, муҳрлар, бланкаларни эгаллаш билан бирга автомототранспорт воситаларининг ва улар тиркамаларининг (ярим тиркамаларининг) давлат рақам белгиларини эгаллаш, худди шунингдек, уларни нобуд қилиш, яшириш, уларга шикаст етказганлик учун жиноий жавобгарлик белгиланди.

Электр ва иссиқлик энергиясидан, газ ҳамда ичимлик сувидан фойдаланиш қоидаларини бузганлик учун шахслар жавобгарлигини белгилашда қонунчиликда сезиларли бўшлиқлар мавжуд эди.

Жумладан, Жиноят кодексининг 185[2]-моддаси 1-қисми диспозициясида фақаттина газ ёки водопровод тармоқларига ўзбошимчалик билан уланиш ҳамда электр, иссиқлик энергияси, табиий газ ва сувни ҳисобга олиш асбобларининг кўрсаткичларини ўзгартириш мақсадида уларга ташқаридан аралашиш учун жавобгарлик назарда тутилган эди.

Амалиётда бу электр ва иссиқлик тизимига ноқонуний уланган шахсларнинг ҳаракатларини ўзбошимчалик сифатида (Жиноят кодексининг 229-моддаси) малакалашишга олиб келган, ваҳоланки бу қилмишлар жиноятнинг объекти ва объектив томонидан бир-биридан сезиларли равишда фарқланади.

Бу Жиноят кодексининг 10-моддасида белгиланган жавобгарликнинг муқаррарлиги принципининг бузилишига сабаб бўлган.

Ушбу бўшлиқ 2009 йилнинг 15 сентябрида Қонун қабул қилиниши билан бартараф этилди, шунингдек, мазкур Қонун билан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 101-моддасига ҳам ўзгартиришлар киритилди.

Фуқароларнинг малакали юридик хизматдан фойдаланишлари учун етарли шароит яратиш борасида муайян ишлар амалга оширилди.

Бу борада, ўтган йилнинг 15 сентябрида қабул қилинган Қонун билан Жиноят-процессуал кодексининг 49-моддасига ўзгартиришлар киритилиб, жиноят процессида ҳимоячи сифатида фақаттина адвокатнинг иштирок этиши мумкинлиги, гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг яқин қариндошлари ёки қонуний вакиллари фақат адвокат билан бир қаторда иштирок этиши мумкинлиги белгиланганлигини эслатиб ўтиш жоиз бўлади.

Амалиёт бу талабларни юқори самарадорлигини ва фуқароларга кўрсатилаётган юридик хизмат сифатининг ошишига сабаб бўлаётганлигини кўрсатди.

Ушбу йўналишдаги яна бир муҳим қадам Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 11 сентябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 52-моддасига ўзгартиш ва қўшимча киритиш тўғрисида»ги Қонунининг қабул қилиниши бўлди.

Ушбу модданинг аввалги таҳририга асосан фуқаролик процессида адвокатлар билан бир қаторда тарафлар, учинчи шахслар томонидан танланган шахслар, биргаликда иштирок этувчилардан бири бошқа иштирок этувчиларнинг топшириғи бўйича шартнома асосида (ихтиёрий) вакил бўла олишлари қайд этилган эди.

Аммо ушбу тартиб, Жиноят-процессуал кодексининг 49-моддасига ўхшаш ҳолатда фуқароларнинг Конституция билан белгиланган малакали юридик хизматга бўлган ҳуқуқлари амалга оширилишини ҳар доим ҳам таъминламас эди.

Шуларни эътиборга олган ҳолда судларда ишларни кўрилишида вакил сифатида фақаттина адвокатларнинг иштирок этиши белгилаб қўйилди.

Шунингдек, фуқаролик ишлари бўйича судларда адвокатлар билан бир қаторда бошқа фуқароларнинг манфаатларини ҳимоя қилувчи шахслар рўйхати аниқ кўрсатилди.

Янги қонунга кўра бундай шахслар тоифасига қуйидагилар киритилган: насл-насаб шажараси бўйича тўғри туташган ёки ён шажара бўйича қариндошлар, шунингдек, эр (хотин) ёхуд унинг қариндошлари; юридик шахсларнинг ходимлари – шу юридик шахсларнинг ишлари бўйича; нотижорат ташкилотларнинг ваколатли вакиллари – шу ташкилотлар аъзоларининг ишлари бўйича; қонунга биноан бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш ҳуқуқи берилган нотижорат ташкилотларнинг ваколатли вакиллари; биргаликда иштирок этувчилардан бири бошқа иштирокчиларнинг топшириғи бўйича; ишни кўраётган суд томонидан ишда жисмоний шахсларнинг вакиллари сифатида қатнашишга рухсат берилган шахслар.

2009 йилнинг 22 сентябрида қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Қонуни алоҳида аҳамиятга эга.

Ушбу қонун қабул қилинишидан олдин шу йилнинг апрель ойида Ўзбекистон Республикасининг «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»ги Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилганлигини қайд этиш зарур.

Жумладан, мазкур Қонуннинг 18-моддасига мувофиқ, корхоналарнинг пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ шубҳали операциялари тўғрисидаги ахборотни ёхуд бошқа маълумотларни тақдим этиш тижорат, банк сири ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни бузиш ҳисобланмайди.

Ушбу қоидадан келиб чиққан ҳолда, 2009 йил 22 сентябрдаги қонунга асосан «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги, «Банк сири тўғрисида»ги Қонунларга ҳамда бу соҳадаги муносабатларни тартибга солувчи бошқа қатор қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Фуқаролик кодексига киритилган ўзгартишларда омонат дафтарчаси ва омонат (депозит) сертификатида эгасининг номи ёзилган бўлиши кўзда тутилган. Бу қоида корхоналарнинг пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларини амалга оширишда юридик ва жисмоний шахсларни тенглаштириш мажбуриятидан келиб чиқади.

Пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи ташкилотларнинг шубҳали операциялари тўғрисидаги ахборотни тақдим этишда ташаббускорлик тизимининг жорий этилиши, шунингдек, молиявий назорат механизми ўзгарганлиги муносабати билан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарликни белгиловчи янги 179[1]-модда билан тўлдирилди.

Ушбу моддага мувофиқ, махсус ваколатли давлат органига хабар қилиниши лозим бўлган пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операциялар ҳақидаги ахборотни тақдим этмаслик ёки тақдим этиш муддатларини бузиш, ички назоратни ташкил қилиш, пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни қонунда белгиланган ҳолларда ёхуд махсус ваколатли давлат органининг кўрсатмасига биноан тўхтатишга доир чора-тадбирларни кўрмаслик, худди шунингдек, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш муносабати билан тижорат, банк сирини ва қонун билан қўриқланадиган ўзга сирни ташкил этувчи маълумотларни ғайриқонуний равишда талаб қилиш, олиш ёки ошкор этиш энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Қонунчиликка киритилган қатор ўзгартишлар идоравий назоратни кучайтиришга қаратилган бўлиб, бу жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тизими билан қамраб олинган корхоналар доирасининг кенгайиши ҳамда ички назорат қоидаларини ташкил этиш тартибининг ўзгариши билан боғлиқдир.

Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 17 сентябрдаги «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонуни истеъмол бозорига сифатсиз ёки яроқсиз дори воситалари ва тиббий буюмлар кириб келиши ҳолатларига қарши курашиш ҳамда фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига таҳдидларнинг олдини олишга қаратилган.

Шуни айтиш керакки, қайд этилган қонун қабул қилингунига қадар қонунчиликда сифатсиз ёки қалбакилаштирилган дори воситаларини ёхуд тиббий буюмларни ўтказиш мақсадида ишлаб чиқариш, тайёрлаш, олиш, сақлаш, ташиш ёки ўтказиш учун жавобгарликни назарда тутувчи бирон-бир норма мавжуд бўлмаган.

Натижада бундай ҳаракат содир қилишда айбдор шахсларни жиноий жавобгарликка тортишда турли хил амалиёт шаклланди. Бу эса, ўз навбатида, сифатсиз ёки қалбакилаштирилган дори воситалари ёхуд тиббий буюмлар муомаласига қарши курашиш борасидаги чора-тадбирлар самарадорлигига салбий таъсир кўрсатди.

Эндиликда қонунчиликдаги ушбу бўшлиқ тўлдирилди.

Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси 165[1]-модда билан тўлдирилди, унга кўра сифатсиз ёки қалбакилаштирилган дори воситаларини ёхуд тиббий буюмларни ўтказиш мақсадида ишлаб чиқариш, тайёрлаш, олиш, сақлаш, ташиш ёки ўтказиш шу ҳуқуқбузарликларни содир этиш қуроли ва ашёларини мусодара қилган ҳолда, энг кам иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Маъмурий жазо қўлланилганидан кейин шундай ҳаракатлар содир этганлик учун эса, юқоридаги қонунга мувофиқ Жиноят кодексига киритилган 186[1]-модданинг 1-қисми билан энг кам ойлик иш ҳақининг юз бараваридан уч юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси қўлланилади.

Мазкур модданинг иккинчи-тўртинчи қисмларида бу жиноятнинг айбдорга нисбатан беш йилдан ўн беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазосини қўллашга сабаб бўлувчи таркиби назарда тутилган.

Қонунчиликка киритилган юқоридаги янгиликлар халқимизнинг Конституцияда билдирилган инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда давлат суверенитети принципига содиқлигини яна бир исботлайди.

Юқорида билдирилган фикрларим якунида, Президентимиз И. А. Каримовнинг қуйидаги сўзларини келтирмоқчиман: «Юртимизда замонавий демократик давлат ва жамият қуриш бўйича Конституциямизда белгилаб берилган мақсад ва вазифаларни амалга ошириш борасида эришилган муҳим натижаларни муносиб баҳолар эканмиз, бугунги кунда демократик ислоҳотлар ва жамиятни либераллаштиришни изчил ва босқичма-босқич давом эттириш ҳамда чуқурлаштириш жараёни ўзининг аниқ ва равшан марраларига эга бўлиб, ҳаётимизда бошланган туб ўзгаришлар, албатта, ўз мантиқий якунига етказилади, деб айтиш учун барча асосларимиз бор».

Рашитжон ҚОДИРОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Бош прокурори.

МАҲОРАТ

Идет боевая учеба

ЗАРЯЖАЯСЬ ЭНЕРГИЕЙ ТВОРЧЕСТВА

Командиру секции младшему сержанту Фазлиддину Бозорову очень хотелось отличиться при отработке выполнения норматива в парке боевых машин. Ведь младший командир только недавно прибыл в часть после обучения в Школе подготовки сержантов военного округа.



Выстроив личный состав перед автомобилем, Фазлиддин стал со всей серьезностью вспоминать уроки своих наставников. За время службы в подразделении связи этот опытный воин прошел превосходную школу боевой выучки. И вот, самое последнее его испытание на профессиональную зрелость состоялось в ШПС военного округа.

– Практически я досконально сумел изучить материальную часть радиостанции, – говорит младший сержант в беседе с нами. – Но во время учебы в окружной Школе подготовки сержантов мои наставники делали акцент не на этом, а на методике доведения той или иной поставленной задачи.

Действительно, любой военнослужащий по опыту подтвердит, что успех дела во многом зависит оттого, насколько грамотно и точно поставлена боевая или учебно-боевая задача. Вот и сейчас, готовясь провести тренировку личного состава по выполнению норматива на развертывание радиостанции, младший сержант Ф. Бозоров тщательно объяснял каждому воину порядок его действий, последовательность и взаимодействие.

Внимательно слушает командира секции рядовой Барот Самиев. У водителя-электрика, призванного из Вабкентского района Бухарской области, есть и другая причина для повышенного интереса к теме инструктажа. Отличный воин мечтает о погонах офицера. Как признался в беседе Барот, в прошлом году поступал он в Джизакское высшее военное авиационное училище (ДВВАУ), да недобрал баллов при поступлении.

– За время службы в подразделении связистов я чуть не надумал поступать уже на Специальный факультет ТУИТ, – говорит солдат. – Здесь я проникся чувством гордости за свой род войск, еще сильнее убедился в том, что без качественной и бесперебойной связи между штабами и войсками невозможно добиться победы в современном бою.

Начальнику аппаратной младшему сержанту Акмалю Эшназарову выступление командира секции было интересно в том плане, что тот несколько иначе и доходчивее доводил воинам давно знакомый ему порядок развертывания радиостанции. Так что обычное и рядовое, будничное занятие стало для Акмаля почти откровением, открытием нового уровня мастерства.

А дальше все было просто. Включился секундомер в руках командира секции, солдаты и сержанты уверенно и сноровисто принялись выполнять положенные процедуры, устанавливать антенны и мачты, разматывать катушки. Вскоре, когда стрелка секундомера только пошла на двадцатый круг, поступил доклад о готовности войти в связь.

– Лучше, чем на «четверку», – подводит итоги командир секции. – Хорошо, но это еще не отлично.

И последовал детальный разбор действий каждого члена боевого расчета в ходе развертывания радиостанции. Незаметные, всего на одну или две секунды, задержки выросли в неполные две минуты в целом.

Вот так, с большим напряжением сил и плодотворно используя каждую секунду службы для повышения своего профессионального мастерства, служат Родине воины-связисты в подразделении младшего сержанта Фазлиддина Бозорова. А самому младшему командиру секции энергообеспечения учеба в Школе подготовки сержантов военного округа помогла зарядиться новой энергией созидания и творчества.

Майор Аблай КАМАЛОВ,
корр. «Ватанпарвара».
Фото **Бахрома АБДУРАХИМОВА.**

Ёш офицерлар – Қуролли Кучларимиз келажаги

СИНОВЛАРДА ТОБЛАНГАН ИРОДА

Ватан ҳимоячиси, хусусан, командир, нафақат онтига, ҳарбий анъаналарга содиқ посбон, буюк аждодларига муносиб фарзанд, балки ҳарбий бўлинмани моҳирона бошқариб, мураккаб тактик вазиятларда тезкор ва постандарт қарор қабул қила оладиган, ўзининг шахсий намунаси билан бўйсунувчиларни жанговар вазифаларни бажаришга йўналтирувчи, юксак ахлоқий, маънавий-руҳий сифатларга эга бўлиши, интеллектуал салоҳияти ва етакчилик қобилиятини шакллантириши, дунёқарашини кенгайтириш ва билимларини оширишга алоҳида эътибор бериши ниҳоятда муҳимлигини яхши биламиз. Ҳозирда Қуролли Кучларимиз сафларида ана шундай руҳда камол топаётган посбонлар кўпчиликни ташкил этади. Қувонарлиси, ёш офицерлар ҳам қисқа вақт ичида билдирилган ишончни оқлаб, илғорлар сафини тўлдиришмоқда.

Лавҳамиз қаҳрамони – катта лейтенант Дилшод Аббосов ҳам сарҳадларимиз дахлсизлигини таъминлашга муносиб ҳисса қўшиб келаётган марду майдонлардан. Сафдошлари унинг тимсолида бугуннинг профессионал ҳарбий хизматчиси қандай бўлиши кераклигини кўрадилар, ундан ибрат олишга интиладилар. Ватан манфаатларини ҳар нарсадан устун қўядиган, юрт тинчлигини қўриқлашни шараф деб биладиган посбон ҳарбий жамоада бурчга садоқати, фидойилиги, хушмуомалалиги билан ҳурмат қозонган.

Шарафли касб эгаси бўлиш, эгнига ҳарбий либос кийиш болаликда Дилшоднинг улкан орзуси эди. Ана шундай эзгу ният оғушида юрган ўғлонни тақдир кутилмаган синовга рўбарў қилди: хонадоннинг устуни – отаси бу дунёни тарк этди. Қирчиллама ёшида бевақт оламдан ўтган отанинг ёди, соғинчи дилини ўртаса-да, иродали йигит тақдирнинг бундайин зарбаси олдида эсанкираб қолмади. Аксинча онаси ва опасига далда, таянч бўлишга, уларнинг дардига малҳам бўлишга интилди. У бир вақтнинг ўзида ҳам ўқишга улгуриши, ҳам рўзғор ташвишини уддалаши керак эди. Ана шундай кунларнинг бирида онаси айтган гаплар ҳаётга бошқача нигоҳ билан қарашга, нурли манзиллар сари қатъият билан интилишга ўргатди. Ўшанда онаси унга: "Ўғлим, оиламизнинг тоғи, суянчиғи бўлиб қолдинг. Биламан, ҳозир жуда қийналаяпсан. Бироқ қийинчиликларни деб, орзуларингдан воз кечишингни хоҳламайман. Сен, албатта, ҳарбий бўлишинг керак. Қатъиятли бўл, мақсадинг сари интил. Шундай қилсанг отангнинг руҳи ҳам шод бўлади".

Онасининг бу сўзлари ўғлонга куч бахш этди. Қалбига ўқишга бўлган қизиқиш уйғонди, яна аълочилар сафидан жой олди. Умумтаълим мактабини, сўнгра ҳуқуқшунослик касб-ҳунар коллежини муваффақиятли тамомлаган ўғлон болалик орзусини амалга ошириш мақсадида Самарқанд олий ҳарбий автомобиль қўмондонлик-муҳандислик билим юртига ўқишга кириш учун ҳужжат топширди.

Табиийки, бунгача у синовларга пухта ҳозирлик кўрган, жисмонан ва маънан етук шунқор белгиланган синовлардан энг юқори кўрсаткичлардан бирини қайд этиб, курсант, деган номга сазовор бўлди. Ўғлоннинг бу ютуғидан нафақат ўзи, балки барча яқинлари, дўстлари, айниқса, онаси хурсанд бўлди.

– Ўғлим билан фахрланаман, – дейди Муҳаббат опа. – Орзусини амалга ошириб, қанчалар матонатли ва қатъиятли эканини исботлади ҳамда ишончимизни оқлади. Отасидан кейин унга жуда ҳам суяниб қолганман. Шукрки, у ўзининг ютуқлари, муваффақиятлари билан қалбимга зиё, руҳимга тетиклик бахш этиб келмоқда. Ўғлимнинг шарафли касбни танлаганидан, ҳам оиламизнинг, ҳам юртимизнинг қалқони, қўрғони бўлганидан ғурурланаман.

Билим юртида таҳсил олиш мобайнида ҳам ўғлон ўзининг нималарга қодир эканини кўрсата олди. Интилувчанлиги, ҳарб илмини сирларини эгаллашга бўлган иштиёқи сабаб билим юртини аъло баҳолар билан тамомлашга муваффақ бўлди.

Фаолиятини гуруҳ командири сифатида бошлаган ёш офицер ҳозирда муҳандис сапёрлар взводи командири лавозимида хизмат қилиб келмоқда. У ҳарбий билим юртида олган сабоқларини амалга татбиқ этиб, гуруҳида ўзига хос анъаналарни жорий этиб улгурган. Маҳоратли командир қўл остидаги посбонларга қандай вазифа топширмасин, аввало, бу ишни муваффақиятли бажариш сирларини уқтиради. Айниқса, жанговар тайёргарлик машғулотларида билганларини аскарларга ўргатишдан чарчамайди. Бундан ташқари, гуруҳда мусобақадошлик муҳити қарор топганлигини ҳам сезиш мумкин. Бу эса юрт тинчлиги ва халқ осойишталигини асрашдек шарафли ишга масъул Ватан ҳимоячиларининг баркамол бўлиб етишишлари, соҳа илмини эгаллаб, шаклланишларида муҳим аҳамият касб этмоқда.

– Дунёда Ватанни қўриқлашдек шарафли касб йўқ. Армияни ҳаёт мактаби, деб аташлари замирида катта маъно бор. Ҳарбий хизматга жалб этилган ҳар бир ўғлон айнан шу ерда тобланади, чиниқади, келгусида асқотиши мумкин бўлган кўплаб билимларни ўрганадилар. Шу боис ҳам қўл остимдаги ҳарбий хизматчиларнинг маънавий, руҳий тайёргарлигини оширишга, жанговар билимларини бойитишга жиддий эътибор қаратиб келаман, – дейди командир биз билан суҳбатда.

Миллий армиямиз сафларида салоҳият ва маҳоратда ҳеч кимдан кам бўлмаган ана шундай посбонларимиз бор экан, тинчлигимиз, осойишталигимиз бардавом бўлгай.

Жамшид НИЁЗОВ,
"Ватанпарвар" мухбири.

БУРЧ

Дил сўзи

МАЪНАВИЙ ТАЯНЧИМИЗ

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси – ҳар бир фуқаро, ҳар бир юртдошимиз таянадиган, суянадиган мустаҳкам асосдир. Унда жамиятимиз ва давлатимиз қурилишининг пойдевори, бизнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларимизга асос солинган.

Конституциямиз бағрикенглик, миллатлараро тотувлик ғоялари, инсонпарварлик, ижтимоий адолат ва халқлар дўстлиги руҳи билан қамралган. Шунинг учун ҳам бу ҳужжат барчамиз учун энг қадрли ва энг азиздир.

Мамлакатимизда унинг барча моддалари ҳаётга изчил ва тўла татбиқ этилаётганлиги ҳам Конституциямиздаги ҳар бир сўзга алоҳида аҳамият бағишламоқда. Буларнинг барчаси сиз билан бизнинг кўз олдимизда рўй бермоқда ва мен мустақил республикамизни ҳимоя қилишга қасамёд қилганимдан жуда фахрланаман. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг «Ўзбекистон Республикасини ҳимоя қилиш – Ўзбекистон Республикаси ҳар бир фуқаросининг бурчидир» деб қайд этилган 52-моддасини мен айнан шундай тушунаман.

Ҳар бир ватандошимиз каби, асосий қомусимиз менинг ҳаётимда ҳам муҳим роль ўйнади. Мен болалигимдан ҳарбий бўлишни орзу қилганман. Мактабни тугатганимдан сўнг ҳарбий лицейга, ундан кейин эса ҳарбий билим юртига ўқишга кирдим. Меҳнат қилиш, таълим олиш, ижтимоий ҳимоя ва тиббий



хизмат кўрсатиш ҳуқуқи – Конституциямизда қайд этилган бу тушунчалар ҳаёт йўлимда менга тўла маънода ёрдам бериб келмоқда.

Қадрдон юртимиз, унинг асосий қонуни, ундаги тамойилларни ҳимоя қилиш – менинг муқаддас бурчим. Буни англаш, унга амал қилган ҳолда яшаш менга маънавий янада куч бағишлайди.

Курсант Александр КАУРОВ.

В гарнизонных Домах офицеров

ПОВЫШАЯ ПРАВОВУЮ ГРАМОТНОСТЬ

В преддверии одного из главных праздников нашей страны – Дня Конституции, в Доме офицеров Чирчикского гарнизона состоялась конференция, на которой были обсуждены вопросы международного и национального законодательства в области прав человека и Закон «Об обращениях граждан».

В работе конференции приняли участие политический обозреватель национальной телерадиокомпании, отличник народного образования Кабилбек Каримбеков, заместитель прокурора города Чирчика Шухратжон Атажанов, заведующая отделом духовности и просветительства хокимията города Чирчика Рихси Бекбутаева, представители органов внутренних дел города Чирчика.

Присутствовавшие в зрительном зале военнослужащие и члены их семей воинских частей Чирчикского гарнизона, учащаяся молодежь и жители города Чирчика получили много новой и полезной информации. Мероприятие получилось очень продуктивным, его участники и зрители задали выступившим с докладами Ш. Атажановой, К. Каримбекову и другим гостям много вопросов, на которые они с удовольствием ответили.

Такие встречи в Чирчикском гарнизоне очень популярны, они способствуют повышению правовой грамотности военнослужащих, формированию у них высокой ответственности за выполнение положений Конституции и законов Республики Узбекистан.

Соб. инф.

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ – ОЛИЙ ҚАДРИЯТ

Конституциямизнинг 17 йиллиги муносабати билан ҳарбий қисм ва муассасаларда ҳам маданий-маърифий тадбирлар ўтказилди.

Мана шундай тадбирлардан бири Чирчиқ гарнизони офицерлар уйида бўлиб ўтди. Конституция куни ва 27 декабрда бўлиб ўтадиган сайловга бағишланган мазкур тадбир гарнизон ҳарбий прокуратураси ташаббуси билан ташкиллаштирилиб, унда бир гуруҳ ҳарбий хизматчилар иштирок этишди.

Тадбирни гарнизон ҳарбий прокурори адлия подполковниги Саидобид Жўраев кириш сўзи билан очиб, «Инсон ҳуқуқлари – олий қадрият» мавзуида маъруза қилди. У ўз маърузасида асосий Қонунимизнинг аҳамияти, жамиятда тутган ўрни, мақсад ва вазифалари ҳақида тўхталиб, жумладан шундай деди: «Мамлакатимизнинг Бош Қомусида белгиланган қоидалар ҳаётга тўлиқ татбиқ этилиб, юртимиз тараққиётида муҳим аҳамият касб этмоқда. Конституциямиз инсон ва фуқаронинг ҳуқуқий ҳолатини белгилашда, инсон ҳуқуқлари устуворлигини таъминлашда, давлат билан фуқаронинг ўзаро сиёсий-ҳуқуқий алоқадорлиги ҳамда масъуллиги принципларига асосланганлиги билан ажралиб туради. Унда инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари, шаъни ва қадр-қиммати олий қадрият сифатида баҳоланади».

Юртбошимиз томонидан 2001 йил 4 январда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида»ги Фармонида таъкидланишича, Конституцияни болалар боғчасидан бошлаб ўрганиш, мактабларда дарслик сифатида жорий этиш ҳамда олий ўқув юртларида махсус фан сифатида ўқитиш вазифа қилиб белгиланган. Бундан кўриниб турибдики, ёш авлод Асосий Қонунимизни ўрганиш баробарида, ўз манфаати ва эркинликларининг ҳуқуқий кафолатланганлигини ҳис қилган ҳолда порлоқ истиқбол сари дадил одимлашади.

Шундан сўнг, гарнизон ҳарбий прокурорининг катта ёрдамчиси адлия капитани Азиз Матёқубов муҳим сиёсий жараён – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида маъруза қилиб, сайлов қоидалари, сайловчининг ҳуқуқ ва бурчлари, юртимизда фаолият юритаётган партиялар ва улардан қўйилган номзодлар ҳақида тўхталиб ўтди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, айни кунда бу муҳим сиёсий жараёнга юрт ҳимоячилари ҳам катта тайёргарлик кўришмоқда. Барча қисм ва бўлинмаларда сайлов участкалари ташкил этилган бўлиб, шахсий таркиб билан тушунтириш ишлари олиб борилмоқда. Маърузада бу тўғрисида ҳам фикрлар юритилиб, иштирокчилар томонидан берилган саволларга атрофлича жавоб берилди.

– Бугунги тадбирдан кўп нарсани ўрганишга муваффақ бўлдик, – дейди оддий аскар Бахтиёр Сатторов. – Конституциямизнинг 17 йиллигини муносиб кутиб олиб, катта шодиёна ила нишонлаяпмиз. Тадбир давомида сайлов қонунчилиги тўғрисида ҳам кўпгина билимларга эга бўлдик. Бундайин тадбирларнинг тез-тез ўтказилиб турилиши, биз ёшларнинг сиёсий онгимиз янада юксалишида муҳим ўрин тутади.

Шунингдек, тадбирда Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юрти бошлиғи подполковник Ҳамид Дадабоев ҳамда Тошкент ҳарбий округи сержантлар тайёрлаш мактаби бошлиғи полковник Илимдар Ильёсовлар ҳам сўзга чиқишди.

Кичик сержант Аҳрор ОЧИЛОВ,
«Ватанпарвар» мухбири.
Муаллиф суратга олган.

ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ

Қуролли Кучларимизнинг 18 йиллигига

ЯНГИ УЙЛАР МУБОРАК!

Маълумки, ўз ҳаётини шарафли ва масъулиятли соҳа бўлган Ватан ҳимоячиси бўлишдек эзгу вазифага бағишлаган, истиқлолимизни мардона асрашга чоғланган ҳарбий хизматчилар давлатимиз ва жамиятимизнинг доимий эътиборидадир. Мамлакатимизда олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотларнинг бош мақсади ҳам аввало, инсон омилига, унинг фаровон ҳаёт кечириши учун етарлича шарт-шароитлар яратишга қаратилган. Шу асосда бугун амалга оширилаётган қатор тадбирларни белгилаб берилган устувор вазифаларнинг амалдаги ижроси сифатида эътироф этсак, хато қилмаймиз.

Президентимизнинг Ватан ҳимоячилари куни ва Қуролли Кучларимиз ташкил топганининг 17 йиллик байрамига бағишланган Мурожаатида: «Ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оилаларини ижтимоий ҳимоя қилиш самарадорлигини ошириш, армияда моддий рағбатлантириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича белгиланган кенг кўламли чора-тадбирларнинг тўлиқ амалга оширилишини таъминлаш муҳим аҳамиятга эга.

Яқин йиллар ичида ўнлаб замонавий ҳарбий шаҳарчаларни барпо этиш ва реконструкция қилиш, бу объектларда энг юксак талабларга ҳамда ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оилалари эҳтиёжларига жавоб берадиган қулай ижтимоий-маиший шароит ва инфратузилмаларни яратиб беришимиз керак...», дейилади.

Ушбу устувор вазифанинг амалдаги ижросини таъминлаш мақсадида бугун қатор ишлар амалга ошириб келинмоқда. Биргина турар-жой масалалари бўйича олиб борилаётган ишларга эътибор қилсак ҳам салмоқли натижаларни кузатамиз. Жумладан, жорий йил бошида Мудофаа вазирлиги уй-жойдан фойдаланиш бошқармаси томонидан қурилиш-лойиҳалаш ташкилотлари учун «Энг яхши макет» танлови эълон қилинганди. Мазкур танловда юртимизда фаолият кўрсатаётган қатор қурилиш-лойиҳалаш ташкилотлари ўз таклифлари, кўп қаватли уй ва ётоқхоналар, коттеджлар ҳақидаги макет ва лойиҳалари билан иштирок этди. Уларда аввало, иқлим шароитлари ҳисобга олингани, шаҳар, посёлка ёки қишлоқ жойларидан ташқари тоғли, чўл ҳудудларида хизмат бурчини ўтаётган ҳарбийлар учун ҳам ҳар томонлама қулай турар жой бинолари барпо этишда ўзига хосликларга эътибор берилиши кабиларга диққат қилинди. Барпо этиладиган турар жой бинолари ва шаҳарчаларда барча қулайликлар мужассам бўлиши зарурлиги эътиборга олинди. Ҳар бир хонадон мукаммал ички қулайликларга эга бўлиб, мебель, энергия, сув ва бошқа таъминотлар бўйича муаммолари бўлмаслиги, шунингдек, шаҳарча ҳудудида тиббиёт муассасаси, ҳарбийларнинг болалари учун боғча, мактаб, маиший хизмат кўрсатиш шахобчалари, коттеджларда эса булардан ташқари ҳар бир хонадон учун томорқа участкалари ҳам бўлиши лойиҳаларда акс эттирилиши кераклиги танлов шартларининг асосини ташкил этди.

Ўтказилган танлов доирасида улар ичидан энг қулай ва маъқуллари ажратиб олиниб, ғолиб ва совриндорларга Мудофаа вазирлиги томонидан диплом ҳамда махсус совғалар, пул мукофотлари таъсис этилди.

Айни пайтда мазкур тадбирларнинг асосий босқичи, яъни қурилиш-таъмирлаш ва монтаж ишлари бўйича амалий ҳаракатлар муваффақиятли тарзда бошлаб юборилган. Шу пайтгача қисқа фурсатларда жадаллик билан қуриб битказилган кўп хонадонли турар жой бинолари ўз эгаларига топширилди.

Яқинда Самарқанд гарнизонида ҳам ана шундай қувончли воқеанинг гувоҳи бўлдик. Яъни ҳарбий шаҳарча ҳудудида барча қулайликларга эга кўп хонадонли тураржой биноси ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оилалари учун фойдаланишга топширилди. Шу муносабат билан ташкил этилган тантанали тадбирда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари иштирок этди.

Тадбир ўтказилаётган жойдан чор-атрофга мусиқа садолари таралмоқда. Бу ушбу гўшада тароватли ва файзли бир тантана бўлаётганини билдириб турибди. Ҳа, кўп йиллик анъаналаримизга, бардавом қадриятларимизга кўра, халқимиз шодиёна купларини ана шундай тарзда тўйдек нишонлайди.

Тантана иштирокчилари бўлган янги қўшнилар ва тадбир меҳмонларининг юз-кўзларида бахтиёрлик ва мамнуният ифодалари балқийди. Жажжи болажонлар айниқса, ҳаммадан кўра кўпроқ шод. Ота-оналарининг қўлларидан тутиб олган кичкинтойлар кўп қаватли муҳташам иморатга ишора қилиб, «ана шу бизнинг уйимиз, энди шу ерда яшаймиз-а», дея чуғурлашмоқда.

Ниҳоят, янги хонадонларнинг калитлари ўз эгаларига тантанали тарзда топширилди. Тадбирда иштирок этган Самарқанд вилояти ҳокими Ў.Барноев ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларини қутлар экан, бугун ўз мустақил тараққиёт йўлидан дадил одимлаётган Республикамизда Юртбошимиз томонидан барча соҳалар қатори қурилиш-ободончилик ва бунёдкорлик ишларига ҳам кенг эътибор берилаётганини таъкидлади. Барпо этилаётган кўркам бинолар, муҳташам уй-жойлар, равон йўллар ва маҳобатли кўприклар юртимиз чиройига яна-да чирой қўшаётганини эътироф этди.

– Ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий ҳимоя қилиш чора-тадбирларини янада яхшилаш борасида амалга оширилаётган бу каби муҳим ишлар Юртбошимиз – Қуролли Кучларимиз Олий Бош қўмондони томонидан белгилаб берилган устувор вазифаларнинг амалдаги ижросидир, – деди Марказий ҳарбий округ қўшинлари қўмондони полковник П. Эргашев. – Албатта, бундай эътибору ғамхўрлик юрт посбонларини янада ғайрат-шижоатга ундайди ҳамда юксак муваффақиятларни қўлга киритишда ўзига хос куч бағишлайди. Мен ҳарбий оилалар истиқомат қиладиган ана шу хонадонлардан келажакда ҳеч кимдан кам бўлмаган, етук салоҳиятли фарзандлар камолга етишини чин дилдан тилаб қоламан.

– Ҳарбийларимизга кўрсатилаётган бу каби юксак эътибор – ўз тинчлигимизни мустаҳкамлашга қаратилаётган эътибор, – дейди «Нуроний» жамғармаси Самарқанд вилоят бўлими бошлиғи Ҳасан Нормуродов. – Сиз каби ботирларимиз борки, халқимизнинг турмуши осойишта ва фаровон. Шу боис биз нуронийлар доимо сизларнинг муваффақиятларингизни тилаб дуодамиз. Асло кам бўлманглар, азиз шунқорлар. Янги уйда, хонадонларингизда катта-катта тўйлар қилинглар.

– Ўз уйимизга эга бўлганимиздан жуда ҳам хурсандмиз, – дейди офицер Одил Бўтаёровнинг турмуш ўртоғи Гулхайри Кўчкинова қувонч билан. – Айниқса, уй ичининг кўркам таъмирлангани, ошхона жиҳозлари, маиший воситаларнинг бадастир ўрнатилгани барчага ғоят манзур бўлмоқда.

– Энди бизнинг ҳам ўз хонадонимиз борлигидан мамнунмиз. Яшашингдан, оиланг ва яқинларингдан кўнглинг хотиржам бўлса, хизматингда ҳам унум бўлади. Зиммангдаги вазифангни шараф билан уддалайсан. Бу кун албатта, биз учун жуда ҳам қувончли воқеадир, – дейди икки хонали уйга эга бўлган офицер Маъмуржон Райимжонов.

Хуллас, янги хонадон соҳиб ва соҳибаларининг қайси бири билан сўзлашмайлик, уларнинг қувонч ва шодликлари бир олам эканига гувоҳ бўлдик. Катталардаги хурсандчилик кайфияти кичкинтойларга ҳам ўтгани уларнинг, «дада, ойи мана бу бизга дарсхона бўлади, шунга мослаб жиҳозлаб берасизлар», дея чуғурлашаётганида ҳам яққол акс этади.

– Юртимиз ҳимоячиларига сифатли хизмат кўрсатиш учун мавжуд барча имкониятлардан самарали фойдаландик, – дейди қурилиш-таъмирлаш ишлари бўйича масъул ходимлардан бири, Қуролли Кучлар хизматчиси Владимир Лашенко. – Уй йўлаклари ва хонадонларга кириш эшиклари металл материалдан ясалган. Деразалар эса замонавий аквалардандир. Оёқ остига ламинатдан пол тўшалди. Газ аппаратлари, ювиниш воситалари ва бошқа маиший жиҳозлар ҳам пухта ўрнатилиб, фойдаланишга тайёр қилиб қўйилган. Хонадон эгалари ҳатто, телевизор учун антенна ўрнатиш ва кабель тортиш ташвишидан ҳам қутулганлар. Чунки барча хонадонлар учун антенналар ўрнатилиб, кабеллар тортиб чиқилган ҳамда эшикларга қўнғироқларгача ўрнатиб қўйилган. Энг эътиборли томони, кўп хонадонли турар жой биноси бунёдкор ҳарбийларимиз томонидан барпо этилди. Шунингдек, унда Мудофаа вазирлиги ҳарбий қурилиш бошқармаси, қурилиш-монтаж бошқармаси, ягона буюртмачи хизматининг ҳам ҳиссаси катта бўлганини эътироф этмасдан бўлмайди, албатта.

Капитан Ёшин ҲАКИМОВ,
«Ватанпарвар» мухбири.
Муаллиф суратга олган.

ҲАРБИЙ ТЕХНИКА

ЎЗ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН ФОЙДАЛАНГАН ҲОЛДА

Эроннинг HESA компанияси мутахассислари томонидан ишлаб чиқилган «Саеге» русумли истиқболли тактик қирувчи самолётнинг композицион материаллардан тайёрланган қаноти аэродинамик дандана (тишга ўхшаш қисм)ларга эга. Унинг тумшуқ қисмида Россиянинг «Копье» станцияси асосида Эрон технологиялари ва бутловчи маҳсулотларидан фойдаланилган ҳолда ишлаб чиқилган борт радиолокация тизими жойлашган. Борт радиоэлектрон жиҳозлари таркибига шунингдек лазерли нишонга олиш ускунаси ҳам киради.

«Саеге»нинг асосий тактик-техник тавсифлари қуйидагича: экипаж – 1 киши, крейсерлик (одатдаги) тезлиги М=1,6 миқдорига мос келади, максимал кўтарилиш оғирлиги 15000–18000 кг (бўш ҳолда – 8000 кг), фойдали юк олиш оғирлиги 4–4,5 т, жанговар радиуси 600 км. Самолётнинг кучланиш қурилмаси таркибига иккита кучайтирилган турбореактив двигатель (баъзи маълумотларга кўра, «Женерал электрик» компаниясининг РД-33 ёки J -85 двигателлари) киради. Авиацион зарба бериш воситалари таркибига бошқарилувчи авиация бомбалари (1000 кг.гача), «Ҳаво-ҳаво» типидаги AIM-9 «Сайдвиндер» (АҚШ) ва PL-5 (Хитой) русумидаги бошқарилувчи ракеталар, «Ҳаво-ер» типидаги «Зулфиқор» русумли бошқарилувчи ракеталар, «Жабаз» типидаги катта калибрли бошқарилмайдиган авиация ракеталари ва авиабомбалар киради.

Самолёт «OWJ Индастриал Комплекс»» самолётсозлик компанияси томонидан ишлаб чиқарилади. Мазкур қирувчи самолётнинг биринчи синов учиши 2004 йилнинг 30 майида амалга оширилган. Самолёт ягона нусхада 2006 йилнинг август-сентябрь ойларида ўтказилган «Зулфиқор кучлари» (Force of Zolfaghar) ҳарбий машқларида иштирок этган.

2007 йил сентябрида самолётнинг иккита тажриба нусхасининг синов учишлари якунланган ва улар Эрон ҳарбий-ҳаво кучлари ихтиёрига берилган.

СИЛОВЫЕ СТРУКТУРЫ ТОЖЕ ЗАИНТЕРЕСОВАНЫ

Инженеры-конструкторы американской компании «Террафугиа» (г. Уоборн, штат Массачусетс) проводят испытания автомобиля «Террафугиа Транзишн» (Terrafugia Transition), способного преобразовываться в самолет. В ходе испытаний этот аппарат впервые осуществил взлет, полет по кругу и посадку.

«Террафугиа Транзишн» представляет собой двухместный автомобиль, который может двигаться по дороге, а при необходимости преобразовываться в самолет. Продолжительность операции по приведению в рабочее положение плоскостей крыла, а также подключение трансмиссии движителя не превышает 30 сек. Машина способна пролетать свыше 640 км без дозаправки со средней скоростью 185 км/час. Аппарат оснащен двигателем Rotax 912S, в качестве топлива используется неэтилированный бензин.

По расчетам экспертов, стоимость машины «Террафугиа Транзишн» составит около 194 тыс. долларов. В качестве наблюдателей на испытаниях присутствовали представители американских силовых структур.

ЖАНГОВАР ОҒИРЛИГИ – ШАКЛИГА КЎРА

Германиянинг «Рейнметалл» концерни томонидан ишлаб чиқилган «ГеФаС» (GeFaS – Geschutztes Fahrzeug System, ғилдираклар формуласи 4х4) номли зирҳли автомобиль олти нафар (экипажнинг уч аъзоси билан биргаликда) тўлиқ таъминланган пиёда аскарларни олиб юриш учун мўлжалланган. Автомобиль қуввати 560 от кучига тенг бўлган MTU 4R890 русумли дизель двигатели билан жиҳозланган бўлиб, ундан электр қуввати коммутацион аппаратура орқали ҳар бир етакчи ғилдиракка ўрнатилган электроморларга узатилади.

Автомобилнинг узунлиги 7,8 м, эни 2,55 м, кабина томигача бўлган баландлиги 2,4 м, жанговар оғирлиги 17,5 т. «ГеФаС»нинг шоссе бўйлаб максимал ҳаракатланиш тезлиги соатига 80 км, ёқилғи бўйича юриш захираси 700 км. Машина томига масофадан бошқарилувчи қурол модули ўрнатилган. Модуль конструкцияси ғилдираклар формуласи 6х6 ва 8х8 бўлган турли жанговар вазифаларни бажарувчи ва ўққа ҳамда минага қарши турли ҳимоя даражасига эга автомобилларни ҳам яратишни кўзда тутади.

Бундан ташқари, бундай компоновка (тузилиш) машинани бирон жанговар шикаст етганидан сўнг ёки модуллардан бирида техник носозлик юзага келган ҳолатда тез тиклаш имконини беради. Зирҳли автомобилнинг жанговар оғирлиги унинг шаклига боғлиқ ҳолда 12,5 дан 26 тоннагача бўлиши мумкин.

АППАРАТ ВЕРТОЛЕТНОГО ТИПА

Американский перспективный беспилотный летательный аппарат 160 «Хаммингбёрд» вертолетного типа большой продолжительности полета разработан компанией «Фронтье системз» по заказу МО США. Фюзеляж аппарата выполнен из композиционного материала на основе углеволокна. БЛА оснащен четырехлопастным (первоначально – трехлопастным) несущим (НВ) и двухлопастным рулевым винтами. Скорость вращения НВ варьируется в пределах 40–100 проц. Убираемые основные стойки шасси обеспечивают просвет 84 см для установки подфюзеляжной турели с различным оборудованием. В состав бортового РЭО входят приемник КРНС NAVSTAR и аппаратура передачи данных. Управление автономное, с возможностью вмешательства наземного оператора. Опытные образцы оснащены модифицированным автомобильным четырехцилиндровым двигателем компании «Субару» мощностью 224 кВт. На серийные аппараты устанавливаются газотурбинные двигатели. Основные характеристики БЛА «Хаммингбёрд»: максимальная скорость горизонтального полета около 260 км/час, практический потолок 9145 м (в режиме висения 4570 м), дальность полета 4630 км, продолжительность полета 24 часа, максимальная взлетная масса 2500 кг, максимальная масса полезной нагрузки 450 кг (в том числе во внутрифюзеляжном отсеке 136 кг), диаметр несущего винта 11 м, длина фюзеляжа 10,7 м, объем носового отсека ПН 1,1 куб. м.

УЧ КОМПАНИЯ ҲАМКОРЛИГИДА

Исроилнинг кичик масофаларга мўлжалланган «Спайдер» SR русумли мобил зенит-ракета мажмуи «Рафаэль», IMI ва «Элта» компаниялари ҳамкорлигида яратилган. Унинг асосий элементлари таркибига ўта қийин йўллардан ҳам юра оладиган «Татра» автомобилларига (ғилдираклар формуласи 6х6) жойлаштирилган разведка ва бошқарув пункти, ўзиюрар учириш қурилмаси ва транспорт-ўқловчи машина киради. Ракета учириш қурилмаси таркибига кирувчи, айланма кузатиш имконини берувчи EL/M 2106 NG русумли радиолокация тизими 60 км.гача узоқликдаги нишонларни аниқлаш ва улардан 60 тага яқинини бир вақтнинг ўзида кузатиш учун мўлжалланган. Нишон ҳақида хабар берувчи буйруқларни узатиш радиоканал орқали амалга оширилади. Нишонларни яксон қилиш учун «Ҳаво-ҳаво» типидаги номдош ракеталар асосида ишланган ва ерда жойлашган учириш қурилмасидан отиш учун мослаштирилган «Дерби» ва «Питон–5» русумли бошқарилувчи зенит ракеталаридан фойдаланилади. «Дерби» 15 км.гача узоқликдаги, «ўрдак» аэродинамик схемаси бўйича ишланган «Питон–5» эса 20 км.гача узоқликдаги нишонлар яксон қилинишини таъминлайди. Иккала типдаги ракеталарнинг нишонларни яксон қилиш баландлиги 20 м.дан 9 км.гачани ташкил этади. Душман томонидан радиоэлектрон қаршилик кўрсатилган вазиятларда нишонларни пассив разведка қилиш ва кўрсатиб бериш учун ўзиюрар учириш қурилмаси кабинаси томига ўрнатилган оптоэлектрон блокдан фойдаланиш мумкин.

«Спайдер» SR мажмуининг зенит батареяси таркибига олтитагача ўзиюрар учириш қурилмаси кириши мумкин бўлиб, уларнинг ҳар бири бир йўла бир ёки икки типдаги бошқарилувчи зенит ракеталари солинган 4 та транспорт-учириш контейнерлари билан жиҳозланган.

М. САЙДИВАЛИЕВ тайёрлаган.

TV ДАСТУР

14 ДЕКАБРЬ, ДУШАНБА

ЎЗБЕКИСТОН

Ҳурматли телетомошабинлар! Профилактика муносабати билан 14 декабрь куни «O'zbekiston» телерадиоканали» ўз кўрсатувларини соат 14.55 дан бошлайди.
15.00 «Иқлим».
15.05, 16.55, 20.05 «Сайлов–2009».
15.20 «Очун».
15.30 «Таҳлилнома».
16.10 «Ватанпарвар».
16.50 «Ҳаёт манзаралари».
17.00 «Ахборот».
17.10 ТВ-анонс.
17.15 «Ҳаёт ва қонун».
17.35 «Эртаклар – яхшиликка етаклар».
17.55 «Сизнинг адвокатингиз».
18.00 Миллий сериал: «Умр манзаралари».
18.35 ТВ-анонс.
18.40 «Юртим бўйлаб» дастури: «Геологик кўриқхона».
19.00 2009 йил – Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили. «Қишлоқ шифокори».
19.20 «ТВ-шифокор».
19.25, 20.00, 20.55 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» /рус/.
20.10 Миллий сериал: «Денгиздан томчи».
20.40 «Ватанимни куйлайман».
20.50 ТВ-анонс.
21.00 «Ахборот».
21.35 «Сайлов–2009».
21.55 «Мен ёшликман».
22.10 «Қирол Сежонг». Т/с.
22.55 «Иқлим».
23.00 «Олам ва одам» дастури: «Вақт машинаси».
24.00 «Ватанпарвар».
00.40 «Мен ёшликман».
00.55 ТВ-анонс.
1.00 «Ахборот» /рус/.
1.30 «Салом, ёшлар!»
2.30 «Маънавият» дастури.
3.30 «Марғилон».
4.00 «Ахборот».
4.30 Миллий сериал: «Турмуш чорраҳаларида».
5.20 «Юртим бўйлаб» дастури: «Зарафшон қўриқхонаси».
5.50 Тонги наволар.

ЁШЛАР

7.00, 14.00 «Салом, ёшлар!»
8.00 Миллий сериал: «Умидингни сўндирма».
8.35 «Yoshlar-FM».
9.00, 18.30, 21.50, 22.35 «Сайлов–2009».
9.15, 21.00 «Шерюрак». Т/с.
9.55 «Томчида қуёш».
10.00 «Камолот хабарлари».
10.10, 16.10 «Даврнинг боласи».
10.20 «Кучукча Рекс». М/ф.
10.30 «Келажак эгалари».
10.40 «Бугундан эсдалик».
11.00 «Шерюрак». Т/с.
11.45 «Ҳаёт завқи».
12.00 «Қорақалпоқ ёшлари».
12.20 Миллий сериал: «Меҳмонжонлардан айланай».
12.55 «Оила – меҳр булоғи».
13.00, 16.00, 19.00, 22.00 «Давр».
13.30 «Ранглар достони».
15.00 «Алло, огоҳ бўлинг!»
15.50 «Конституция ва ёшлар».
16.20 «Мультипанорама».
16.30 «Болалар табассуми».
16.40 «Қишлоқдаги тенгдошим».
16.55 «Тошкент илҳомлари».
17.00 «Зита ва Гита». Б/ф. 1-қисм.
18.10 «Нафс гирдоби».
19.30 Миллий сериал: «Умидингни сўндирма».
20.05 «Қиш хаёли».
20.20 «Соғлик – бойлик».
20.40 «Автопатруль».
22.30 «Муҳаббат изҳори».
22.40 «Пуаро». Б/ф.
00.15 «Афсона ва ҳақиқат».

ТОШКЕНТ

15.00 «Пойтахт».
15.20 «Муҳаббат ва эҳтирос». 5-қисм.
16.20 «Экспедиция». Ҳ/ф.
16.55 «Карвонсарой».
17.05 «Ҳуқуқнупос маслаҳати».
17.10 Миллий сериал: «Қайтар дунё». 11-қисм.
17.55 «Телекурьер-маркет».
18.15 «Анонс».
18.20 «Тошкентнинг илм масканлари».
18.30 «Пойтахт».
18.50 «Кавингтон Кросс». 8-қисм.
19.40 Бизнес-«Пойтахт».
19.45 «Саломат бўлинг!» /рус/.
19.55 «Анонс».
20.00 «Пойтахт» /рус/.
20.20 «Анонс».
20.25 «Аччиқ ёлғон». Т/с.
21.00 «Аёл қалби».
21.20 «Анонс».
21.25 Мумтоз наволар.
21.30 «Пойтахт».
21.50 «Анонс».
21.55 «Ўйларим».
22.00 «Телекурьер-маркет».
22.20 «Кино SMS со звёздами».
22.25 «На связи». Ҳ/ф.

СПОРТ

7.00 «Бодрое утро».
8.00 «Талқин». Информацион-таҳлилий кўрсатув.
8.35 «Малахов +».
9.30 «Версия».
10.05 «Геркулес». Мультсериал.
10.30 «Аёл ифори».
11.00 «ПрофРИНГ».
12.00 Футбол. Англия чемпионати. «Ливерпуль» – «Арсенал».
18.00 «Тет-а-тет».
18.10 «Ёшлик нияоати».
18.30 «Хабарлар» (рус тил.).
18.55 Кураш. Ўзбекистон кубоги.
19.55 Плавание. Чемпионат Европы.
20.25 «Вилоят спорти».
21.30 «Хабарлар» (ўзб. тил.).
21.55 Интерфутбол.
23.30 Бокс. Ўзбекистон чемпионати.

15 ДЕКАБРЬ, СЕШАНБА

ЎЗБЕКИСТОН

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
7.05, 16.55, 20.05, 21.35 «Сайлов–2009».
7.20 «Очун».
7.30 «Ўзбекистон табиати».
7.55 «Олтин мерос».
8.00 «Ахборот».
8.40 «Маънавият» дастури.
9.40 «Бизнинг кутубхона».
9.50 Сирдарё вилоят телерадиокомпанияси намойиш этади: 1. «Қадрият бешигисан, азиз маҳаллам!» 2. «Қадрият».
10.15 «Қирол Сежонг». Т/с.
10.55 «Сизнинг адвокатингиз».
11.00, 14.00, 17.00, 21.00, 4.00 «Ахборот».
11.10 «ТВ-шифокор».
11.15 Миллий сериал: «Денгиздан томчи».
11.45 «Мен ёшликман».
12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
12.55 «Юртим бўйлаб» дастури: «Нақшлар жилоси».
13.05 Миллий сериал: «Умр манзаралари».
13.40 «Сеҳрли қалам». М/с.
14.20 «Ойдин ҳаёт». Ток-шоу.
15.00 Жаҳон мусиқаси хазинасидан. Рихард Вагнер. «Тристан ва Изольда». 1-қисм.
16.00 «Тезкор хабарлар».
16.15 «Зийнат».
16.35 «Ўзбекистон табиати».
17.15 «Ҳаётимиз қомуси».
17.35 «Эртаклар – яхшиликка етаклар».
17.55 «ТВ-бизнес хабарлари».
18.00 «Олтин мерос».
18.05 Миллий сериал: «Умр манзаралари».
18.40 «Ҳудудлар ҳаёти».
19.00 «Навоийни англаш».
19.20 «ТВ-шифокор».
19.30 «Ахборот» /рус/.
20.10 Миллий сериал: «Денгиздан томчи».
20.40 «Кун мавзуси».
21.55 «Бир ўлка-ки...»
22.15 «Қирол Сежонг». Т/с.
23.05 «Олам ва одам» дастури: «Вақт машинаси».
00.05 «Ойдин ҳаёт». Ток-шоу.
00.50 «Нафосат олами».
1.00 «Ахборот» /рус/.
1.30 «Оталар сўзи – ақлнинг кўзи».
2.30 «Маънавият» дастури.
3.30 «Бир ўлка-ки...»
3.50 «Очун».
4.30 Миллий сериал: «Турмуш чорраҳаларида».
5.20 «Ўзбекистон табиати».

ЁШЛАР

Қадрли телетомошабинлар! Профилактика муносабати билан, 15 декабрь куни «Yoshlar» телеканали ўзининг кўрсатувлар дастурини соат 14.55 дан бошлайди.
15.00, 18.30, 21.50, 22.35 «Сайлов–2009».
15.15 «Конституция ва ёшлар».
15.20 Миллий сериал: «Умидингни сўндирма».
15.55 «Томчида қуёш».
16.00, 19.00, 22.00 «Давр».
16.10 «Даврнинг боласи».
16.20 «Мультипанорама».
16.30 «Болалар табассуми».
16.40 «Сирли ўрмонча».
16.55 «Чашма».
17.00 «Зита ва Гита». Б/ф. 2-қисм.
18.10 «Қиш хаёли».
18.20 «Эл фаровонлиги йўлида».
18.50 «UzEX».
18.55 «Телетуҳфа».
19.30 Миллий сериал: «Умидингни сўндирма».
20.05 «Навбатчи».
20.20 2009 йил – Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили: «Қишлоқ тараққиёти».
20.40 «Дуторчи қизлар».
21.00 «Шерюрак». Т/с.
21.55 «Таскин».
22.30 «Қишлоғимга хати».
22.40 «Пуаро». Б/ф.
00.15 «Дунё мўъжизалари».

ТОШКЕНТ

7.30, 13.00 «Салом, Тошкент!»
8.30, 19.40 Бизнес-«Пойтахт».
8.35 Мумтоз наволар.
8.40 «Кавингтон Кросс». 8-қисм.
9.30, 15.00, 18.30, 21.30 «Пойтахт».
9.40 «Тошкентда латифа».
9.45 «Дунё ўзбек оператори нигоҳида: Паттайя». Т/ф.
9.55, 17.50, 22.00 «Телекурьер-маркет».
10.20 «Саломат бўлинг!» /рус/.
10.30, 20.00 «Пойтахт» /рус/.
10.40 «Индаба» /рус/. 17-қисм.
11.05, 21.55 «Ўйларим».
11.10 Мультфильм: «Қуён оғаникида ҳовли тўйи».
11.30 «Дик ва Жейн». Б/ф.
14.00 «Дунё» теледастури.
15.20 «Муҳаббат ва эҳтирос». 6-қисм.
16.20 «Экспедиция». Ҳ/ф.
16.55 «Карвонсарой».
17.05 Миллий сериал: «Қайтар дунё». 12-қисм.
18.15 «Қонун доирасида».
18.50 «Кавингтон Кросс». 9-қисм.
19.45 «Истеъдод».
20.25 «Аччиқ ёлғон». Т/с.
21.00 «Репортаж» /рус/.
21.10 «Менинг маҳаллам».
21.25 Мумтоз наволар.
22.20 «Кино SMS со звёздами».
22.25 «Свадьба на Рождество». Ҳ/ф.

СПОРТ

7.00 «Бодрое утро».
7.50 «Тет-а-тет».
8.00, 18.30 «Хабарлар» (рус тил.).
8.25 «Малахов +».
9.05 «Геркулес». Мультсериал.
9.30, 21.30 «Хабарлар» (ўзб. тил.).
9.55 Интерфутбол.
11.35 Миллий эстрада-симфоник оркестрининг концерт дастури.
12.00 Футбол. Чемпионат Италии. «Сампдория» – «Рома».
18.00 «Тет-а-тет».
18.10 «Футбол мундиал».
18.55 Кураш. Ўзбекистон кубоги.
19.55 Плавание. Чемпионат Европы.
20.35 Волейбол. Ўзбекистон чемпионати.
21.55 Интерфутбол.
23.30 Бокс. Ўзбекистон чемпионати.

16 ДЕКАБРЬ, ЧОРШАНБА

ЎЗБЕКИСТОН

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
7.00 «Иқлим».
7.05 «Боқий Тошкент».
7.30 «Ўзбекистон табиати».
7.55 «Олтин мерос».
8.00 «Ахборот».
8.40 «Маънавият» дастури.
9.40 «Чорраҳа».
10.00 «Ҳудудлар ҳаёти».
10.20 «Қирол Сежонг». Т/с.
11.00 «Ахборот».
11.10 «ТВ-шифокор».
11.15 «Кун мавзуси».
11.25 Миллий сериал: «Денгиздан томчи».
12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
12.50 «Иқлим».
12.55 «Юртим бўйлаб» дастури: «Риштон мўъжизалари».
13.05 Миллий сериал: «Умр манзаралари».
13.40 «Сеҳрли қалам». М/с.
14.00 «Ахборот».
14.20 «Бир жиноят изидан».
14.40 «Эркин иқтисодиёт».
15.00 «Тристан ва Изольда». 2-қисм.
16.00 «Ўйла! Изла! Топ!»
16.40 «Ўзбекистон табиати».
17.00 «Ахборот».
17.15 «Таълимга эътибор – келажакка эътибор».
17.35 «Эртаклар – яхшиликка етаклар».
17.55 «Сизнинг адвокатингиз».
18.00 «Олтин мерос».
18.05 Миллий сериал: «Умр манзаралари».
18.40 «Кун мавзуси».
19.00 «Агар Сиз...»
19.20 «ТВ-шифокор».
19.30 «Ахборот» /рус/.
20.05 Марказий сайлов комиссияси хабарлари.
20.15 «Сайлов – демократия кўзгуси».
20.45 «Ватанимни куйлайман».
21.00 «Ахборот».
21.30 «Мен ёшликман».
21.50 «Қирол Сежонг». Т/с.
22.35 «Иқлим».
22.40 «Олам ва одам» дастури: «Вақт машинаси».
23.40 «Юртим бўйлаб» дастури: «Нақшлар жилоси».
23.50 «Ҳазрати Имом». 1-қисм.
00.30 «Ўзбегим либослари».
1.00 «Ахборот» /рус/.
1.30 «Салом, ёшлар!»
2.30 «Маънавият» дастури.
3.30 «Чемпион».
3.50 «Очун».
4.00 «Ахборот».
4.30 Миллий сериал: «Турмуш чорраҳаларида».
5.20 «Ўзбекистон табиати».

ЁШЛАР

7.00, 14.00 «Салом, ёшлар!»
8.00 Миллий сериал: «Умидингни сўндирма».
8.35 «Соғлик – бойлик».
9.00 Фарғона вилоят телерадиокомпанияси тақдим этади: «Толе».
9.15, 21.00 «Шерюрак». Т/с.
9.55, 13.00, 16.00, 19.00, 22.00 «Давр».
10.10, 16.10 «Даврнинг боласи».
10.20 «Кучукча Рекс». М/ф.
10.30 «Кичкинтойлар боғи».
10.40 «Болаларга жониворлар ҳақида».
11.30 «Тошкент илҳомлари».
11.40 «Қишлоқ ва таълим».
11.50 «Водий дурдонаси». 1-қисм.
12.20 Миллий сериал: «Меҳмонжонлардан айланай».
13.10 «Нафосат олами».
13.20 «Мўъжизавий дунё».
13.50 «Ҳаёт симфонияси».
15.00 «Автопатруль».
15.20 «Ватанпарвар».
16.20 «Мультипанорама».
16.35 «Болалар табассуми».
16.40 «Тасвир ва таассурот».
17.00 «Садоқат». Б/ф. 1-қисм.
18.30 «Чемпион».
19.30 Миллий сериал: «Умидингни сўндирма».
20.05 «Қиш хаёли».
20.20 «Келажак эгалари».
20.30 «Бугун».
21.50 «Муҳаббат изҳори».
22.30 «Соғинч қорлари».
22.40 «Пуаро». Б/ф.
00.15 «Дунё мўъжизалари».

ТОШКЕНТ

7.30 «Салом, Тошкент!»
8.30, 19.40 Бизнес-«Пойтахт».
8.35 Мумтоз наволар.
8.40 «Кавингтон Кросс». 9-қисм.
9.30 «Пойтахт».
9.40 «Қонун доирасида».
9.55, 17.55, 22.00 «Телекурьер-маркет».
10.20 «Репортаж» /рус/.
10.30, 20.00 «Пойтахт» /рус/.
10.40 «Индаба» /рус/. 18-қисм.
11.10 Мультфильм: «Асалари бўлган экан».
11.25 «Мовий тоғлар ёки ҳақиқатдан узоқ воқеа». Б/ф.
13.00 «Салом, Тошкент!»
14.00 «Дунё» теледастури.
15.00, 18.30, 21.30 «Пойтахт».
15.20 «Муҳаббат ва эҳтирос». 7-қисм.
16.20 «Экспедиция». Ҳ/ф.
17.00 «Карвонсарой».
17.10 Миллий сериал: «Қайтар дунё». 13-қисм.
18.20 «Саломат бўлинг!»
18.50 «Кавингтон Кросс». 10-қисм.
19.45 «Тошкентда латифа».
20.25 «Аччиқ ёлғон». Т/с.
21.00 «Интервью» /рус/.
21.10 «Дурдона».
21.25 Мумтоз наволар.
21.55 «Ўйларим».
22.20 «Кино SMS со звёздами».
22.25 «Снежные псы». Х/ф.

СПОРТ

7.00 «Бодрое утро».
7.50 «Тет-а-тет».
8.00, 18.30 «Хабарлар» (рус тил.).
8.25 «Малахов +».
9.05 «Геркулес». Мультсериал.
9.30, 21.30 «Хабарлар» (ўзб. тил.).
9.55 Интерфутбол.
11.35 «Футбол мундиал».
12.00 Футбол. Жаҳон чемпионати. U-17. Миср – Тринидад ва Тобаго.
18.00 «Тет-а-тет».
18.10 «Вилоят спорти одимлари».
18.55 Кураш. Ўзбекистон кубоги.
19.55 Плавание. Чемпионат Европы.
20.35 Волейбол. Ўзбекистон чемпионати.
21.55 Интерфутбол.
23.30 Гандбол. Чемпионат мира.
00.30 «Тунингиз осуда бўлсин!»

17 ДЕКАБРЬ, ПАЙШАНБА

ЎЗБЕКИСТОН

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
7.00 «Иқлим».
7.05, 16.55, 20.05, 21.35 «Сайлов–2009».
7.20 «Очун».
7.30 «Ўзбекистон табиати».
7.55 «Олтин мерос».
8.00 «Ахборот».
8.40, 2.30 «Маънавият» дастури.
9.40 «Цирк, цирк, цирк».
9.55 «Меҳрибон тулки». М/ф.
10.15 «Қирол Сежонг». Т/с.
10.55 «Сизнинг адвокатингиз».
11.00 «Ахборот».
11.10 «ТВ-шифокор».
11.15 «Мен ёшликман».
11.30 «Юртим бўйлаб» дастури: «Сурхон кулоллари».
11.50 «Ахборот» /инглиз/.
12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
12.50 «Иқлим».
12.55 «Очун».
13.05 Миллий сериал: «Умр манзаралари».
13.40 «Сеҳрли қалам». М/с.
14.00 «Ахборот».
14.20 «Одамлардан бири».
14.40 «Тараққиёт ва фаровонлик сари».
15.00 «Олам ва одам» дастури: «Ўсимликлар ҳаёти».
15.50 «Очун».
16.00 «Тезкор хабарлар».
16.15 «Яхшилар ёди».
16.35 «Ўзбекистон табиати».
17.00 «Ахборот».
17.15 «Юрт меҳри».
17.35 «Эртаклар – яхшиликка етаклар».
18.00 «Олтин мерос».
18.05 Миллий сериал: «Умр манзаралари».
18.45 «Юртим бўйлаб» дастури: «Най».
19.00 «Камолот остонаси».
19.20 «ТВ-шифокор».
19.30 «Ахборот» /рус/.
20.10 Миллий сериал: «Денгиздан томчи».
20.40 «Кун мавзуси».
21.00 «Ахборот».
21.55 «Хонадон».
22.20 «Қирол Сежонг». Т/с.
23.10 «Олам ва одам» дастури: «Ёввойи олам».
00.10 «Ҳазрати Имом». 2-қисм.
00.50 «Очун».
1.00 «Ахборот» /рус/.
1.30 «Салом, ёшлар!»
3.30 «Хонадон».
3.55 «Олтин мерос».
4.00 «Ахборот».
4.30 «Турмуш чорраҳаларида».
5.20 «Ўзбекистон табиати».

ЁШЛАР

7.00 «Салом, ёшлар!»
8.00 Миллий сериал: «Умидингни сўндирма».
8.35 «Тасвир ва таассурот».
9.00, 18.30, 21.50, 22.35 «Сайлов–2009».
9.15 «Шерюрак». Т/с.
9.55 «Томчида қуёш».
10.00, 13.00, 16.00, 19.00, 22.00 «Давр».
10.10 «Даврнинг боласи».
10.20 «Кучукча Рекс». М/ф.
10.30 «Китоб – офтоб».
10.40 «Болаларга жониворлар ҳақида».
11.30 «Ёшлар ва таълим».
11.40 «Келажак эгалари».
11.50 «Водий дурдонаси». 2-қисм.
12.20 Миллий сериал: «Меҳмонжонлардан айланай».
12.55 «Оила – меҳр булоғи».
13.10 «Нафосат олами».
13.20 «Мўъжизавий дунё».
13.50 «Ҳаёт симфонияси».
14.00 «Салом, ёшлар!»
15.00 «Қишлоқ тараққиёти».
15.20 «Тараннум».
16.10 «Даврнинг боласи».
16.20 «Мультипанорама».
16.30 «Болалар табассуми».
16.40 «Дўстлик кўприклари».
17.00 «Садоқат». Б/ф. 2-қисм.
18.10 «Қиш хаёли».
18.20 «Тараққиётнинг янги уфқлари».
18.55 «Телетуҳфа».
19.30 Миллий сериал: «Умидингни сўндирма».
20.05 «Аёлга таъзим».
20.10 «Ҳаётбахш наволар».
21.00 «Шерюрак». Т/с.
21.55 «Таскин».
22.30 «Соғинганларим».
22.40 «Пуаро». Б/ф.
00.15 «Дунё мўъжизалари».

TV ДАСТУР

ТОШКЕНТ

7.30, 13.00 «Салом, Тошкент!»
8.30, 19.40 Бизнес-«Пойтахт».
8.35 Мумтоз наволар.
8.40 «Кавингтон Кросс». 10-қисм.
9.30, 15.00, 18.30, 21.30 «Пойтахт».
9.40 «Тошкентда латифа».
9.45 «Интервью» /рус/.
9.55 «Телекурьер-маркет».
10.20 «Дурдона».
10.30, 20.00 «Пойтахт» /рус/.
10.40 «Индаба» рус/. 19-қисм.
11.05, 21.55 «Ўйларим».
11.10 Мультфильм: «Меҳрибон тулки».
11.30 «Сен борсан». Б/ф.
14.00 «Дунё» теледастури.
15.20 «Муҳаббат ва эҳтирос». 8-қисм.
16.20 «Экспедиция». Ҳ/ф.
16.55 «Карвонсарой».
17.05 Миллий сериал: «Қайтар дунё». 14-қисм.
17.50 «Телекурьер-маркет».
18.15 «Юртим жамоли».
18.50 «Кавингтон Кросс». 11-қисм. /Якунловчи/.
19.45 «Иқтисод-ревю» /рус/.
20.25 «Аччиқ ёлғон». Т/с.
21.00 «Репортаж».
21.10 «Эътиқод».
21.25 Мумтоз наволар.
22.00 «Телекурьер-маркет».
22.20 «Кино SMS со звёздами».
22.25 «Ирония судьбы или с лёгким паром».
Ҳ/ф. 1-қисм.

СПОРТ

7.00 «Бодрое утро».
7.50 «Тет-а-тет».
8.00 «Хабарлар» (рус тил.).
8.25 «Малахов +».
9.05 «Геркулес». Мультсериал.
9.30 «Хабарлар» (ўзб. тил.).
9.55 Интерфутбол.
11.30 «Вилоят спорти одимлари».
11.50 Футбол. Жаҳон чемпионати. U-17.
Парагвай — Италия.
18.00 «Тет-а-тет».
18.10 «Олимп сари йўл».
18.30 «Хабарлар» (рус тил.).
18.55 Баскетбол. Евролига.
20.35 Волейбол. Ўзбекистон чемпионати.
21.30 «Хабарлар» (ўзб. тил.).
21.55 Конный спорт. Гран-при.
22.45 Гандбол. Чемпионат мира.
24.00 «Тунингиз осуда бўлсин!»

18 ДЕКАБРЬ, ЖУМА

ЎЗБЕКИСТОН

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
7.00 «Иқлим».
7.05 «Сайлов–2009».
7.20 «Очун».
7.30 «Ўзбекистон табиати».
7.55 «Олтин мерос».
8.00 «Ахборот».
8.40 «Маънавият» дастури.
9.40 «Болалар дунёси».
10.00 «Таълимга эътибор — келажакка эътибор».
10.20 «Қирол Сежонг». Т/с.
11.00 «Ахборот».
11.10 «ТВ-шифокор».
11.15 «Кун мавзуси».
11.25 Миллий сериал: «Денгиздан томчи».
12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
12.50 «Иқлим».
12.55 «Олтин мерос».
13.05 Миллий сериал: «Умр манзаралари».
13.40 «Сеҳрли қалам». М/с.
14.00 «Ахборот».
14.20 «Ўзбекистон — умумий уйимиз».
14.50 «Олам ва одам» дастури: «Ўсимликлар ҳаёти».
15.50 «Очиқ дарс». Ток-шоу.
16.30 «Ўзбекистон табиати».
16.55 «Сайлов–2009».
17.00 «Ахборот».
17.15 «Саломатлик дастури».
17.35 «Эртаклар — яхшиликка етаклар».
17.55 «Сизнинг адвокатингиз».
18.00 «Олтин мерос».
18.05 Миллий сериал: «Умр манзаралари».
18.40 «Юртим бўйлаб» дастури: «Тандир, арча, олов».
18.55 «Минг бир ривоят».
19.00 «Зиё» студияси: «Эътиқод мустаҳкамлиги йўлида».
19.20 «ТВ-шифокор».
19.30 «Ахборот» /рус /.
20.05 «Сайлов–2009».
20.10 Миллий сериал: «Денгиздан томчи».
20.40 «Ватанимни куйлайман».
21.00 «Ахборот».
21.35 «Сайлов–2009».
21.55 «Пушаймон».
22.20 «Иқлим».
22.25 «Жаноб Юлданинг таътили». Б/ф. Премьера.
24.00 «Олтин тупроқ».
00.30 «Пушаймон».
1.00 «Ахборот» /рус/.
1.30 «Салом, ёшлар!»
2.30 «Маънавият» дастури.
3.30 «Ўзбекистон — умумий уйимиз».
4.00 «Ахборот».
4.30 Миллий сериал: «Турмуш чорраҳаларида».
5.20 «Ўзбекистон табиати».
5.40 Тонги наволар.

ЁШЛАР

7.00 «Салом, ёшлар!»
8.00 Миллий сериал: «Умидингни сўндирма».
8.35 «Автопатруль».
9.00, 18.30, 21.50, 22.35 «Сайлов–2009».
9.15, 21.00 «Шерюрак». Т/с.
9.55 «Томчида қуёш».
10.00, 13.00, 16.00, 19.00, 22.00 «Давр».
10.10 «Даврнинг боласи».
10.20 «Кучукча Рекс». М/ф.
10.30 «Тошкент илҳомлари».
10.40 «Болаларга жониворлар ҳақида».
11.30 «Сирли ўрмонча».
11.50 «Водий дурдонаси». 3-қисм.
12.20 Миллий сериал: «Меҳмонжонлардан айланай».
12.55 «Оила — меҳр булоғи».
13.10 «Нафосат олами».
13.20 «Мўъжизавий дунё».
13.50 «Ҳаёт симфонияси».
14.00 «Салом, ёшлар!»
15.00 «Ижод мактаби».
15.40 «Илҳом қанотлари».
16.10 «Даврнинг боласи».
16.20 «Мультипанорама».
16.30 «Болалар табассуми».
16.40 «Чемпион».
17.00 «Дунё». Б/ф. 1-қисм.
18.10 «Қиш хаёли».
18.55 «Телетуҳфа».
19.30 Миллий сериал: «Умидингни сўндирма».
20.05 «Муҳаббат изҳори».
20.10 «Алло, огоҳ бўлинг!»
21.55 «Таскин».
22.30 «Қишлоғимга хати».
22.40 Жаҳон киноси: «Дунё бўйлаб 80 кун».
00.30 «Дунё мўъжизалари».

ТОШКЕНТ

7.30 «Салом, Тошкент!»
8.30, 19.40 Бизнес-«Пойтахт».
8.35 Мумтоз наволар.
8.40 «Кавингтон Кросс». 11-қисм. /Якунловчи/.
9.30, 15.00, 18.30, 21.30 «Пойтахт».
9.40 «Юртим жамоли».
9.55 «Телекурьер-маркет».
10.20 «Репортаж».
10.30 «Пойтахт» /рус/.
10.40 «Индаба» /рус/. 20-қисм.
11.05 «Ўйларим».
11.10 Мультфильм: «Малика ва етти баҳодир».
11.40 «Такси-3». Б/ф.
13.00 «Салом, Тошкент!»
14.00 «Дунё» теледастури.
14.50 «Иқтисод-ревю» /рус/.
15.20 «Муҳаббат ва эҳтирос». 9-қисм.
16.20 «Экспедиция». Ҳ/ф.
17.00 «Карвонсарой».
17.10 «Қайтар дунё». 15-қисм. /Якунловчи/.
17.55 «Телекурьер-маркет».
18.20 «Афиша» /рус/.
18.50 «Сеҳрли тош». Т/с.
19.50 «Саломат бўлинг!»
20.00 «Пойтахт» /рус/.
20.25 «Аччиқ ёлғон». Т/с.
21.00 «Интервью».
21.10 «Эртамиз эгалари».
21.25 Мумтоз наволар.
21.55 «Ўйларим».
22.00 «Телекурьер-маркет».
22.20 «Кино SMS со звёздами».
22.25 «Ирония судьбы или с лёгким паром».
Ҳ/ф. 2-қисм.

СПОРТ

7.00 «Бодрое утро».
7.50 «Тет-а-тет».
8.00 «Хабарлар» (рус тил.).
8.25 «Малахов +».
9.05 «Геркулес». Мультсериал.
9.30 «Хабарлар» (ўзб. тил.).
9.55 Футбол. Жаҳон чемпионати. U-17.
Нигерия — Венесуэла.
11.30 «RING».
12.00 Футбол. Жаҳон чемпионати. U-17.
АҚШ — Германия.
18.00 «Тет-а-тет».
18.10 Евроголлар.
18.30 «Хабарлар» (рус тил.).
18.55 Биатлон. Жаҳон кубоги.
19.40 «Гол».
20.40 Волейбол. Ўзбекистон чемпионати.
21.30 «Хабарлар» (ўзб. тил.).
21.55 «Антека слушает».
22.40 Баскетбол. Евролига.

19 ДЕКАБРЬ, ШАНБА

ЎЗБЕКИСТОН

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
7.00 «Иқлим».
7.05 Миллий кино: «Нотаниш полвон». 1-қисм.
7.50 «Тонги наволар».
8.00 «Ахборот».
8.35 «Скотнинг саргузаштлари». М/ф.
9.55 «Минг бир ривоят».
10.00 «Зиё» студияси: «Эътиқод мустаҳкамлиги йўлида».
10.20 1. «Чинсен». 2. «Байтерек».
11.00 «Оналар мактаби».
11.20 «Минг бир ривоят».
11.25 Миллий сериал: «Денгиздан томчи».
12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
13.00 «Иқлим».
13.05 Миллий сериал: «Умр манзаралари».
13.40 «Юртим бўйлаб» дастури: «Сато».
14.00 «Ахборот».
14.20 «Азизим».
14.50 «Тугалланмаган умр». Б/ф.
16.25 «Ҳаёт манзаралари».
16.35 «Минг бир маслаҳат».
16.55 «Ўйла! Изла! Топ!»
17.35 «Эртаклар — яхшиликка етаклар».
18.00 «Қорақалпоқ наволари».
18.10 «Саломатлик сирлари».
18.30 «Ҳандалак». Ҳужжий кўрсатув.
18.50 «Рангин дунё».
19.10 «Очун».
19.20 «ТВ-шифокор».
19.30, 1.00 «Ахборот» /рус/.
20.05 «Сайлов — демократия кўзгуси».
20.35 «Шарқ тароналари».
21.00, 4.00 «Ахборот».
21.30 «Буюк аждодларимиз».
22.00 «Замин кечалари». Б/ф.
23.45 «Рангин дунё».
00.05 «Тараннум».
00.50 «Очун».
1.30 «Салом, ёшлар!»
2.30 Миллий кино: «Осмон яқин».
4.30 «Шарқ тароналари».
4.45 Миллий кино: «Қор қўйнида лола».

ЁШЛАР

7.00 «Салом, ёшлар!»
8.00 Миллий сериал: «Умидингни сўндирма».
8.35 «Сўнмас юлдузлар».
8.55 «UzEX».
9.00 «Навбатчи».
9.15 «Шерюрак». Т/с.
9.55 «Томчида қуёш».
10.00 «Давр».
10.10 «Даврнинг боласи».
10.20 «Кучукча Рекс». М/ф.
10.30 «Лабиринт». Б/ф.
12.00 «Табассум қил!»
12.20 Миллий сериал: «Меҳмонжонлардан айланай».
12.55 «Оила — меҳр булоғи».
13.00 «Давр».
13.10 «Рўзғор мактаби».
13.40 «Мўъжизавий дунё».
14.00 «Салом, ёшлар!»
15.00 «Кўзгу». Ҳажвия.
15.30 «Сеҳрли қўллар».
16.00 «Давр».
16.10 «Даврнинг боласи».
16.20 «Мультипанорама».
16.40 «Болалар табассуми».
16.50 «Тошкент илҳомлари».
17.00 «Дунё». Б/ф. 2-қисм.
18.25 «Соғинч қорлари».
18.35 «Yoshlar-FM».
18.55 «Телетуҳфа».
19.00 «Давр».
19.30 Миллий сериал: «Умидингни сўндирма».
20.05 «Қиш хаёли».
20.20 «Айланай. »
20.40 «13-студия».
21.00 «Шерюрак». Т/с.
21.50 «Аёлга таъзим».
21.55 «Таскин».
22.00 «Давр».
22.30 Жаҳон киноси: «Инспектор Гажет».
00.00 «Тунги парвоз».
00.30 Жаҳон киноси: «Фантомас-3».

ТОШКЕНТ

7.30 «Салом, Тошкент!»
8.30 Бизнес-«Пойтахт».
8.35 Мумтоз наволар.
8.40 «Сеҳрли тош». Т/с.
9.30 «Пойтахт».
9.40 «Анонс».
9.45 «Интервью».
9.55 «Телекурьер-маркет».
10.15 «Анонс».
10.20 «Афиша» /рус/.
10.30 «Пойтахт» /рус/.
10.40 «Индаба» /рус/. 21-қисм.
11.05 «Ўйларим».
11.10 «Мулоҳаза учун мавзу».
11.40 «Саломат бўлинг!»
11.50 «Эртамиз эгалари».
12.05 «Аёл қалби».
12.30 «Туризм ҳақида» /рус/.
13.00 «Салом, Тошкент!»
14.00 «Дунё» теледастури.
15.00 «Кўғирчоқ театри сирлари». Т/ф.
15.25 «Муҳаббат ва эҳтирос». 10-қисм.
16.25 «Экспедиция». Ҳ/ф.
17.25 «Карвонсарой».
17.35 «Ҳуқуқшунос маслаҳати».
17.40 «Санъатимиз ҳазинасидан».
17.55 «Телекурьер-маркет».
18.20 «Афиша».
18.30 «Пойтахт».
18.50 «Сеҳрли тош». Т/с.
19.40 Бизнес-«Пойтахт».
19.45 «Мафтун».
20.00 «Пойтахт» /рус/.
20.25 «Самимият ила».
20.55 «Истеъдод».
21.15 Мумтоз наволар.
21.30 «Пойтахт».
21.55 «Ўйларим».
22.00 «Телекурьер-маркет».
22.20 «Кино SMS со звёздами».
22.25 Индийское кино: «Непохищенная невеста».
Ҳ/ф. 1-я и 2-я серии.

СПОРТ

8.00 «Бодрое утро».
9.00 «Хабарлар» (рус тил.).
9.25 «Соғлом оила».
10.00 «Хабарлар» (ўзб. тил.).
10.25 «Геркулес». Мультсериал.
10.50 Евроголлар.
11.10 Экстремал спорт мусобақаси: «Паҳлавонлар беллашуви».
12.00 «Ғалаба муқаррар». Бадиий фильм.
18.00 «Маҳалламиз паҳлавонлари».
18.30 «Хабарлар» (рус тил.).
18.55 «Военное дело».
19.25 Футбол. Чемпионат Германии. «Штутгарт» — «Хоффенхайм». Прямая трансляция.
21.30 «Хабарлар» (ўзб. тил.).
21.55 «Файтер». Восточные единоборства.
22.20 Волейбол. Ўзбекистон чемпионати.
23.10 «RING».
23.40 Биатлон. Жаҳон кубоги.
00.30 «Тунингиз осуда бўлсин!»

20 ДЕКАБРЬ, ЯКШАНБА

ЎЗБЕКИСТОН

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
7.00 «Иқлим».
7.05 Миллий кино: «Нотаниш полвон». 2-қисм.
7.45 ТВ - анонс.
7.50 «Тонги наволар».
8.00 «Ахборот».
8.40 «Бизнинг кутубхона».
8.50 «Яшил водий сари». М/ф.
9.50 «Ҳаёт манзаралари».
10.00 «Саломатлик сирлари».
10.20 «Минг бир ҳунар».
10.35 «Ойдин ҳаёт». Ток-шоу.
11.20 «Буюк аждодларимиз».
11.45 «Юртим бўйлаб» дастури: «Чуст пичоқлари».
12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
13.00 «Иқлим».
13.05 ТВ-анонс.
13.10 «КиноТеатр».
13.35 «Пианиночи ҳақида афсона». Б/ф.
15.30 ТВ-анонс.
«Болалар сайёраси»:
15.35 «Барток». М/ф.
16.35 «Тўйлар муборак».
16.45 Миллий кино: «Юлдузингни бер, осмон».
18.10 «Шўрданак». Ҳажвий кўрсатув.
18.40 «Олтин мерос».
18.50 «Умр манзаралари».
19.25, 20.55 Эълонлар.
19.30 «Таҳлилнома» /рус/.
20.00 ТВ-анонс.
20.05 «Минг бир ривоят».
20.10 Миллий сериал: «Денгиздан томчи».
20.40 «Кўнгил қўшиқ истайди».
21.00 «Таҳлилнома».
21.40 «Заковат».
22.40 «Мусиқачи». Б/ф. Премьера.
00.40 «Минг бир ҳунар».
1.00 «Таҳлилнома» /рус/.
1.30 «Ойдин ҳаёт». Ток-шоу.
2.15 «Юртим бўйлаб» дастури: «Чуст пичоқлари».
2.30 «Заковат».
3.30 «Очиқ дастурхон».
4.00 «Таҳлилнома».
4.40 ТВ-анонс.
4.45 Миллий кино: «Пиёда».
5.45 Тонги наволар.

ЁШЛАР

7.00 «Инсон психологияси».
7.30 «Қиш хаёли».
7.40 «Якшанба нонуштаси».
8.00 Киноклассика: «Гугуртга кетиб».
9.30 «Тошкент таронаси».
9.40 «Соғлик — бойлик».
10.00 «Ватанпарвар».
10.40 «Сеҳрланган Элла». Б/ф.
12.20 «Мультипанорама».
12.40 «Айланай».
13.00 «Камолот хабарлари».
13.10 «Ижод мактаби».
13.50 «Болалар табассуми».
14.00 «Қарсилдоқ». М/ф.
15.20 «Ҳаёт симфонияси».
15.30 «Табассум қил!»
16.00 «Ҳаётбахш наволар».
16.50 «Қиш сонатаси». Т/с.
18.50 «Оила — меҳр булоғи».
18.55 «Телетуҳфа».
19.00 «Давр». Ҳафта якуни.
19.30 «Рўзғор мактаби».
20.00 «Тараннум».
20.40 «Саробга айланган умидлар». Б/ф.
23.40 «Юрт тинчлиги».

ТОШКЕНТ

7.30 «Салом, Тошкент!»
8.30 Бизнес-«Пойтахт».
8.35 Мумтоз наволар.
8.40 «Сеҳрли тош». Т/с.
9.30 «Пойтахт».
9.40 «Дунё ўзбек оператори нигоҳида: Малакка». Т/ф.
9.55 «Телекурьер-маркет».
10.15 «Анонс».
10.20 «Афиша».
10.30 «Пойтахт» /рус/.
10.40 «Саргузаштлар ороли».
11.05 «Ўйларим».
11.10 Миллий мультфильм: «Қорасарой».
11.25 «Элвин ва Бурундуқлар». Б/ф.
13.00 «Салом, Тошкент!»
14.00 «Анонс».
14.05 «Чеча». Ўзбек давлат драма театрининг спектакли.
15.40 «Телекурьер-маркет».
16.00 «Анонс».
16.05 «Карвонсарой».
16.15 «Болаликка қайтиб».
16.35 «Истеъдод».
16.55 «Анонс».
17.00 «Тошкентда латифа».
17.05 «Сугур куни». Б/ф.
18.50 «Телекурьер-маркет».
19.10 «Анонс».
19.15 «Нима учун?»
19.55 Мумтоз наволар.
20.00 «Кинотақдим».
20.25 «Тошкент оқшомлари».
20.50 «Анонс».
20.55 «Туризм ҳақида» /рус/.
21.25 «Кино SMS со звёздами»: «Отпуск по обмену», «Светлячки в саду», «Город ангелов».

СПОРТ

8.00 «Бодрое утро».
8.50 «Тет-а-тет».
9.00 «Хабарлар» (рус тил.).
9.20 «Қувноқ стартлар».
10.00 «Хабарлар» (ўзб. тил.).
10.25 «Гол».
11.25 «Аёл ифори».
12.00 Футбол. Чемпионат Германии. «Штутгарт» — «Хоффенхайм».
16.25 Футбол. Чемпионат Германии. «Гамбург» — «Вердер». Прямая трансляция.
18.20 «АВТОграф».
18.40 «Версия».
19.15 Теннис.
19.55 Биатлон. Жаҳон кубоги.
20.25 «Вилоят спорти».
21.30 «Талқин». Информацион-таҳлилий кўрсатув.
22.05 ИнтерФутбол.
23.40 «ПрофРИНГ».
00.40 «Тунингиз осуда бўлсин!»

Телевизионная программа предоставлена ООО «САДО».

ХОНАДОН

Пазандалик сирлари

БЕҲИ БИЛАН ҚОВУРИЛГАН ГЎШТ

Керакли масаллиқлар: 500 г – лахм мол гўшти, 300 г беҳи, 1 бош пиёз, ўсимлик ёғи, туз ва мурч (таъбга кўра) ҳамда кўкатлар.

Ўртача катталикда тўғралган гўшт қиздирилган ёғда 10–15 дақиқа қовурилади. Сўнгра устига гўштни ёпгунча сув қуйилади, 30 дақиқа паст оловда димланади. Пиёз билан уруғидан тозаланган беҳи сомонча шаклида тўғралиб, гўшт устига бир текисда солинади. Туз, мурч сепиб яна 20–30 дақиқа димланади. Таомни дастурхонга тортишдан олдин майда тўғралган кўкатлар билан безатилади.



ТОРТ ИЗ ЗЕФИРА

Необходимые продукты: зефир – 1 кг, яйцо – 2 шт., печенье рассыпчатое для крема – 2 пачки и мелкое печенье для оформления – 12 шт., сахар – 1/2 стакана, молоко – 1 стакан, масло сливочное – 200 г, цедра 1 лимона, немного темного шоколада, орехи для украшения.

Способ приготовления блюда: зефир разделите на половинки. Яйца разотрите с сахаром, раскрошите печенье, добавьте в яично-сахарную смесь. Залейте смесь молоком и варите, постоянно помешивая, до образования густой массы. Остудите. Цедру лимона мелко натрите. Масло взбейте, постепенно добавляя цедру и охлажденную массу.

Плоское блюдо выстелите пергаментной бумагой. Выложите слоями зефир, смазывая каждый слой кремом. Верх торта покройте кремом. Торт поставьте в холодильник на 24 часа. Перед подачей оформите печеньем, тертым шоколадом, орехами.



МАЛЕНЬКИЕ ХИТРОСТИ

● Обычные стиральные порошки содержат осветлители и отбеливающие средства. Поэтому их следует использовать только для белого текстиля, чтобы избежать нежелательного осветления цветного белья.

● Жидкие стиральные средства для тонких тканей при низкой температуре лучше растворяются в воде, чем порошок, и поэтому не застревают и не затвердевают в тонких волокнах материи.

● Стиральные порошки для тонких тканей следует использовать для всех цветных вещей.

● Стирка в щадящем режиме особенно рекомендуется для чувствительных материалов (например, кружев).

● Сильно загрязненные области следует предварительно обработать специальной пастой для стирки или замочить.

● Изделия из синтетических волокон и их смесей стирайте отдельно от хлопчатобумажных и льняных.

● Помните, что эластан (лайкра) не переносит кипячения и отбеливания с применением хлора.

Bolajonlar, sizlar uchun!



Sayyoramizga sayohat

GUAXARO



Siz ko'rib turgan bu guaxaro deb nomlanuvchi qush o'z bolalarini tarkibida yuqori miqdorda yog' bo'lgan mevalar bilan boqadi.

Natijada yosh guaxarolar o'z tanasining uchdan bir qismida yog' zaxirasini jamlar ekan.

Janubiy Amerika hindulari qadim zamonlardan beri guaxaro jo'jalarini yig'ib, ularning yog'ini iste'mol qilar ekanlar.

Hozirgi vaqtda mazkur qushning soni keskin kamayib, qirilib ketish darajasiga kelib qolgan.

OLUSHA

Olusha deb nomlanuvchi bu qush havoda o'z tanasining holatini keskin o'zgartirib, tez va uzoq vaqt parvoz qilish qobiliyatiga ega.

Ko'payish mavsumida ko'k oyoqli olushaning erkagi urg'ochisiga o'zining yarqiroq ko'k oyoqlarini namoyish qilar ekan.

БЕКАТ

СКАНВОРД

	Ёзма ҳужжат		Токни чекловчи аппарат		Вужуд		Металл синч		Адабий жанр	Коинотни ўрганувчи	
					Манфийнинг акси	→					
	Сузиш усули					→	Ҳимоя бош кийими		...роф, хас..., ...бот	Вафодор	
					Самолёт маркази	→		Пайғамбар	→		
	Болтиқ бўйи давлати		→	Кул..., ...тин, зил...	↳						
					Осиёдаги тарихий давлат			→	Инкор	↘	
↓	Ҳосил уюми	Аёл исми	→ ↓					↓	Нота	↘	
Бўрттириш	Чуқурлик		Маҳобат		→ ↓	Грек ҳарфи		Адабий жанр (Европа)	Кес..., ...кон, ған...		Чорва озиқаси
	↓				...сол				→	Майда дарахт	↓
				→	Ойна		↓				
		→	... сидан оламушук ўтди				Қадимий давлат	↘	↓		
		↓		↘ ↓	Сут маҳсулоти	↳	Милий соз		Ҳузур	Хумп..., ...боб, Арх...	Тўти тури
↓	Кўмир тури	Асос	Сайроқи қуш	Мозамбик пойтахти	↳				↓		↓
Сутка қисми	ЧИСТОН				Кимёвий элемент	Курилиш ашёси	Бежамли ширинлик			Қовун нави	
↓	*У нима, кундузи кўринар қора,*				↓		↘				
	Баъзан юзи қизил, дили садпора.										↳
	Унга қўлларингни боса кўрмагин,					Рақам			→	Сўз туркуми	Муаммо
	Ошиқлар дилидек қон оқар қора!										
	(Бу ерда нима таърифланган?)									→	Ўзбек шоираси

ГАЗЕТАНИНГ 49-СОНИДА ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН СКАНВОРДНИНГ ЖАВОБЛАРИ:

ЭНИГА: Ташаккурнома. Фурқат. Какаду. Кафка. Кул. Граната. Улфат. Ош. Икар. Узоқ. Озон. Ливан. Опера. Лак. Дур. Ватанпарвар. Араб. Асати. «Ласетти». Ол. Ле. Ра. Индий. Аён.

БЎЙИГА: Шараф. Коала. Уч. Краков. Карп. Ака. Физика. Тақа. Нишопур. Зода. Нерв. «Айқулаш». Тафаккур. Дутор. Нун. Улов. Ал. Татами. Ис. «Аида». Ел. Он. Балли. Пастер. Авар. Акробат.

Фозилжон ОРИПОВ тузди.

АСТРОЛОГИЧЕСКИЙ ГОРОСКОП

В начале недели желательно заняться разгребанием накопившихся дел. Может поступить интересное предложение — возможно, оно будет касаться новой, более престижной работы. Но для этого вам необходимо повысить квалификацию. Займитесь домом. В выходные посвятите себе больше времени, чем это обычно себе позволяете.

Осторожность – вот девиз наступающей недели. Во второй половине недели вы можете открыть для себя что-то новое в деловом партнерстве. При необходимости вам окажут помощь друзья и коллеги. Не отказывайтесь. Выходные проведите с семьей на природе.

На этой неделе стоит найти время для расширения своих профессиональных знаний. Каждый новый навык, приобретенный сейчас, может оказаться востребованным в ближайшем будущем. Удачная неделя для делающих карьеру, также это время неплохо подходит для поездок и командировок.

В начале недели желательно ставить перед собой только четкие и конкретные задачи. Непременно надо учитывать все аспекты сложившейся вокруг вас ситуации. Вашими помощниками могут оказаться исполнительность и аккуратность. Удачными обещают быть переговоры и новые знакомства.

Благоприятное время для реализации творческих замыслов. Многие вопросы у вас получится решить, не встречая на своем пути особенных препятствий. Подумайте о будущем — создайте прочный фундамент для реализации ваших планов. Уделите особое внимание деловым партнерам.

Объем работы может увеличиться, наступает жаркая пора. Вам могут предложить обучение в новой сфере деятельности – не отказывайтесь от этого. Могут возникнуть определенные трудности при общении с родственниками и друзьями. Кажется, настала пора научиться регулировать перепады настроения.

На прошлой неделе вы славно потрудились, настало самое время повеселиться и отдохнуть так, как вам этого хочется. Сбросьте усталость от работы, позвольте себе расслабиться. Если долг призовет вас к рабочему месту на этой неделе, постарайтесь не слишком обижаться на судьбу. Вряд ли вы сильно переутомитесь.

Неделя обещает оказаться наполненной эмоциональными переменами и событиями. Побольше общения, встреч – все это пойдет вам на пользу. И не забывайте обогащать организм новой информацией. Дела на работе обещают сложиться достаточно успешно.

Начало недели может быть весьма напряженной, поэтому запаситесь терпением и не предпринимайте никаких решительных шагов. Велик шанс найти средства для реализации своих идей. Вы будете ощущать поддержку окружающих в своих начинаниях. Вероятны позитивные перемены на работе.

Посвятите первую половину недели решению наиболее срочных проблем. Ваша способность находить верные решения может очень вам пригодиться. Подумайте об ответственном шаге по карьерной лестнице. Удачное время для командировок и путешествий. Выходные посвятите отдыху.

В начале недели вы будете гениальным руководителем. Причем эти способности проявятся, даже если у вас нет ни одного подчиненного. Вы сможете исключительно грамотно организовать рабочий процесс. В конце недели постарайтесь выкроить немножко времени для близких.

На этой неделе вам придется отстаивать свои взгляды. Задача хоть и благородная, но порой весьма утомительная, а иногда и опасная. Держитесь за то, что считаете наиболее важным, но не отказывайтесь пойти на уступки в мелочах. Будьте добрее и предусмотрительнее, но не взваливайте на себя чужих полномочий.

Табассум

ЯХШИ КЎРАМАН

Бир қиз ёлғиз турган дугонасининг ёнига келиб сўради:

– Салима, нега сен доимо ўзинг билан ўзинг гаплашаверасан?

– Дугонажон, чунки мен ақлли одамлар билан гаплашишни яхши кўраман.

ФОЙДАСИ ЙЎҚ

Ўқитувчи биринчи синф ўқувчисини ёнига чақириб деди:

– Шодиев, нега пойабзалинг икки хил – бири оқ, иккинчиси кўк? Уйингга бориб, алмаштириб кел.

– Домла, уйга борганимни фойдаси йўқ, у ердаги пойабзалларнинг ҳам бири оқ, иккинчиси кўк...

БАҲОНА ТОПИЛДИ

Шифокор қабулига кирган бемор деди:

– Доктор, уйқусизликдан жуда азоб чекаяпман.

– Унда ётишдан олдин битта олма енг ва асал аралаштирилган сут ичинг.

– Ия, бир ой олдин келганимда ётишдан олдин ҳеч нарса еманг дегандингиз-ку!

– Тўғри, лекин ўтган вақт мобайнида тиббиёт илми янада ривожланиб кетди...

КЕЙИНГИ ПАЙТДА...

– Бобонгга айт, мактабга бир келиб кетсинлар, – деди ўқитувчи ўқувчига.

– Хўп, айтаман. Аммо нега бобомни чақираяпсиз?

– Даданг билан гаплашиб қўйсин, кейинги пайтда уй вазифаларингда хатолар кўпайиб кетаяпти.

ИККИТА САВОЛ

Хусусий тиббиёт клиникасидаги шифокор ҳузурига кирган бемор сўради:

– Доктор, сизларда маслаҳат бериш нархи қанча?

– Иккита жавобга йигирма доллар. Энди иккинчи саволингизни беринг!

ЗЎР МАҚОЛА

– Газетада юз ёшгача яшаш учун нималар қилиш кераклиги ҳақида зўр мақола чиқибди, – деди эр хотинига.

– О-о, шунақами! Қани беринг-чи, мен ҳам ўқиб кўрай.

– Ҳа-о, икки дунёда ҳам бермайман.

С. ПЎЛАТОВ тайёрлаган.

Гиннесс китоби рекордлари

Рио-де-Жанейрода дунёда энг катта сузувчи Рождество арчаси ўз чироқларини ёқди. Арча шаҳарининг жанубий қисмидаги Лагоа кўлида ўн битта понтон устига ўрнатилиб, у оғирлиги 530 тонна бўлган пўлат конструкциялардан қурилди. Унинг баландлиги 85 метр.

Украинанинг Луцк шаҳрида ёғ шинавандаларининг «Ёғга... Муҳаббат билан» номли IV чемпионати бўлиб ўтди. Чемпионат дастуридан «Энг оғир вазнли иштирокчи», «Ёғни тез ва кўп ейиш» бўйича танловлар ва энг асосийси «Ёғдан тайёрланган энг катта бутерброд» бўйича янги жаҳон рекорди ўрнатиш маросими ўрин олди.

Россияда «Бир маркадаги машиналарнинг энг узун колоннаси» номинациясн бўйича янги авторекорд қайд этилди. Kia Ceed русумидаги 354 автомобилдан иборат бўлган ушбу рекорд Тушино аэродромида ўрнатилди.

ДУНЁ НАФАСИ

ЭНГ ХАРИДОРГИР КИТОБ



Таниқли япон ёзувчиси Харуки Муракаминиг «1Q84» номли икки томли янги романи Япония маданий ҳаётида шов-шувга сабаб бўлди ва «Йилнинг энг харидоргир китоби» деб тан олинди. Мазкур китоб чоп этилган нусхалар бўйича (3,23 млн) биринчи ўринга сазовор бўлди, деб хабар қилади ИТАР-ТАСС Tohan Co нашриёт фирмаси маълумотига таянган ҳолда. «1Q84»нинг рекорди шуниси билан ҳам муҳимки, ушбу китоб 1990 йилдан буён Японияда «энг харидоргир китоб» мақомига эга бўлган биринчи бадиий асар бўлди. Бунгача биринчи ўринга турли маълумотномалар, мемуарлар, ҳужжатли адабиётлар сазовор бўлиб келган эди.

ЧЕКИШ УЙДА ҲАМ ТАҚИҚЛАНАДИ

Нью-Йоркда чекишга қарши кураш ҳаракати шундай тезлашиб бораяптики, эндиликда чекувчилар учун сигарета билан тинчгина «ҳузур» олиш мумкин бўлган жойлар янада камаймоқда. Ресторанлар, барлар, жамоатчилик пляжлари ва хиёбонларда чекишни чегаралаш борасидаги уринишлардан сўнг энди Нью-Йоркда турар жойларда чекишни тақиқлаш ҳаракати авж олмоқда, деб ёзади ZagranHouse газетаси The New York Times маълумотига таянган ҳолда.

Нью-Йоркдаги кўплаб уй эгалари ўз уйларида чекишни умуман тақиқламоқдалар ва ижарага олувчиларни ушбу тақиқ бузилган ҳолда уйдан чиқариб юборилишлари ҳақида огоҳлантирмоқдалар.

ҲОЗИРЧА ТУШУНМОВЧИЛИКЛАР ЮЗАГА КЕЛМОҚДА

Польша пойтахтидаги жамоатчилик транспортларида уяли телефонлардан фойдаланиш тақиқланди. Қоида бузувчиларни ярим йўлдаёқ транспортдан тушириб юборишгача бўлган жиддий жазо кутади.

Варшава автобуслари ҳайдовчиларининг уяли телефонлар орқали гаплашиб кетаётган йўловчилар билан можаролари кўпайиб кетди. Улар амалдорлар билан ҳамкорликда шаҳарликлар ва сайёҳларни яхши одатларга ўргатишга ҳаракат қилмоқдалар, деб хабар қилади BaltInfo.ru Польшанинг Zycie Warszawy газетасига таянган ҳолда.

Ҳайдовчилар автобус салонларига устидан чизиқ тортилган уяли телефон кўринишидаги огоҳлантирувчи белгиларни ўрнатмоқдалар. Бундай белгилар яқинда пайдо бўлди ва ҳозирча йўловчилар норозилигига сабаб бўлмоқда. Кишилар нима учун уяли телефонда гаплашиш тақиқланганини тушуна олмаяптилар. Шаҳар маъмурлари эса телефон суҳбатлари ҳайдовчилар ва йўловчиларга ҳалал бераётгани учун бу қонунга зарурат туғилганини таъкидлашмоқда.

КОМПАНИЯ МАЪЛУМОТ БЕРМАГАН БЎЛСА-ДА...

Apple планшет компьютери ҳақида янги тафсилотлар пайдо бўлди. Яъни ушбу компьютернинг нархи қиммат бўлмайди. Ferra.ru маълум қилишича, Diggnation шоусининг сўнгги сонида уни олиб борувчи Алекс Албречт йўлланган илтимосларга жавобан Apple планшетининг кўпчилик кутганидан анча арзон бўлишини эълон қилган. Алекснинг айтишича, ушбу қурилманинг нархи бунчалик паст бўлишини эшитганида ўзи ҳам лол қолган. Аммо журналист жиддий гапирдими ёки ҳазил қилдими – бу ҳозирча жуда ҳам тушунарли эмас. Apple планшет компьютери ишлаб чиқарилиши ҳақидаги гапсўзлар пайдо бўлганига бир неча ой бўлган бўлса-да, компания расмий равишда у ҳақда ҳозирча ҳеч қандай маълумотлар бермаган. Бошқа миш-мишларга кўра, Apple планшет компьютери 2010 йилнинг биринчи чорагида ёки бироз кейинроқ пайдо бўлиши мумкин.

ЭКОЛОГИК ХАВФСИЗ ГОЛЬФМОБИЛЛАР

Москва шаҳри маъмурлари шаҳар учун электр токида ишловчи экологик хавфсиз гольфмобиль ишлаб чиқиш ҳақида топшириқ бердилар. Келажакда Россия пойтахтида шунга ўхшаш рейсли автобуслар ҳаракати ҳам йўлга қўйилиши мумкин.

Электродвигатель ғилдирак ичига жойлаштирилган «мотор-ғилдирак» технологияси асосида яратилажак гольфмобиль шу йил охиридаёқ ёки келаси йил бошида жамоатчиликка намойиш этилиши мумкин. 2010 йил охирига бориб Москвада ушбу технология бўйича микроавтобус, 2011 йил ўртаси-охиригача эса шаҳар транспортининг рейсли автобуси яратилиши режалаштирилмоқда. 2010 йил охиригача Москвада эфир мойида ишловчи гольфмобиллар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш кўзда тутилмоқда. Улардан хиёбонлар ва тарихий мажмуаларда фойдаланиш мўлжалланмоқда.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

САЙЁРАМИЗ САДОСИ

САЙЁРАМИЗ САДОСИ САЙЁРАМИЗ САДОСИ САЙЁРАМИЗ САДОСИ САЙЁРАМИЗ

Шимолий Кореяда пул ислоҳоти

Шимолий Кореяда нақд пул муомаласи бутунлай тўхтатилди, барча савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, жамоат транспорти фаолияти ҳам тўхтатилган. Фақат хорижий фуқароларга хизмат кўрсатувчи ва хорижий валюта билан савдо қилиш ҳуқуқи берилган бир неча дўкон ва ресторанлар ўз фаолиятини давом эттирмоқда. Британиянинг «The Times» газетаси хабарига кўра, бунга мамлакатда пул ислоҳоти ўтказилаётгани сабаб бўлди. КХДР ҳукумати бу борадаги қарорни 30 ноябрда эълон қилган ва бу тадбир декабрь ойининг дастлабки ҳафтасидаёқ ўтказиб бўлиниши режалаштирилган.

Қуръа ташлаш маросими бўлиб ўтди

Жанубий Африканинг Кейптаун шаҳрида 2010 йилда мазкур мамлакатда бўлиб ўтадиган футбол бўйича навбатдаги жаҳон чемпионати финал босқичига қуръа ташлаш маросими бўлиб ўтди. Қуръа натижаларига кўра, чемпионатда иштирок этувчи 32 жамоа саккиз гуруҳга бўлинди. Тантанали маросимни Жанубий африкалик актриса Шарлиз Терон ва ФИФА бош котиби Жером Вальке ўтказди. Уларга эфиопиялик таниқли стайер Хайле Гебреселласси ва футбол юлдузи Давид Бекхэм ёрдам беришди. Маросимда 3000 га яқин хорижий меҳмонлар иштирок этди.

Шикоят рад этилди

Кўпчилик австралияликлар мазкур мамлакат гербида тасвирланган ҳайвонлар – кенгуру ва туяқуш гўшти таъмини берувчи янги чипслар пайдо бўлганидан жиддий хавотирга тушганлар, деб хабар беради Reuters агентлиги. Австралиянинг реклама стандартлари бюроси «BBQ Coat of Arms» чипслари Яшил китъанинг ёввойи табиатига зарар келтириши ва болаларда нотўғри фикрлар уйғотиши мумкинлиги ҳақида шикоят хати олган. Аммо реклама стандартлари бюроси кенгаши чипсларни ишлаб чиқарувчи компания ҳаракатида ҳеч қандай қоида бузилишларига йўл қўйилмаганини таъкидлаб, шикоят рад этилишини билдирган.

Креслоларнинг чидамсизлиги ҳам сабаб бўлган

Транспорт соҳасидаги назорат федерал хизмати (Ространснадзор) «Россия темир йўллари» компаниясига яқинда ҳалокатга учраган «Нева экспресси» поезди таркибида бўлган «61-4192» моделидаги вагонлардан фойдаланишни тўхтатиб туриш ҳақида кўрсатма берди. ОАВ хабарларида айтилишича, бунга ушбу вагонларга ўрнатилган Германияда алюминийдан ишлаб чиқарилган қулай, аммо чидамсиз креслоларда ўтириб кетаётган кўпчилик йўловчиларнинг ҳалок бўлгани ёки жиддий жароҳатлар олгани ҳақидаги суд тиббий экспертизасининг маълумотлари ҳам сабаб бўлган.

Ислоҳотларни давом эттириш таклиф этилди

НАТО навбатдаги собиқ Югославия республикаси – Черногорияга ушбу ташкилотга аъзо бўлиш ҳаракатлари режасини тақдим этди. Бу техник ҳужжат бўлиб, унинг асосида номзод мамлакатлар Альянсга қабул қилиниш арафасидаги тайёргарликни амалга оширадилар. Бу борадаги тегишли қарор НАТО давлатлари ташқи ишлар вазирлари томонидан Брюсселда қабул қилинди, деб хабар беради ИТАР-ТАСС. Ён қўшниси билан биргаликда ана шундай режани олишга умид қилиб келган Босния ва Герцеговинага эса «ислоҳотлар дастурини давом эттириш» таклиф этилган. Бунга ушбу Болқон мамлакатидаги ички сиёсий вазиятнинг беқарорлиги сабаб бўлган.

95 фоиз ҳудуд сув остида қолди

Италиянинг Венеция шаҳри жиддий сув тошқинига дучор бўлди. Шаҳарнинг катта қисми, барча тротуар ва майдонлар, ноёб шаҳарнинг бебаҳо тарихий ёдгорликлари сув билан қопланган. Мисол учун, Муқаддас Марк майдони 1,5 метр қалинликдаги сув остида қолган, деб хабар беради Tour Daily.ru агентлиги Венеция мэрияси маълумотларига таянган ҳолда. Ҳозирда шаҳар ҳудудининг 95 фоизи сув остида. Кўпчилик сайёҳлар ва шаҳарликлар отеллар ва уйларда қамалиб қолган.

(www.NEWSru.com).

САЙЛОВ

УЛАР ИЛК БОР ОВОЗ БЕРАДИЛАР

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эгадирлар. Ҳар бир сайловчи бир овозга эга. Овоз бериш ҳуқуқи, ўз хоҳиш-иродасини билдириш тенглиги ва эркинлиги қонун билан кафолатланади.

(Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, 117-модда).

Оддий аскар
Шерали ЮСУПОВ

Оддий аскар
Армон ҒОИПОВ

Оддий аскар
Улуғбек ҚЎҚОНОВ

Юртимиз мустақилликка эришган дастлабки йилларданоқ, инсонпарвар ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш, мамлакатни идора этишда халқ хоҳиш-истакларини инобатга олган ҳолда иш юритиш, жамиятни янгилаш ва демократлаштириш, фуқаролар ҳуқуқий маданиятини юксалтириш орқали уларнинг давлат бошқарувидаги иштирокини мустаҳкамлаш олий мақсадлардан бири этиб белгиланди. Конституциямизнинг 13-моддасида бу ҳақда: **"Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади.**

Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади", деб ёзилган.

Маълумки, сайлов ҳуқуқи ҳам демократиянинг асосий талабларидан. Демократик ҳуқуқий давлатни ва фуқаролик жамиятини шакллантиришда сайловнинг аҳамияти беқиёс. Сайловлар – муҳим демократик институт бўлиб, халқ хоҳиш-иродасини ифодалашнинг асосий шаклларидан биридир. Халқнинг давлат ва жамиятни бошқаришдаги иштироки, асосан, сайловлар орқали амалга оширилади. Шунингдек, мамлакатнинг жаҳон майдонидаги обрў-эътибори, нуфузи ҳам кўп жиҳатдан сайлов тизимининг очиқлиги ва демократия тамойилига асосланганлиги билан белгиланади.

Жорий йилнинг 27 декабрь куни республикамизда Олий Мажлис Қонунчилик палатасига, халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашларига сайлов бўлиб ўтишини яхши биламиз.

Шу кунларда барча ҳарбий қисм ва бўлинмаларда ушбу муҳим сиёсий жараёнга тайёргарлик ишлари изчиллик, уюшқоқлик билан амалга оширилмоқда. Таъкидлаш жоизки, сайловларни умумэътироф этган демократик тамойиллар асосида ўтказиш, бу борада ишончлилик, ошкоралик ва яширинлик мезонларининг таъминланишига катта аҳамият қаратилаётир.

Мудофаа вазирлиги тасарруфидаги ҳарбий қисм, муассасалар олий ҳарбий билим юртларида участка сайлов комиссиялари ташкил этилган. Номзодлар ва уларнинг сайловолди дастурлари, сайловчиларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари, сайловларни ўтказиш тартиблари ва йўл-йўриқларни ўзида акс эттирган кўргазмали воситалар, шунингдек, зарур ўқув адабиётлар, рисолалар орқали ҳарбий хизматчилар бўлиб ўтадиган муҳим сиёсий жараён хусусида керакли ахборотларни қўлга киритадилар. Айниқса, бу йил биринчи бор парламент сайловида иштирок этиб, овоз берадиган ёш ҳарбийлар бундай шарт-шароитлардан мамнун.

– Биринчи бор сайлаш ҳуқуқимдан фойдаланаман, – дейди муддатли ҳарбий хизмат оддий аскари Шерали Юсупов. – Олий Мажлис Қонунчилик палатасига, халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашларига сайланадиган, фуқаролар манфаатларини ҳимоя қилишга бел боғлаган номзодларга овоз беришимдан хурсандман. Ўйлайманки, бу кун мен ва тенгдош сафдошларим хотирасида бир умрга муҳрланиб қолади.

– Ҳозиргача номзодларнинг сайловолди дастурлари билан танишдик, улар билан уюштирилган давра суҳбатлари, мулоқотларда иштирок этиб, ўзимизни қизиқтирган кўплаб саволларга жавоб олдик, – дейди оддий аскар Армон Ғоипов. – Ҳарбий қисмда ташкил этилган участка сайлов комиссияларида сайловолди жараёни хусусида етарлича маълумотга эга бўляпмиз. Бундан ташқари, ҳуқуқшунослар ва мутахассислар билан ўтказилаётган тадбирлар, ижтимоий-сиёсий тайёргарлик машғулотларида устоз офицерлардан сайлов ҳақида олган сабоқларимиз ҳам бу борадаги тушунчаларимизнинг мустаҳкамланишига хизмат қилмоқда. Истиқлол тенгдоши сифатида мен ҳам бу йил сайловда биринчи марта қатнашаман. Ана шундай муҳим сиёсий жараёндаги иштирокимни интиқлик билан кутяпман.

– Наманган давлат университети қошидаги 1-академик лицейни битириш арафасида илк бор сайловда иштирок этганман, – дейди оддий аскар Улуғбек Қўқонов. – Олий Мажлис Қонунчилик палатасига, халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашларига сайловда эса илк маротаба қатнашаяпман. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, академик лицейда ҳуқуқшунослик фанидан сабоқ берган ўқитувчиларимиздан сайлов тизими, мамлакатимизда мавжуд сиёсий партиялар, уларнинг дастурлари ва қарашларидаги ўзига хосликлар билан танишганмиз. Тўғри, ўтган вақт мобайнида айрим сиёсий партиялар фаолиятида ўзгаришлар бўлган. Бу борадаги маълумотлар, умуман, яқинда ўтказиладиган сайловга оид билимларимизни бойитишимизда устоз офицерлар Д. Исроилов, О. Шерматов, А. Муқимов, Б. Улканов, сержантлар А. Элмуродов, Э. Раҳматов, Ў. Розиқовларнинг кўмаги катта бўлмоқда.

Сайлов ўтказиладиган кунга ҳам оз фурсат қолди. Аскарлар билан суҳбат асносида уларнинг ушбу муҳим жараёнга бефарқ эмаслигини, унда иштирок этиш олдидан ўзларини қизиқтирган кўплаб саволларга жавоб олишга интилишаётгани, бир сўз билан айтганда, ўзларининг конституциявий ҳуқуқларини қалб амри билан адо этишга аҳд қилишгани бизни қувонтирди. Бу эса ёшларимизнинг ҳуқуқий маданияти юксалаётганини англатади.

Абдуллоҳ НИЁЗОВ.

МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг 3 декабрь куни навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисни комиссия раиси М. Абдусаломов бошқарди.

Комиссия мажлисида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайловда халқаро ташкилотлардан қатнашадиган кузатувчиларни рўйхатга олиш масаласи кўриб чиқилди.

Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги қонунининг 6-моддасига биноан сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга доир барча тадбирларда, шунингдек, сайлов куни овоз бериш хоналарида ва овозларни санаб чиқишда депутатликка номзодлар кўрсатган сиёсий партиялардан биттадан кузатувчи, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари, бошқа давлатлар, халқаро ташкилотлар ва ҳаракатлардан кузатувчилар қатнашиш ҳуқуқига эга.

Мажлисда Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилотининг (ЕХҲТ) Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюросининг 13 кишидан иборат таркибдаги кузатувчилар миссиясини рўйхатга олиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Шунингдек, комиссия аъзолари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича Концепциянинг ижроси тўғрисидаги масалани ҳам кўриб чиқдилар.

Мажлисда Марказий сайлов комиссияси ваколатига тааллуқли бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилиб, улар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

(ЎзА).

Сайловчининг ҳуқуқи

САЙЛОВЧИЛАР РЎЙХАТИ БИЛАН ТАНИШТИРИШ ТАРТИБИ

Фуқаролар сайловчилар рўйхати билан таништириладими? Қонунда бунинг тартиби қандай белгиланган?

Сайловчиларнинг рўйхатлари сайловга ўн беш кун қолганида, Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги ваколатхоналари ҳузурида, санаторийлар ва дам олиш уйларида, касалхоналар ва бошқа стационар даволаш муассасаларида, олис ва бориш қийин бўлган ерларда тузилган сайлов участкаларида эса сайловга етти кун қолганида ҳамма танишиб чиқиши учун тақдим қилинади. Участка сайлов комиссияси рўйхат билан танишиш жойи ва вақти тўғрисида сайловчиларни хабардор этади.

Фуқароларга участка сайлов комиссияси биносида сайловчилар рўйхати билан танишиш имконияти таъминланади.

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонуннинг 33-моддаси.

Эшитишимча мавжуд қонунчилигимизда депутатликка номзодлик мақомидан маҳрум этиш белгиланган экан? Қандай ҳолларда бу татбиқ этилади?

Кичик сержант М. ЖУМАБОЕВ

Сиёсий партия у ёки бу шахсни депутатликка номзод этиб кўрсатиш тўғрисидаги ўз қарорини сайловга кечи билан беш кун қолганда бекор қилиш ҳуқуқига эга, бу шахс Марказий сайлов комиссияси томонидан депутатликка номзодлик мақомидан маҳрум этилиши мумкин. Сиёсий партия депутатликка номзодлар кўрсатиш муддати тугагунига қадар Марказий сайлов комиссиясига янги номзодни рўйхатга олиш тўғрисида таклиф киритиши мумкин.

Сиёсий партия фаолиятининг тугатилганлиги депутатликка номзодни шу партиядан сайловда иштирок этиш ҳуқуқидан маҳрум этади.

Депутатликка номзод сайловга қадар истаган вақтда номзодликдан воз кечиши мумкин. Бунинг учун у Марказий сайлов комиссиясига ариза билан мурожаат қилади.

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонуннинг 31-моддаси.

Ш. ТОЛМАСОВ тайёрлади.

ОГОҲЛИК

«Ёнғин хавфсизлиги ойлиги» машғулотларида

БОЛАЖОНЛАР БИЛИМИ ЯНАДА БОЙИТИЛДИ

Айни кунларда мамлакатимизда Вазирлар Маҳкамасининг қарорига асосан «Ёнғин хавфсизлиги ойлиги» тадбирлари кенг миқёсда давом этиб, режадаги вазифалар, ишлар юқори савияда амалга оширилмоқда.



Жумладан, Мудофаа вазирлиги тизимида ҳам бу борада қатор ишлар қилиниб, қисм ва бўлинмаларда, ҳарбий муассасаларда шахсий таркиб билан кўплаб машғулотлар олиб борилаяпти. Шунингдек, ҳарбийлар ва уларнинг оила аъзолари яшаётган ҳарбий шаҳарча, боғча ва мактабларда ҳам кенг қамровли тадбирлар ўтказилиб, тушунтириш ишлари олиб борилмоқда.

Мана шундай тадбирлардан бири Мудофаа вазирлиги тасарруфидаги болалар боғчасида ўтказилди.

– Боғчамизда ёнғин хавфсизлиги қоидалари бўйича ҳам машғулотлар ўтказиш режалаштирилган, – дейди боғча мудираси Муқаддас Аҳмедова. – Нафақат ойлик давомида, балки йил мобайнида болажонларга ёнғин хавфсизлиги қоидаларини ўргатиб борамиз. Шунингдек, боғчамизда ёнғин хавфсизлиги бурчаги ташкил қилинган бўлиб, барча зарурий жиҳоз ва воситалар билан бутланган. Бугунги тадбир давомида болажонлар ёнғин келтириб чиқариши мумкин бўлган кўнгилсиз ҳодисалар, уларнинг олдини олиш, бефарқ бўлмаслик, ёнғин содир бўлганда қандай ҳаракат қилиш лозимлиги тўғрисида мутахассислар томонидан ўтказилган назарий ва амалий машғулотлардан янада кўп нарсаларни билиб олишди.

Тошкент гарнизони ёнғинга қарши курашиш ва қутқариш ишлари бўлими мутахассислари томонидан ўтказилган мазкур машғулотда боғча тарбияланувчи ва тарбиячилари фаол иштирок этишиб, ёнғин келиб чиқишининг олдини олиш, уни бартараф қилишда биринчи навбатда қилинадиган ишлар, фуқаро хавфсизлиги каби вазифалар бўйича янада кенг тушунчаларга эга бўлишди.

...Электр токидаги носозлик туфайли ёнғин келиб чиқди. Боғча маъмурияти ходимлари тезда «01»га қўнғироқ қилишиб, болаларни хавфсиз жойга кўчиришни бошлашди. Дарҳол етиб келган ёнғин хавфсизлиги ходимлари ҳам икки гуруҳга бўлиниб, ёнғинни бартараф этишга киришишди. Биринчи гуруҳ юқори қаватдаги болаларни махсус кўтарма машина орқали хавфсиз жойга олиб ўтишди. Бу пайтда иккинчи гуруҳ ёнғинни бартараф қилиш билан шуғулланди. Тезкор ва аниқ ҳаракатлар туфайли болалар хавфсиз жойга кўчирилди, боғча биноси ҳам жиддий зарар кўрмади.

Гарнизон ёнғинга қарши курашиш ва қутқариш ишлари бўлими бошлиғи майор Темур Ачилов шартли равишда ташкил этилган ёнғин жараёнида боғча ходимлари аниқ ҳаракат қилишганини алоҳида таъкидлади.

Ўқув машғулотидан сўнг, офицер Т.Ачилов боғча тарбиячилари билан ёнғин хавфсизлиги қоидалари бўйича алоҳида тайёргарлик машғулотини олиб борди. У энг аввало ёнғиннинг олдини олиш чора-тадбирларини янада кучайтириш лозимлигини, айниқса, қиш фаслида бундайин ҳолатларга жиддий эътибор қаратиш шартлигини айтиб, тарбиячиларга зарурий кўрсатмалар берди.

– Бугунги машғулотлардан кўп нарсани ўргандик, – дейди боғча тарбиячиси Зарина Жаҳонгирова. – Айниқса, ёнғин содир бўлганда болаларни хавфсиз жойга кўчириш бўйича ўтказилган амалий ўқув машғулоти менда катта таассурот қолдириб, бундайин вазиятда қандай ҳаракат қилиш лозимлигини аниқ билиб олдим.

Боғча тарбияланувчилари билан гарнизон ёнғинга қарши курашиш ва қутқариш ишлари бўлими катта йўриқчиси сержант Мурод Матсафоев машғулот олиб бориб, кўргазмали воситалар орқали болажонларга ёнғин хавфсизлиги қоидаларини пухта тушунтирди.

– Болажонларимизга бугунги машғулотлар жуда манзур бўлди, – дейди боғча тарбиячиси Гулсара Муҳаммедова. – Улар боғчада ҳам, уйда ҳам ёнғин хавфсизлиги қоидаларига жиддий амал қилиш, ёнғин келиб чиқишининг олдини олиш, уни бартараф қилиш бўйича билимга эга бўлишди.

Дарҳақиқат, бундайин машғулотларнинг доимий равишда ўтказилиб борилиши ёнғин хавфсизлигини таъминлашдек эзгу ишларга мустаҳкам замин яратади. Шуни ҳеч қачон унутмаслигимиз лозимки, ёнғин хавфсизлиги қоидаларига қатъий амал қилиб, газ, электр жиҳозларини тўғри ишлатсак, содир бўлиши мумкин бўлган кўнгилсиз ҳодисаларнинг олдини олган, ўз хавфсизлигимизни таъминлаган бўламиз.

Кичик сержант Аҳрор ОЧИЛОВ,
«Ватанпарвар» мухбири.

МАШҒУЛОТ ҚИЗИҚАРЛИ КЕЧДИ

Маълумки, Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорига мувофиқ юртимизда 23 ноябрда бошланган «Ёнғин хавфсизлиги ойлиги» 23 декабрга қадар давом этади. Нукус шаҳридаги Мудофаа вазирлигига қарашли умумтаълим мактабида гарнизон ёнғинга қарши кураш ва қутқариш ишлари, ИИВ шаҳар ёнғин хавфсизлиги хизматлари ва фавқулодда вазиятлар бошқармаси билан ҳамкорликда ташкил этилган тадбир ҳам ушбу ойлик доирасида ўтказилди.

Мактаб ўқувчиларининг ёнғин хавфсизлиги борасидаги билимларини оширишга қаратилган саъй-ҳаракатлар ўқув машғулоти тарзида амалга оширилди.

Тадбир аввалида ўқувчиларга ёнғин содир бўлишига олиб келувчи сабаблар ва уларни бартараф этиш йўллари, бирламчи ўт ўчириш воситалари ва уларни қўллаш қоидалари, ёнғин пайтидаги эвакуация йўллари ва тўғри ҳаракатланиш тартиби тўғрисида маълумотлар берилди. Сўнгра, пиратехника воситалари ва уларни қўллашнинг салбий оқибатлари хусусида ҳикоя қилувчи видеофильм намойиш этилди.

Тадбирнинг якуний қисмида амалий машғулот бажарилиб, мактабда шартли равишда ёнғин содир бўлганлиги эълон қилинди. Ўғил-қизларнинг шартли ёнғин жараёнидаги ҳаракатланиши кузатилиб, йўл қўйилган камчиликлар таҳлил этилди.

– Тадбирнинг ўқув қўлланмалари ва кўргазмали воситалардан унумли фойдаланган ҳолда ўтказилиши, амалий машғулотда эса назарий билимларнинг мустаҳкамланиши унинг таъсирчанлигини, самарасини янада оширди, – дейди ўқув маскани директори Луиза Утегенова. – Ёнғин содир бўлишининг олдини олиш учун нафақат соҳа мутахассислари ёки биз – катталар, балки ҳар ким масъул эканлигини ўқувчиларга тушунтириш, уларда жавобгарлик ва масъулият ҳиссини шакллантириш, ёнатрофдаги воқеа-ҳодисаларга бефарқ бўлмасликка ўргатиш ўқув машғулотининг асосий мақсадидир. Ўйлайманки, ҳамкорликда ўтказилувчи бундай тадбирлар барчамизни ҳушёрликка чорлайди, кўнгилсиз ҳодисаларнинг олдини олишда ёрдам беради.

Капитан Жаҳонгир ЖУМАНАЗАРОВ,
гарнизон ёнғин хавфсизлиги нозири.

Месячник пожарной безопасности

ЗА ПОЖАРНУЮ БЕЗОПАСНОСТЬ

Месячник пожарной безопасности, который ежегодно проводится в соответствии с распоряжением Кабинета Министров Республики Узбекистан, способствует предотвращению случаев возгорания, повышению знаний населения о пожарной безопасности.

В рамка месячника, начавшегося 23 ноября текущего года, соответствующие мероприятия проводятся и в Хорезмской области. О проводимой работе корреспонденту УзА рассказал начальник управления пожарной безопасности областного управления внутренних дел полковник Рустам ОТАЖОНОВ:

– Не секрет, что случаи возгорания учащаются в осенне-зимний период и накануне новогодних праздников. В связи с этим обращается большое внимание на налажейную работу газового и электрического оборудования и других установок. В ходе месячника пожарной безопасности специалистами сферы проводится тщательная проверка по каждому случаю возгорания. Предпринимаются конкретные меры в отношении должностных лиц, допускающих ошибки и недостатки.

Работники управления проводят масштабную пропагандистскую и разъяснительную работу в жилых массивах, предприятиях, учебных учреждениях, рынках, махаллях и других общественных местах.

В течение 11 месяцев текущего года работниками областной службы пожарной безопасности проверено противопожарное состояние более 3,5 тысячи предприятий, организаций, учебных учреждений, пунктов общественного питания и торговли, почти 725 тысяч жилых домов. Более чем на 14 миллионов сумов оштрафованы 1365 руководителей, ответственных лиц и граждан, нарушивших правила пожарной безопасности и не соблюдавших соответствующие указания. Временно приостановлена деятельность 583 предприятий, сооружений и зданий, в которых выявлена возможность возникновения пожара. В областной, городской и районный хокимияты направлены письма, справки и рекомендации по устранению имеющихся недостатков.

Основной причиной пожаров зачастую являются невнимательность и равнодушие граждан. И потому каждый человек обязан полностью соблюдать правила пожарной безопасности, что призвано способствовать предотвращению подобных бедствий.

Ш. ХУДОЙБЕРГАНОВ,
корр.УзА.

ТАРАҚҚИЁТ

Инқирозга қарши чоралар дастури – амалда

ТЕЖАМКОРЛИК – ФАРОВОНЛИК ОМИЛИ

Президентимиз Ислом Каримов томонидан ишлаб чиқилган ва изчиллик билан амалга оширилаётган Инқирозга қарши чоралар дастурида электрэнергетика тизимини модернизация қилиш, энергия истеъмолини камайтириш ва тежамкорликнинг самарали тизимини жорий этиш борасида муҳим вазифалар белгиланган. Зеро, иқтисодиётимизнинг рақобатдошлигини янада кучайтириш, аҳоли фаровонлигини юксалтиришда мавжуд ресурслардан, биринчи навбатда, электр энергияси ва энергия ресурсларидан оқилона фойдаланиш муҳим ўрин тутади.

"Ўздавэнергоназорат" инспекцияси бошлиғи Аббосхон НЕЪМАТУЛЛАЕВ ЎзА мухбирига ушбу йўналишда амалга оширилаётган ишлар ҳақида қуйидагиларни сўзлаб берди:

– Турмушда зарур неъматлардан тежамкорлик билан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга, – дейди А. Неъматуллаев. – Бунга, аввало, ресурсларнинг амалдаги сарфини камайтириш ҳисобига эришиш лозим. Бу масала давлатимиз ва ҳукуматимизнинг доимий эътиборида бўлиб, айни шу мақсадга қаратилган зарур чора-тадбирлар белгилаб берилган.

Инспекциямиз зиммасига мазкур йўналишда қўйилган вазифалар босқичма-босқич бажариб келинмоқда. Жумладан, саноат корхоналари ва тадбиркорлик субъектларида электр ва иссиқлик энергиясини тежашга қаратилган кўплаб чоралар кўрилаётгани ўз натижасини бераётир. Мисол учун, "Ўзнефтгазқазибчиқариш" акциядорлик компаниясининг "Шўртан газ кимё мажмуаси" унитар шўъба корхонасида бундай тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида жорий йилнинг тўққиз ойи давомида 2,5 миллион квт. соат электр энергияси ва 33,0 минг Гкал. иссиқлик энергияси тежалди.

Тежалган электр ва иссиқлик энергиясининг аксарияти технологик жараёнларда амалга оширилган тадбирлар, кам энергия истеъмол қилувчи ускуналардан, технологияни такомиллаштириш, иккиламчи энергия ресурсларидан фойдаланиш ҳисобига тўғри келаётир. Кўпгина корхоналарда янги технологияларни жорий қилиш, ускуналарни модернизация ва реконструкция қилиш ишлари амалга оширилмоқда. Мамлакатимиздаги кўплаб пахта тозалаш заводларида айни шундай талаблар асосида бажарилган реконструкция ва модернизация ишлари натижасида сарфланаётган электр энергияси ҳажми анча камайди.

Янгидан-янги энергоблоклар ишга туширилгани нисбатан узоқ ҳудудларимизга узатилаётган электр энергия миқдорини қисқартириш, электр тармоқларидаги техник йўқотишларни камайтириш имконини бераётир. Таллимаржон иссиқлик электр станцияси ҳамда "Суғдиёна" подстанцияси ишга туширилиши муносабати билан электр энергияни энерготизимнинг Тошкент қисмидан Самарқанд, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларига узатиш зарурияти барҳам берилди. Натижада янги магистрал электр тармоқларида йилига 500 миллион квт.соатгача техник йўқотиш камайишига олиб келди. Фарғона водийсида электр таъминотини янада яхшилаш мақсадида "Ўзбекистон" подстанциясининг қурилиши битказилиб, "Янги Ангрен" иссиқлик электр станциясига уланди. Бу электр энергиясини узатишдаги техник сарфни йилига 200 миллион квт.соатгача камайтириш имконини беради. Бундай самарали ишларга яна кўплаб мисоллар келтириш мумкин.

Бундан ташқари, энерготизим объектларида янги технологияларни жорий этиш эвазига табиий ёқилғини иқтисод қилишга қаратилган модернизация ишлари ҳам изчил бажарилмоқда. Жумладан, иссиқлик электр станцияларида замонавий парогаз қурилмасининг (ПГУ) ўрнатилиши миллионлаб куб метр табиий газни тежашга хизмат қилади.

Кўрилаётган бу каби чора-тадбирлар ўз самараларини бермоқда. Жорий йилнинг ўтган даврида мамлакатимиз бўйича 24,4 миллион квт.соат электр энергияси ва 141,4 минг Гкал. иссиқлик энергияси тежалгани бунинг далилидир.

Энергетика тизими барқарорлигини таъминлаш мақсадида соҳага оид қонунчиликнинг бугунги кун талабидан келиб чиқиб такомиллаштирилгани электр энергиясини ишлаб чиқариш, узатиш, тақсимлаш, сотиш ва истеъмол қилишда хўжалик алоқаларига бозор тамойиллари ва механизмларини жорий этишни чуқурлаштириш имконини бермоқда.

Жорий йилда қабул қилинган "Электр энергетикаси тўғрисида"ги қонун муҳим аҳамиятга эга. Ушбу қонунда электр энергетикаси соҳасида давлат сиёсатининг асосий йўналишлари белгилаб берилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 5 июнда қабул қилинган "Электр энергияси истеъмолини ҳисобга олиш ва назорат қилиш тизимини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори электр ёки иссиқлик энергиясидан оқилона фойдаланишда тармоқларга уланиш, энергияни ҳисоблаш ва сарфланган энергия учун ҳисоб-китоб қилишда шартномавий-ҳуқуқий муносабатларни янада такомиллаштиришга хизмат қилмоқда. Ушбу ҳужжатга кўра, 2009–2011 йиллар мобайнида "Ўзбекэнерго" давлат акциядорлик компанияси тармоқлари ва республикамиздаги барча электр энергияси истеъмолчилари замонавий, электр энергияси истеъмолини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизими билан боғланган электрон ҳисоблагичлар билан жиҳозланади. Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 4 июлда қабул қилинган "Хусусий операторлар фаолиятини ташкил этиш ва электр энергияси учун ўз вақтида ҳақ тўлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори эса электр энергетикаси соҳасида бозор иқтисодиётини янада чуқурлаштиришга йўналтирилган. Ушбу қарор билан Тошкент шаҳрининг Бектемир, Сергели ва Собир Раҳимов туманларида тажриба тариқасида электр энергияси учун истеъмолчилардан тўловларни йиғиш фаолияти хусусий операторларга топширилди. Ушбу тизим самарадорлиги ҳисобга олиниб, уни мамлакатимиз бўйича татбиқ этиш белгиланган ва бу йўналишда зарур ишлар амалга оширилмоқда.

Мазкур қонун ва қоидаларга қарамай, айрим шахслар томонидан электр ёки иссиқлик энергиясидан ноқонуний фойдаланиш, электр ва иссиқлик ускуналарини тармоқларга ўзбошимчалик билан улаш ҳолатлари кузатилмоқда. Бу билан электр ёки иссиқлик энергиясидан фойдаланувчи бошқа истеъмолчиларнинг, шунингдек, электр ёки иссиқлик энергиясига оид фаолиятни амалга оширувчи ва тартибга солувчи корхоналарнинг қонуний манфаатлари бузилмоқда. Бундай қонунбузарликларни камайтириш ва уларга чек қўйиш мақсадида 2009 йил 16 сентябрдан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси ва Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг тегишли моддаларига ўзгартишлар киритишга оид қонун кучга кирди. Ушбу қонун мамлакатимиз энергетика хавфсизлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга бўлган электр ва иссиқлик тармоқларига ўзбошимчалик билан уланиш каби ижтимоий хавфли, қонун билан тақиқланган қилмишларнинг олдини олиш ва бундай қилмишларни содир этган айбдор шахсларга нисбатан жавобгарликнинг муқаррарлигини таъминлашга хизмат қилади.

"Ўздавэнергоназорат" инспекцияси электр энергияси, иссиқлик энергиясининг самарали ишлаб чиқарилиши, узатилиши, оқилона истеъмол қилиниши ва кўмирдан фойдаланиш устидан давлат назоратини амалга оширади. Хусусан, юридик шахслар томонидан энергияни тежаб ишлатиш, бу жараёнда қонунларга риоя этилишини ўрганиш учун мунтазам мониторинглар олиб борилмоқда. Жорий йилнинг тўққиз ойи давомида назорат тартибида мингдан зиёд текширув ўтказилди. Натижада хўжалик юритувчи субъектларда 341 ҳуқуқбузарлик ҳолатлари аниқланиб, улардан 276 тасига нисбатан 53,6 миллион сўмлик жазо чоралари қўлланилди.

Мисол учун, Андижон вилоятининг Олтинкўл туманидаги Сув-оқава ишлаб чиқариш корхонасида, Фарғона вилояти Марғилон шаҳар "Ўзбек-турк-тўёна", Наманган шаҳридаги "Истиқлол–2000" масъулияти чекланган жамиятларида, Тошкент шаҳридаги "Енгил металл қурилмалари заводи" очиқ акциядорлик жамиятида ўтказилган текширишларда электр ускуналарининг техник ҳолати қониқарсизлиги, электр энергиясидан самарасиз фойдаланилаётгани маълум бўлди. Тошкент шаҳрида фаолият юритаётган "NVA" хусусий корхонаси, "Ширин кулча" масъулияти чекланган жамиятида ҳам шундай ҳолатларга дуч келинди. Афсуски, бу рўйхатни яна давом эттириш мумкин. Аниқланган бу каби камчиликларни бартараф этиш чоралари кўрилмоқда.

Мамлакатимизда электр энергетикаси соҳасида барча имкониятларни ишга солган ҳолда қатъий тежамкорлик тизимини яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу нафақат ресурсларни тежаш, балки шунинг ҳисобидан товарлар, хизматларнинг нархини пасайтириш, иқтисодиётимизнинг янада юксалиши ва халқимиз фаровонлигининг ошишига хизмат қилади.

ЎзА мухбири
Норгул АБДУРАИМОВА
суҳбатлашди.

2009 йил – Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили

КАСАНАЧИЛИК РИВОЖЛАНМОҚДА

Касаначиликни ривожлантириш Навоий вилоятининг энг олис қишлоқларида ҳам аҳоли бандлигини таъминлашнинг энг қулай ва самарали усули бўлиб хизмат қилаётир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 5 январда қабул қилинган «Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони бу борада алоҳида аҳамият касб этаётир.

«Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» давлат дастури доирасида туманларда кўплаб ишлаб чиқариш, қайта ишлаш ва маиший хизмат кўрсатиш корхоналари ташкил этилди. Натижада йил бошидан буён қарийб тўрт минг киши касаначилик асосида иш билан таъминланди.

Бу борада Қизилтепа туманида ҳам муайян ишлар амалга оширилмоқда. Жорий йилнинг ўтган даврида туманда беш мингдан ортиқ янги иш ўрни яратилди. Жумладан 402 нафар киши касаначилар сафига қўшилди.

– «Қизилтепа пахта тозалаш заводи», «Ун заводи», «Темурбек қурилиш сервис», «Шарқ қурилиш сервис», «Бинокор ғиштчи», «Файзли йўл сервис», «Моҳинур мебел» сингари элликдан ортиқ корхонада ишлаб чиқариш қувватининг ошиши эвазига касаначилар сафи кенгайиб бормоқда, – дейди Қизилтепа туман бандликка кўмаклашиш маркази директори Мурод Рўзиев. – Шунингдек, касаначилик асосидаги иш ўринларини кўпайтиришда жорий йилда ташкил этилган бир нечта хусусий корхоналар ва фермер хўжаликларининг ҳам ҳиссаси катта бўлмоқда.

Ёркул УМАР,
ЎзА мухбири.

МАЪНАВИЯТ

ФАРҒОНАДА КИТОБЛАР КЎРГАЗМАСИ

Фарғона шаҳрида 2010-2011 ўқув йилида умумтаълим мактаблари учун мўлжалланган дарсликлар ва ўқув-услубий қўлланмаларнинг ихтисослаштирилган кўргазма-ярмаркаси ва «Китоб байрами» бошланди.

Мамлакатимизда ёш авлодни маънавий баркамол этиб тарбиялаш, илм олиши учун етарли шароит яратиш борасида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2006 йил 31 майда қабул қилинган "Умумтаълим мактаблари ўқувчиларини дарсликлар билан таъминлаш тизимини такомиллаштириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори бунда муҳим омил бўлмоқда.

Кўргазма-ярмаркада "Ўзбекистон", "Ўқитувчи", Чўлпон ва Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа уйлари, "Ўзбекистон Миллий энциклопедияси" томонидан чоп этилган 171 номдаги дарслик, қўлланма ва бадиий адабиётлар намойиш этилмоқда.

– Ёшларда китобга меҳрни кучайтиришда бундай тадбирларнинг аҳамияти катта, – дейди Фарғона вилояти халқ таълими бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Нодиржон Аҳмедов. – Ўқитувчиларни, китобхонларни янги дарсликлар билан таништириш, уларнинг бу борадаги фикр-мулоҳазаларини, таклифларини билиш таълим сифати ва самарадорлигини оширади.

"Китоб байрами" доирасида шоир ва ёзувчилар, ноширлар билан учрашувлар бўлиб ўтади.

М. СУЛАЙМОНОВ,
ЎзА мухбири.

«КОНСТИТУЦИЯ САБОҚЛАРИ»

Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Марказий кенгашида «Конституция сабоқлари» мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди. Тадбирда ташкилотнинг Марказий кенгаши, Тошкент шаҳар ва вилоят кенгашлари фаоллари, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этдилар.

Тадбирда Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг сиёсий шарҳловчиси Қ. Каримбеков сўзга чиқиб, мавзу юзасидан маъруза қилди. Маърузада мамлакатимизда мустақиллик йилларида барча соҳаларда олиб борилган ислоҳотлар ва уларнинг самаралари, ҳуқуқий демократик давлат, кучли фуқаролик жамиятининг барпо этилиши, инсон манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликларининг олий қадрият сифатида қарор топишда, жамиятни демократлаштириш ва мамлакатни модернизация қилиш борасида эришилган ютуқларнинг барчасини Конституциямиз кафолатлаб бераётганини таъкидлаб ўтди.

Шунингдек, Конституцияда Ўзбекистонда давлат ва жамият қурилишининг асосий принциплари аниқ ва равшан ифодалаб берилганлиги, унда халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этган меъёрларига уйғун равишда инсоннинг шахсий ҳуқуқ ва эркинликлари, сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий ҳуқуқлари алоҳида бобларда моддалар билан мустаҳкамлаб қўйилганлиги эътироф этилди.

Гулнора МУРОДОВА.

10 декабрь – Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси қабул қилинган кун

ОЗОД ЭЛНИНГ ЎЛМАС НАВОСИ

Дунёда қўшиқлар кўп. Муҳаббат қўшиқлари, оналар куйлайдиган қўшиқлар, дўстликни мадҳ этувчи қўшиқлар... Аммо яна бир қўшиқ борки, у янграганида миллатнинг катта-ю кичиги оёққа қалқийди, қалбимиз ғурур-ла ура бошлайди, қадимизни янада баландроқ тута бошлаймиз. Ҳа, сиз адашмадингиз. Бу ўзбек деган улуғ миллатнинг ўлмас навоси – Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳиясидир.

1992 йилнинг 10 декабрида Олий Кенгашнинг ўн биринчи сессиясида «Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси тўғрисида»ги Қонун қабул қилинди. Қутлуғ санага бу йил ўн етти йил тўлди. Ўн етти йилки, истиқлол қўшиғи – миллат қўшиғи ҳар бир янги кун аввалида юртимиз бўйлаб янграйди, расмий анжуманларда, халқаро спорт майдонларида қалбларимизни тўлқинлантириб жаранглаб келяпти. Ўн етти йилки, уни қўллари кўксида тингловчи, буюк келажак эгаси бўлган баркамол ёш авлод шаклланди. «Миллий тимсоллар ва рамзларнинг ҳар бири миллий ғуруримизни юксалтиришга хизмат қилади. Уларнинг ҳар бири – катта бир дарслик, кучли тарбия воситасидир», деган эдилар Юртбошимиз.

Ҳа, миллатнинг эрк қўшиғи, ўлмас наволари остида она Ватан ҳимоясига бел боғлаган юрт ўғлонлари садоқат баётини айтадилар. Озодлик қўшиғининг ҳаётбахш наволари Ҳарбий қасамёд қабул қилаётган ўғлон қалбини энг олижаноб туйғу – ватанпарварлик туйғулари билан тўлдиради. Зеро, бу она Ватан даъвати, она Ватан чорлови бўлиб ёш қалбларга қуйилади!

– Ҳар гал Давлат мадҳиямизни тинглаётганимда юрагимда таърифсиз ғурур ҳиссини сезаман, – дейди Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юртининг курсанти Файзулло Абдуллаев. – Буни сўз билан тушунтириб бера олмайман. Бу мен учун гўё она Ватаннинг юраклар тубига етиб борувчи даъватига ўхшайди.

Мадҳия матнининг муаллифи, қаҳрамон шоиримиз Абдулла Орипов шундай деган эдилар: «Янги авлодлар янги мадҳияни хотираларининг тоза варақларига ёзиб олғусидир. Зеро, Давлат мадҳиямизнинг оҳангги мусиқа асари сифатида жаҳон давлатлари мадҳиялари орасида энг ноёбларидан бири ҳисобланади. Давлатимиз мадҳияси расман қабул қилингач, унинг сўзи менинг тасарруфимдан чиқиб кетди. Энди мен унинг ҳузурида оддий бир фуқароман, холос».

Мамлакатимизда истиқлолнинг хуш насимлари эса бошлаганига ҳам ўн саккиз йилдан ошиа бошлади. Бу – муборак мустақилликдан баҳрамандликда улғайган ёш ҳам баркамол бир авлод деганидир. Улуғ истиқлолни ҳар қанча эъзозласак ҳам камдир. У унутилаёзган энг гўзал, энг қадим, энг ноёб қадриятларимизни юзага чиқарди. Ўтган йиллар давомида юртимиз янада чирой очди. Илм-фан, маданият янада ривож топмоқда. Дунё буюк миллат довруғини яна эшита бошлади.

Спорт... Давлат қудратини, миллат шуҳратини оламга ёядиган кучли воситадир. Айнан спортчилар ёш мустақил давлатимиз номидан халқаро майдонларга чиқдилар, она Ўзбекистонни шарафлаб зафар қучдилар, доврукли аждодларига муносиб эканликларини намойиш қилдилар. Ва миллатнинг ўлмас навосини олам эшитди, дунё миллат фарзандларига тан берди!

Улар она Ўзбекистон номидан дунёга чиқмоқдалар. Акобир Қурбонов, Камол Муродов, Абдулла Тангриев, Рустам Қосимжонов, Аббос Атоев каби кўплаб спортчиларимиз Ватан номини шарафладилар. Халқаро майдонларда музаффар ҳамюртларимиз шарафига янграган мадҳиямиз миллат ёшлари қалбига ўт ёққанлиги шубҳасиз. Улардан ибрат олиб миллат қудратини, довруғини янада оширишга ҳисса қўшадиган юрт фарзандлари ҳали кўп бора дунёни ҳайратга соладилар. Ҳали яна кўп бора истиқлол қўшиғи қалбларни жунбушга келтириб янграйди. Зеро, муқаддас ўзбек заминн ҳамиша илм-фан, маданиятга, довруқли паҳлавонларга, алпларга бешик бўлиб келган! Оламни маҳлиё айлаб келган!

Буюк миллатнинг озодлик қўшиғи, эрк қўшиғи, истиқлол қўшиғи, сен ҳамиша музаффар юрт – она Ўзбекистонни шарафлаб, улуғ зафарлар сари чорлаб янграйвер!

Инобат ИБРОҲИМОВА.

САМАРАЛИ ВА МАЗМУНЛИ

Юртимизнинг барча гўшаларида бўлгани каби Жиззах вилояти Ғаллаорол тумани мудофаа ишлари бўлимида ҳам давлатимиз Конституцияси қабул қилинган кунга бағишланган маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.

Вилоят ҳарбий прокуратураси билан ҳамкорликда «Бош Қомусимиз – тараққиётимиз ҳуқуқий пойдевори» мавзуида ўтказилган тадбирда чақирилувчилар ҳамда уларнинг ота-оналари, мудофаа ишлари бўлими шахсий таркиби қатнашди.

Тадбир давомида сўзга чиққан адлия катта лейтенанти Акмал Абдураҳмонов Асосий қонунимизнинг қабул қилиниш тарихи, конституциявий бурч, ҳуқуқ ва мажбурият тушунчаларининг мазмун-моҳияти, Қуролли Кучларимиз ташкил этилишининг ҳуқуқий пойдевори ҳақида фикр юритди.

– Бундай тадбирлар иштирокчиларининг ҳуқуқий билимлари ва маданиятини оширишга хизмат қилиши билан жуда муҳимдир, – дейди мудофаа ишлари бўлими масъул офицери капитан Фарҳод Азизов. – Тадбир ниҳоясида ўтказилган савол-жавоблар эса чақирилувчиларга ўзларини қизиқтирган кўплаб саволларга соҳа мутахассисларидан тўлақонли жавоб олиш имконини берди. Шунингдек, уларнинг Конституциямизни қай даражада билиши қисқа сўровнома ёрдамида аниқланди.

Адлия катта лейтенанти Комилжон ЖЎРАБОЕВ.

БАЙРАМНИ МУНОСИБ ҚАРШИ ОЛИШДИ

Конституциямиз қабул қилинган кун муносабати билан алоқачилар қисмида ҳам байрам тадбири ташкил этилди. Унда "Камолот" ЁИҲ Тошкент вилояти кенгаши фаоллари, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, ҳарбий хизматчилар иштирок этишди. Тадбирда сўзга чиққанлар Коституциянинг ҳаётимиздаги ўрни, аҳамияти ҳақида посбонларга атрофлича маълумот бердилар.

– Бугунги кунда дунёдаги икки юзга яқин мамлакат ўз Конституциясига эга ва мазкур ҳужжат давлатнинг фуқаролар билан бўладиган сиёсий, ҳуқуқий, ижтимоий муносабатларини белгилаб беради, амалдаги қонунлар учун асос бўлиб хизмат қилади, – дейди "Камолот" ЁИҲ Тошкент вилояти кенгаши раиси Иброҳим Холматов. – Шунинг учун ҳам унинг аҳамияти юксак. Конституциямизнинг 2-моддасида шудай дейилади: "Давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади. Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар". Ушбу модда ҳам давлат фаолияти фуқароларнинг муносиб ҳаёт кечиришларини таъминлаши, жамият манфаатлари ҳамиша устун эканлигини эътироф этади. Бу эса Конституциямизнинг демократик тамойилларга тўла мос келишини исботлайди.

– Бугунги тадбир орқали кўпгина фойдали маълумотларга эга бўлдим, – дейди сафарбарлик чақирув резерви ойлик йиғини иштирокчиси Азиз Тожиев. – Тошкент Ислом университетида таҳсил олган кезларимизда ҳам Бош Қомусимиз, унинг ҳақ-ҳуқуқларимиз гарови эканлиги ҳақида устозларимиздан, шунингдек, Конституция байрамларида ташкил этиладиган давра суҳбатларида соҳа ходимларидан сабоқлар олганмиз. Бугун олий ўқув юртида олган билимларимизни яна бир карра синовдан ўтказишга, мустаҳкамлашга муваффақ бўлдик, десак янглишмайман.

Тадбир давомида жанговар, ижтимоий-сиёсий машғулотларда юксак натижаларни қўлга киритган, сафдошларига ҳар томонлама ўрнак бўлиб келаётган бир гуруҳ ҳарбий хизматчилар ташкилотчилар томонидан тақдирландилар. Тадбир хушовоз санъаткорлар ва кулги усталарининг чиқишлари билан ниҳоясига етди.

Мансур СОБИРҚУЛОВ.

ЁШЛАР

МИЛЛАТНИНГ ЭРТАСИ, ЮРТНИНГ ТАЯНЧИ

Ёшлик – умрнинг энг навқирон палласи. Бу даврда келажак учун қўйилган пойдевор – олинган сабоқ, ўзлаштирилган касб бутун умрга татийди. Бинобарин, бугунги ёшларнинг ўз орзу-умидларига эришишларида, яъни ташаббус кўрсата олишлари, ўзларининг янги-янги фикр ва ғоялари билан ҳаётга янгилик олиб кира олишлари, ҳар жиҳатдан униб-ўсишларида ҳукуматимиз томонидан яратиб берилаётган қулай имконият, шарт-шароитларнинг аҳамияти беқиёс. Чунки, ҳар бир миллатнинг етуклик даражаси ёшларнинг маънавияти ва маърифатини ошириш йўлидаги саъй-ҳаракатлар билан белгиланади. Давлатимизнинг ғамхўрлиги сабаб бугун мамлакатимизда юксак интеллектуал салоҳиятга эга, билимдон, иқтидорли ёшлар сафи йил сайин ошиб бормоқда.

Фикримиз исботи сифатида мана бир неча йилдан бери «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши томонидан миллий маънавият, маданий мерос ва умуминсоний қадриятлар негизида юксак ватанпарварлик, халқпарварлик, фидойилик туйғусини ва меҳнатсеварлик фазилатларини ўзида мужассамлаштирган, Ватанимиз обрўси, шон-шуҳрати ва шарафини юксалтириш ҳамда унинг халқаро нуфузини ошириш йўлида хизмат қилаётган, мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида фаол иштирок этиб, намуна кўрсатаётган кўплаб ёшларимизнинг «Ўзбекистон белгиси» кўкрак нишони билан тақдирланаётгани ҳам бизни қувонтиради. Мамлакатимизда ёшларнинг иқтидорига, ташаббускорлигига берилган юксак эътибордан далолат беради.

Эсингизда бўлса, республикамиз мустақиллигининг 18 йиллиги муносабати билан бир гуруҳ ёшларимиз ушбу юксак мукофот билан тақдирланган эдилар. Конституциямиз қабул қилинган кун арафасида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши мажлислар залида ушбу мукофотларни ўз соҳибларига топширишга бағишланган тантанали тадбир бўлиб ўтди. Унда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, талабалар ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этдилар.

– Ўзбекистон – ёшлар мамлакати. Бу диёрда ёшларнинг ҳаётда ўз ўрнларини топишлари, юрт равнақи учун астойдил хизмат қилишлари учун барча шарт-шароитлар етарли. Ҳукуматимиз томонидан келажагимиз эгаларига кўрсатилаётган ана шундай ғамхўрликка жавобан улар ҳам барча соҳада ўзларини юзага чиқариб, улкан, салмоқли ютуқларга сазовор бўлишаяпти, – деди тадбир аввалида сўзга чиққан «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши раиси А. Алимов. – Фикримизни бугунги катта тантана ҳам исботлаб турибди. «Ўзбекистон белгиси» кўкрак нишони фидойилиги, меҳнаткашлиги, ватанпарварлиги билан тенгқурларига ўрнак бўлиб келаётган ёшлар учун. Бугунги тантанада ана шундай ёшлар тақдирланадилар. Уларнинг орасида ҳақиқий қаҳрамонлар бор. Ўз билими, иқтидори билан фан ютуқларига эришган билимли ёшлар бор. Халқаро майдонларда юксак чўққиларни забт этиб, юртимиз байроғини баланд кўтараётган спортчилар бор. Улар Ватанимизнинг фахри! Ўйлаймизки, бу мукофот, унвон уларни янгидан янги зафарларга, муваффақиятларга чорлайди.

Шундан сўнг тантанали маросим очиқ деб эълон қилинди ва фан, таълим, санъат, соғлиқни сақлаш, маданият, журналистика, тадбиркорлик, фермерлик ва ишлаб чиқариш, Қуролли Кучлар ва ҳуқуқ тартибот ҳамда спорт каби йўналишларда юқори натижаларга эришган ибратли ёшлар томошабинларнинг гулдурос қарсаклари остида мукофот билан тақдирландилар.

«Ўзбекистон белгиси» кўкрак нишонига сазовор бўлганлар сафидан Ватан ҳимоячилари офицерлар – Лочин Равшанов ҳамда Анвар Аҳмедовларнинг ҳам жой олгани кўнглимизга сурур бағишлайди. Албатта, бундай мукофотга муносиб бўлиш осон эмас. Бунинг учун кишидан интилишу изланиш, курашиш, билим ва малакани бойитиш, ғайрат-шижоат, тажриба, энг асосийси, тинимсиз машаққат ва сабот талаб этилади.

– Шогирдларимнинг эришган ютуғидан кўнглим тоғдек кўтарилди, – дейди биз билан суҳбатда подполковник Зафаржон Абдуллаев. – Ҳа, Ватан учун, эл-юрт учун қилинган меҳнат ҳеч қачон жавобсиз қолмайди. Ушбу ҳаётий ҳақиқатга бугун яна бир бор гувоҳ бўлиб турибмиз. Бу йигитлар ҳарбий жамоадаги энг фаол ғайратли ёшлардан. Яна бошқаларга ўрнак бўладиган жиҳатлари ҳар қандай шароитда сафдошларидан ўз ёрдамларини аямайди. Кўпчиликнинг ҳурматига сазоворлиги ҳам эҳтимол шундандир. Уларнинг бундан буён ҳам ҳар доим етакчилар сафида бўлишига ишонамиз.

– Ҳаётим давомида ўчмас из қолдирган энг қувончли воқеа – бундайин юксак мукофотга сазовор бўлганимдир, – дейди катта лейтенант Анвар Аҳмедов.– Шу боис жуда ҳаяжондаман. Мукофот менга қанот, шижоатларга ундовчи илҳом бўлди. Ўйлайманки, бундан буён ҳам ўз фаолиятим давомида ушбу мукофотга лойиқ бўлишга интиламан. Биласизми, Ватанга меҳр, унинг ҳар қарич ерини муқаддас деб билиш, эъзозлаш ҳар бир юрт фарзандининг бурчи. Ҳаётда ўз ўрнимни топишимда ҳарбий хизмат давомида орттирган ҳаётий тажрибаларим катта ёрдам бермоқда. Мен бундан жуда мамнунман.

– Мени ушбу юксак мукофотга лойиқ кўришганидан жуда хурсандман, – дейди офицер Лочин Равшанов.– Инсонни қилган меҳнати улуғлайди, деган гап бор. Бу сўзнинг исботини мен ўз ҳаётим мисолида кўрдим. Гарчи мукофотга лойиқ топилиб, шундай нуфузга эришган бўлсам-да, аввало бу даражага эришишимда менга таълим-тарбия берган ва йўлйўриқ кўрсатган устозларимнинг, орзуларимни қўллаб-қувватлаган, ҳамиша ишонч билдирган ота-онамнинг ҳиссаси беқиёс, деб ўйлайман. Шундай экан қадрдонларимнинг ва давлатимизнинг менга билдирган ишончини оқлаб, Ватан осойишталиги йўлида сидқидилдан хизмат қилишга ҳаракат қиламан.

Ҳа, ҳар бир инсоннинг ҳаётда ўз олдига қўйган мақсади бўлади. Айнан шу мақсад олис манзиллар, улуғ ишлар сари етаклайди, доим далда ва мадад бўлади. Тўғри, уни ҳаётга татбиқ этиш ёки амалга ошириш биз ўйлаганчалик осон кечмаслиги мумкин. Бундай пайтларда муваффақиятга бўлган ишонч, ирода, ички куч ўзини намоён этади. Юқорида номлари зикр этилган ёшлар эса ана шу ҳаётий ҳақиқатни чуқур англаб етган ҳолда мақсадлари томон дадил қадам ташлаб, бу йўлда муваффақиятга эришганлардан. Ўйлаймизки, ушбу муваффақиятлари уларни янада улкан марралар сари чорлайди.

Шартнома бўйича ҳарбий хизматчи, оддий аскар Гулнора ҲОЖИМУРОДОВА.
Баҳром АБДУРАҲИМОВ суратга олган.

ЮКСАК ЭЪТИБОР ВА ЭЪТИРОФ ИФОДАСИ

Халқимизнинг энг улуғ ва энг азиз байрами – мамлакатимиз мустақиллигининг 18 йиллиги арафасида Президентимиз Ислом Каримов фармонига биноан турли соҳаларда фидокорона меҳнат қилаётган бир гуруҳ юртдошларимиз Ватанимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирланган эди. Анъанага кўра, Конституция байрами арафасида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри, вазирлик ва идораларда ана шу мукофотлар тантанали тарзда топширилмоқда.

Истиқлол йилларида миллий анъаналаримизни тиклаш, кўз қорачиғидек асраб-авайлаш, янада ривожлантириш орқали ёшлар қалбида Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғусини кучайтириш масаласига давлат сиёсатининг муҳим йўналишларидан бири сифатида эътибор қаратилмоқда. Якунланаётган йилда 2200 йиллик юбилейи кенг нишонланган пойтахтимиз Тошкент шаҳрининг янада чирой очгани, ундаги бунёдкорлик, яратувчанлик, қурилиш ва ободонлаштириш ишлари, тарихий обидалар, ёдгорлик мажмуаларини ўрганиш, қайта тиклаш ва таъмирлашга оид амалий чора-тадбирларнинг ҳар қачонгидан ҳам ортгани фикримизнинг ёрқин далилидир.

Фан ва маданиятнинг йирик маркази, тинчлик ва дўстлик рамзи сифатида эътироф этилган Тошкент шаҳрида муҳташам бинолар, йўллар, кўприклар, истироҳат боғлари, санъат, маданият, маънавият ва маърифат масканлари, ёшлар бадиий ижодиёт саройлари, таълим, соғлиқни сақлаш муассасалари бунёд этилди, бундай хайрли ишлар кенг кўламда давом этаётир.

Конституция куни арафасида Тошкент шаҳар ҳокимлигида ишлаб чиқариш, ижтимоий-иқтисодий, таълим, маънавий-маърифий соҳалар ходимларига Ватанимизнинг юксак мукофотлари тантанали равишда топширилди.

Мукофотларни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев топширди.

* * *

Халқимиз, айниқса, ёш авлод маънавиятини юксалтириш, онгу тафаккурини миллатимизга ёт ва бегона мафкуравий ғоялар таъсиридан асраб-авайлаш, ёшлар қалбида Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат, миллий анъана ва қадриятларимизга ҳурмат ва эҳтиром туйғуларини мустаҳкам қарор топтириш, ўғил-қизларни буюк аждодларимизга муносиб фарзандлар этиб вояга етказишда илму маърифат, санъат ва маданиятнинг ўрни беқиёсдир.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида маданият ва санъатимизни изчил равнақ топтириш, унинг ривожи йўлида самарали меҳнат қилган ижодкорларни қадрлаш, соҳа ходимларининг меҳнатини эъзозлаш, ёш истеъдод соҳибларини аниқлаш, уларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш борасида улкан ишлар амалга оширилмоқда.

Жорий йилда ҳам фан, таълим, маданият, санъат, адабиёт, маънавият ва маърифат, оммавий ахборот воситалари, спорт, соғлиқни сақлаш, ижтимоий ҳаётнинг бошқа соҳалари вакилларидан бир гуруҳи Ватанимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирланиши давлатимиз раҳбари томонидан кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрликнинг амалдаги ёрқин ифодасидир.

Ўзбек Миллий академик драма театрида бўлиб ўтган тадбирда мукофотларни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Орипов топширди.

Тадбирда сўзга чиққанлар юртимизда ҳалол ва фидокорона меҳнат ҳамиша қадрланиб, эътироф этиб келинаётгани, эъзоз топаётганини таъкидлаб, билдирилган юксак ишонч ва эътибор учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдирдилар.

(ЎзА).

СПОРТ

Байдарка ва каноэ

ҲАРБИЙЛАР ЯНА ПЕШҚАДАМ

Тошкент денгизида байдарка ва каноэда эшкак эшиш бўйича эркаклар ва хотин-қизлар ўртасида Ўзбекистон кубоги учун баҳслар бўлиб ўтди. Унда етакчилик қилган Марказий ҳарбий спорт клуби вакиллари 17 та олтин, 8 та кумуш ва 11 та бронза, жами 36 та медални қўлга киритишди.

Бундан икки ой муқаддам Теҳронда ўтказилган Осиё чемпионатида терма жамоамиз ҳисобига медаллар шодасини келтиришга катта ҳисса қўшган армиячи эшкак эшувчилар Ўзбекистон кубоги учун кечган баҳсларда ҳам пешқадамлик қилишди. Шартнома бўйича хизмат оддий аскари Вячеслав Горн ва халқаро тоифадаги спорт устаси Алексей Бобожонов 6 мартадан шоҳсупага кўтарилган бўлса, халқаро тоифадаги спорт устаси Мария Мехеда бу борада барчани ортда қолдириб, ўз профессионаллигини кўрсатди. У Ўзбекистон кубоги учун кечган баҳсларнинг тўққиз йўналиши бўйича совриндор бўлди.

Алексей Бобожонов айрим сабабларга кўра Осиё чемпионати баҳсларида иштирок этолмаган эди. Унинг мамлакат кубоги учун кечган баҳсларда эришган натижалари жуда юқори бўлди. У байдарка ва каноэда эшкак эшишнинг олти йўналишида иштирок этиб, барчасида олтин медални қўлга киритди. Халқаро тоифадаги спорт устасининг 200 ва 500 метрга яккалик баҳсларида ғолиб чиқишини тушиниш мумкин, чунки бу ҳолатда барчаси унинг ўзига боғлиқ. МҲСК вакилининг 200, 500 ва 1000 метрга жуфтлик, 200 метрга тўртлик баҳсларида ҳам зафар қозониши унинг ҳақиқий маҳорат соҳиби, етакчи эканлигидан далолатдир.

Шартнома бўйича хизмат оддий аскари Вячеслав Горн байдаркада эшкак эшиш бўйича Осиё чемпионатининг 2 та олтин ва битта бронза медалини қўлга киритган эди. Ўзбекистон кубоги учун кечган баҳсларда эса 2 та олтин, 3 та кумуш ва битта бронза медаль соҳиби бўлди. Энди 23 ёшни қоралаган спортчимиз худди қитъа биринчилигидаги каби 200 ва 500 метрларга тўртлик баҳсларида зафар қозонди. Хусусан, 200 метрга тўртлик баҳсларидаги муваффақиятга у жамоадоши Алексей Бобожонов билан бирга эришди. Яккалик баҳсларида эса спорт устасининг омади юришмади. Фақат 1000 метрлик масофага ўтказилган баҳсларда 3.36,10 дақиқа натижа билан маррани учинчи бўлиб кесиб ўтди.

Ўзбекистон кубоги учун баҳсларнинг энг кўп совринига эгалик қилган халқаро тоифадаги спорт устаси, шартнома бўйича хизмат оддий аскари Мария Мехеда ҳам яккалик баҳсларида ўзи хоҳлаган натижаларни кўрсатолмади. У 500 ва 1000 метрлик пойгаларда учинчи ўринни эгаллади. 200 метрлик масофада эса 41,10 сония натижа билан кумуш медаллик бўлди. Марияга жуфтлик ва тўртлик баҳслари муваффақият келтирди. У 200 ва 500 метрлик масофанинг жуфтлик баҳсларида ҳамда 500 ва 1000 метрлик масофанинг тўртлик баҳсларида ҳамкорлари билан бирга олтин медалларни қўлга киритди. Мария Осиё чемпионатида ҳам айнан узоқ масофаларга пойганинг жуфтлик ва тўртлик баҳсларида зафар қозонганди. 24 ёшли спортчимиз Ўзбекистон кубоги учун баҳсларнинг 200 метрга тўртлик пойгаларида бронза, 1000 метрга жуфтлик баҳсларида эса кумуш медаллик бўлди.

Шартнома бўйича хизмат оддий аскари Ольга Умаралиева мамлакат кубоги учун баҳсларнинг 5 та медалини қўлга киритди. У ўз ҳисобидаги олтин медаллардан бирига жамоадоши Мария Мехеда билан бирга байдаркада эшкак эшиш бўйича 1000 метрлик масофанинг тўртлик баҳсларида сазовор бўлди. Эслатиб ўтамиз,



МҲСКнинг ушбу икки вакили ҳамда Ю. Борзова ва К. Полунинадан иборат бу тўртлик Теҳронда ўтказилган Осиё чемпионатида айнан шу масофа бўйича терма жамоамиз ҳисобига бронза медалини олиб келганди. Ўзбекистон кубоги учун кечган баҳслар уларга ўзаро жипсликни, ҳамкорликни мустаҳкамлаш учун халқаро турнирлар олдидан ўзига хос босқич бўлди, дейиш мумкин. Ольга ўзининг иккинчи олтин медалига 200 метр масофа бўйича тўртликлар пойгасида сазовор бўлди. Бу пойгада МҲСК вакиллари алоҳида тўртликлар сафида иштирок этишди. Чунки терма жамоа мураббийлари Ўзбекистон кубоги учун баҳслар мобайнида жуфтлик ва тўртликларнинг бошқа вариантларини ҳам кўриб чиқишга қарор қилишди. Спорт устаси Ольга Умаралиева, шунингдек, 200 метрга жуфтлик баҳсларида кумуш, 500 метрга жуфтлик ва тўртлик баҳсларида бронза медалларни қўлга киритди.

Марказий ҳарбий спорт клубининг етарлича тажрибали ва маҳоратга эга спортчиларидан бири, халқаро тоифадаги спорт устаси Павел Зарков каноэда эшкак эшиш бўйича Ўзбекистон кубоги учун кечган баҳсларнинг учта олтин медалига сазовор бўлди. 22 ёшли спортчи 200 ва 500 метрга яккалик ҳамда 500 метрга тўртлик баҳсларида олтин медални қўлга киритди. Унинг клубдоши, шартнома бўйича хизмат оддий аскари Герасим Кочнев эса 200 метрлик масофага яккалик баҳсларида 39,84 сония натижа билан маррани учинчи бўлиб кесиб ўтди. Халқаро тоифадаги спорт устаси бўлган бу спортчимиз жуфтлик баҳсларида янада яхшироқ муваффақиятга эришди – 200 метрлик пойгада олтин медални қўлга киритди.

Ёшлар ўртасида ўтказилган Осиё чемпионатида терма жамоамиз ҳисобига учта бронза медални тортиқ этган каноэчилар – Антон ва Филипп Морозовлар Ўзбекистон кубоги учун баҳсларда ҳам ўзларини кўрсатишди. Спорт усталигига номзод бу 18 ёшли каноэчилар 500 ва 1000 метр масофа бўйича жуфтлик баҳсларида биргаликда эшкак эшишиб, маррага учинчи бўлиб етиб келишди. Тўртлик баҳсларида уларнинг сафига МҲСКнинг яна бир ёш спортчиси – Дилшод Йўлдошев ҳам қўшилди. Эришилган натижа эса янада юқори бўлди. Негизини армиячилар учлиги ташкил этувчи тўртлик 500 метрлик масофани 1.38,51 дақиқада босиб ўтиб, Ўзбекистон кубоги учун баҳсларнинг кумуш, 200 метрлик масофа пойгаларида эса 39,80 сония натижа билан олтин медалини қўлга киритишди. Бошқа бир тўртлик сафида баҳсларда иштирок этган МҲСК вакили Александр Зеленский эса 500 ва 1000 метрлик пойгаларда бронза, 200 метрга жуфтлик баҳслари якуни бўйича кумуш медалга сазовор бўлди.

Майор Расул ЖУМАЕВ,
«Ватанпарвар» мухбири.

СПОРТ БАЙРАМИ

Ҳар бир халқда эл-улус байрамларини шод-хуррамлик билан нишонлашнинг авлоддан-авлодга ўтиб келаётган турлича анъаналари мавжуд. Куй-қўшиқлар, лапарлар, назмий айтишувлар, кураш мусобақалари ва турли ўйинлар азал-азалдан бизнинг халқимиз байрамларига ўзига хос жозиба бахш этган. Ўлмас қадриятлар, азалий урф-одатлар бугунги кунги байрамларимизнинг ҳам кўрки, таровати бўлаётгани эса янада қувонарлидир.

Юртимизнинг барча гўшаларида бўлгани каби, Қуролли Кучларимиз ҳарбий қисмлари ва олий ҳарбий ўқув муассасаларида ҳам Конституциямизнинг 17 йиллиги муносабати билан турли хил байрам тадбирлари, хусусан спорт мусобақалари бўлиб ўтди. Жанговар хизматдан бўш бўлган аскарлар, курсантлар ва ҳарбий хизматчилар байрам кунлари эпчиллик, чаққонлик, кучлилик бобида ўзаро беллашдилар.

Шундай спорт мусобақаларидан бири катта лейтенант Баҳром Саиджонов хизмат қилаётган ҳарбий қисмда ўтказилди. Аскарлар ва сержантлар 100 метр ва 3 километрга югуриш, турникда тортилиш, тош кўтариш, арқон тортиш, армрестлинг каби бир қатор спорт турлари бўйича ўзаро баҳслашишди. Ҳар бир спорт тури бўйича мусобақаларда ғолиблар ёши, вазн тоифасига кўра ва умуман спорт тамойиллари бўйича аниқлаб борилди. Муайян тур бўйича энг яхши натижа кўрсатганлар мусобақалар сўнгида ҳарбий қисм раҳбарияти томонидан муносиб тақдирландилар.

– Муҳими ғолиб ва совриндорларни аниқлаб, уларни тақдирлаш эмас, – дейди кичик сержант Дамир Қосимов. – Бундай спорт мусобақалари ҳарбий қисмимизда тез-тез ўтказиб турилади ва ҳар доим бу баҳсларга шахсий таркиб томонидан катта қизиқиш билдириладики, муҳими ана шунда. Чунки бундай спорт тадбирлари аскарлар ва ҳарбий хизматчиларга бир олам қувонч бахш этади ва улар қалбига байрам шукуҳини олиб киради, қолаверса, уларнинг маҳоратли ва шижоатли ўғлонлар бўлиб камол топишига хизмат қилади. Мен Ватан ва халқ олдидаги, қолаверса ўз конституциявий бурчини шараф билан ўтаб келаётган юрт посбонлари сафида эканлигимдан фахрланаман ва юртдошларимизни байрам билан чин дилдан муборакбод этаман.

Бундай спорт байрами офицер Аъзам Шарипов хизмат қилаётган қисмда, Самарқанд олий ҳарбий автомобиль қўмондонлик муҳандислик билим юртида ҳамда бошқа ҳарбий қисм ва олий ўқув муассасаларида ҳам ўтказилди.

К. ЭРМАМАТОВА.

Армрестлинг

МХСК – ВНОВЬ СИЛЬНЕЕ ВСЕХ!

Единоборцы из спортивного клуба МХСК превосходно проявили себя на Кубке Азии среди молодежи, проведенном в Ташкенте, и Кубке Узбекистана. Везде они стали сильнейшими в командном зачете, завоевали комплект медалей различного достоинства.

На Кубке Азии в состязаниях участвовали свыше 150 спортсменов из разных стран нашего континента. Тем почетнее, что первое место в командном зачете заняла команда МХСК, на втором месте – представители Казахстана, на третьем – Навоийской области.

В личном первенстве золотые медали завоевали Обиджон Салимов, Бабур Бекчанов, Камиль Керимов, Азиз Таджиев и Джамолитдин Норов из Ташкента, Дмитрий Докучаев из столичной области, Максуд Долиев из Навои. Серебряными медалями награждены Шерзод Рахманов из Сырдарьи и Равшанбек Олимов из Ферганы.

Победителями Кубка Узбекистана стали те же Камиль Керимов, Дмитрий Докучаев, Бабур Бекчанов, Максуд Долиев, Шерзод Рахманов, а также Равшанбек Олимов, Акмалжон Салиохунов и Евгения Жигулина. Серебряные медали завоевали Обиджон Салимов, Азиз Таджиев, Константин Грижандо, Джамолитдин Норов и Авазбек Асадов.

Ермурат АЙНАТДИНОВ.

СПОРТ

Дзюдо

АРМИЯЧИЛАР МУВАФФАҚИЯТИ

Пойтахтимизда дзюдо бўйича Ўзбекистон кубоги учун баҳслар бўлиб ўтди. Унда Марказий ҳарбий спорт клуби вакиллари ҳам иштирок этди. Армиячиларнинг икки вакили ғолибликни қўлга киритди, тўрт нафар дзюдочи эса бронза медалга сазовор бўлди.

Ўзбекистон кубоги учун баҳсларда Абдулла Тангриев, Дилшод Чориев, Ришод Собиров каби юртимизнинг халқаро даражадаги сара полвонлари иштирок этмаган бўлса-да, муросасиз кечган беллашувлар мамлакатимизда уларнинг муносиб ўринбосарлари борлигини, Ўзбекистон дзюдо мактаби анъаналарини давом эттирувчилар сафи кенглигини кўрсатди. Айниқса, Абдулла Тангриев (100 кг.дан ортиқ) вазн тоифасидаги беллашувлар қизғин кечди. Тўғри, қайси спорт тури бўлмасин ҳар доим мутлақ вазнлилар баҳси мухлислар эътиборини ўзига жалб этган. Бундан дзюдо бўйича Ўзбекистон кубоги учун беллашувлар ҳам холи бўлмади. Яна шуни таъкидлаш жоизки, Марказий ҳарбий спорт клубининг бир йўла икки полвони бу вазн тоифасида совринларга даъвогарлик қилиши мутахассислар учун бирмунча кутилмаган ҳол бўлди. Ўзбекистон кубоги учун кечган беллашувлар ўз навбатида иқтидорли ёш полвонларни ҳам кашф этди. Келинг, барчасини бир бошидан, спорт тамойиллари бўйича бошлаймиз.

66 кг. вазнлилар баҳсида шартнома бўйича хизмат оддий аскари Темур Омонов армиячилар спорт шарафини ҳимоя қилди. У дастлабки беллашувларда яхши тайёргарликка эгалигини намойиш қилиб, ишончли ғалабаларга эришди. Лекин ҳал қилувчи беллашувда хатога йўл қўйиб, финалга чиқиш имкониятини қўлдан бой берди. Натижада у мамлакат кубоги баҳсларининг бронза медали билан чегараланишга мажбур бўлди.

Шартнома бўйича хизмат оддий аскари Шуҳрат Бобоев 73 кг. вазн тоифасида куч синашди. У ҳам Темур Омонов каби ярим финалгача муваффақиятли беллашди. Ярим финалда эса омадсизликка учради ва кубок баҳсларининг бронза медали билан кифояланди.

Марказий ҳарбий спорт клуби ҳисобига дастлабки олтин медални шартнома бўйича хизмат оддий аскари Фармон Қобулов олиб келди. У 81 кг. вазн тоифасида татамига чиқиб, барча рақибларини мағлубиятга учратишга муваффақ бўлди.

Мутлақ вазнлилар беллашувларида МҲСКнинг икки нафар вакили – лейтенант Одилжон Тулендибоев ва Юсуф Маманоров финал сари дадил одимлади. Мухлислар финалда уларнинг ўзаро беллашувига шоҳид бўлишни кутишаётган эди. Лекин Юсуф Маманоров финалга қадар етиб келолмади, ярим финалда ютқазиб қўйиб, мамлакат кубогининг бронза медалига сазовор бўлди. Номдор полвонимиз Абдулла Тангриев билан бир неча марта ўзаро беллашишга муваффақ бўлган лейтенант Одилжон Тулендибоев эса мутахассислар ва ўз мухлисларининг ишончини оқлади. У барча рақибларини мағлубиятга учратиб, Ўзбекистон кубогининг олтин медалини қўлга киритди.

Марказий ҳарбий спорт клубининг яна бир вакили – кичик сержант Хуршид Набиев ҳам совриндорлар қаторидан жой олди. У 90 кг. вазн тоифасида беллашиб, бронза медаллик натижа кўрсатди.

Р. ЭРМУҲАММАД.

Оғир атлетика

МУҲИМИ ЎСИШ БОР

Жанубий Кореянинг Гоян шаҳрида оғир атлетика бўйича навбатдаги жаҳон чемпионати ўтказилди. Унда дунёнинг 80 дан ортиқ мамлакатларидан келган оғир атлетикачилар медаллар учун кураш олиб боришди. Ўзбекистон терма жамоаси вакиллари аввалги жаҳон чемпионатларига солиштирганда бу сафар муваффақиятлироқ қатнашишди.

Чемпионат олдидан терма жамоамиз аъзолари бир қатор халқаро турнирларда қатнашишди. Бу терма жамоамиз мураббийларига жаҳон чемпионатига боришга номзод спортчилар орасидан энг муносибларини саралаб олиш имконини берди. Ҳар доим оғир атлетика бўйича терма жамоамиз таркибининг негизини ташкил этувчи Марказий ҳарбий спорт клуби вакилларидан бу сафар фақат Баҳром Мендибоевгина Жанубий Кореяга йўл оладиган бўлди. Игорь Халилов, Иван Ефремов каби Олимпиада ўйинлари қатнашчиси ва Осиё чемпионатларининг совриндори бўлган оғир атлетикачиларимиз бу гал терма жамоамиз мураббийлари ишончини қозонолмади ва улар жаҳон чемпионатига борувчи жамоа таркибига киритилмади.

Мураббий В.Липинг шогирди Баҳром Мендибоев бу йилги қитъа чемпионатида 69 кг. вазн тоифасида баҳсларда қатнашиб, бронза медалга сазовор бўлган эди. Жанубий Кореяда ўтказилган жаҳон чемпионатида у яна шу вазн тоифасида баҳсларга киришди. У дунё биринчилигида ўз имконияти даражасидаги натижани кўрсатолмаган бўлса-да, умумий ҳисобда саккизинчи ўринни эгаллади.

Терма жамоамизнинг энг тажрибали оғир атлетикачиси Мансур Чашемов (85 кг.) жаҳон чемпионатида совринли ўринларга асосий даъвогарлардан бири ҳисобланаётган эди. Лекин у машғулотлар мобайнида жароҳат олиб, мураббийларимиз умидини пучга чиқарди – чемпионатда иштирок этолмади.

Вакилларимиздан энг юқори натижага Руслан Макаров ва Шерзод Юсупов эришишди. Р. Макаров 56 кг. вазнлилар ўртасидаги баҳсларда қатнашди ва даст кўтаришда 117 кг., силтаб кўтаришда 144 кг., Ш. Юсупов (85 кг.) эса даст кўтаришда 155 кг., силтаб кўтаришда 203 кг. натижа кўрсатиб, кучли олтиликдан жой олишди. Бу оғир атлетикачиларимиз натижаларидаги ўсиш демакдир. Чунки вакилларимиз жаҳон чемпионатларида шу пайтгача кучли ўнликдан ўрин ололмаган. Одатда бу йилги чемпионатнинг 62 кг. вазнлилар баҳсида қатнашиб, 17-поғонани эгаллаган Руслан Алпанов каби 15-поғонадан юқорига кўтарилмаган. Қолаверса, аксарият оғир атлетикачиларимиз ёшлигини инобатга олсак, уларнинг катта ютуқлари ҳали олдинда. Бунга Марказий ҳарбий спорт клуби вакили М. Бегалиев Таиландининг Натай шаҳрида оғир атлетика бўйича ўтказилган ёшлар ўртасидаги жаҳон чемпионатида Ўзбекистон рекордини ўрнатиб, бизда ишонч ҳосил қилган эди.



Жаҳон чемпионатининг хотин-қизлар ўртасидаги баҳсларида қатнашган спортчиларимиз – Марина Сисоева (48 кг.), Зилола Бўриева (53 кг.) ва Елена Сисоева (56 кг.) кўрсатган ўз натижалари билан кучли ўнликдан жой ололмаган бўлса-да, жаҳон чемпионатидан бой тажриба олиб қайтишди.

Ж. РАСУЛОВ.

ҚАЙДНОМА

ЮНОН-РУМ КУРАШИ. Қозоғистоннинг Туркистон шаҳрида халқаро турнир ўтказилди. Унда Марказий ҳарбий спорт клуби вакили Афзал Акбаров ҳам иштирок этди. Ҳамюртимиз ўз вазн тоифасида барча рақибларидан устун келиб, халқаро мусобақанинг олтин медалини қўлга киритди.

МИНИ-ФУТБОЛ. Осиё кубоги баҳсларига тайёргарлик кўраётган терма жамоамиз Қозоғистонда бўлиб, мамлакат чемпиони «Қайрат» клуби билан иккита ўртоқлик учрашуви ўтказди. Сентябрь ойида Тошкентда ўтказилган ўйинда жамоа таркибининг негизини тўрт нафар бразилиялик легионерлар ташкил этадиган «Қайрат» клуби терма жамоамизни 0:5 ҳисобида мағлуб этган эди. Алматидаги дастлабки учрашув эса 6:6 ҳисобидаги дуранг натижа билан якунланди. Иккинчи учрашувнинг иккинчи тайми бошида вакилларимиз уч тўп фарқи билан ҳисобда олдинда боришаётган эди, лекин «Қайрат» таркибида яна бразилиялик легионерлар пайдо бўлиб, ўйинда бурилиш ясашди. Учрашув 6:5 ҳисобида мезбонларнинг ғалабаси билан якунланди.

ТЕННИС. Юртимизнинг иккинчи ракеткаси ҳисобланаётган Мурод Иноятов Малайзиянинг Куала-Лумпур шаҳрида ўтказилаётган «Фьючерс» туркумига кирувчи халқаро турнирда мезбонлар вакили Хуана Антонио Сантосни 6:1,6:1 ҳисобида мағлубиятга учратди ва иккинчи босқичга йўл олди. Вакилимиз баҳсларга рейтинг бўйича турнирнинг еттинчи ракеткаси сифатида киришган эди.

ФУТБОЛ. Қозоғистоннинг «Локомотив» клубида тўп сураётган ҳамюртимиз Максим Шацких бугунги кунда лиганинг энг қиммат ўйинчиси саналмоқда. Унинг айни кундаги нархи 1 миллион АҚШ долларига баҳоланаяпти. У бу борада клубдош рақобатчиларини катта фарқ билан ортда қолдирмоқда. Жумладан, жамоанинг россиялик легионерлари – Андрей Тихонов (450 минг АҚШ доллари) ва Егор Титовнинг нархини (350 минг АҚШ доллари) қўшиб ҳисоблаганда ҳам футболчимизнинг қийматига етмайди.

* * *

Футбол тарихи ва статистикаси халқаро федерацияси (IFFHS) жаҳон клубларининг декабрь ойи учун рейтингини эълон қилди. «Пахтакор» ва «Бунёдкор» клублари рейтингда олдинги ойга нисбатан бироз юқорилади. Ноябрь ойи рейтингида «Бунёдкор» 93, «Пахтакор» 95-поғонада қайд этилган эди. Бу сафар улар 92-поғонага кўтарилишди. IFFHS рейтингини Англиянинг «Манчестер Юнайтед» жамоаси 317 очко билан бошқариб бораяпти. Англиянинг «Челси» клуби иккинчи, Испаниянинг «Барселона» клуби учинчи ўринни эгаллаб турибди.

* * *

Осиё футбол конфедерацияси (ОФК) ижроия қўмитасининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда ОФК фаолиятига доир бир қатор ташкилий масалалар кўриб чиқилди ва 2010 йил – Осиё мураббийлари йили деб эълон қилинди.

* * *

Аргентина терма жамоаси ва Испаниянинг «Барселона» клуби ҳужумчиси Лионел Месси 2009 йилги мавсум якунлари бўйича Европанинг энг яхши футболчиси деб топилди ва Францияниг France Football журнали мукофоти – «Олтин тўп»га сазовор бўлди. Аргентиналик футболчи спорт журналистларининг овоз бериш йўли билан аниқланадиган танловда 480 имкониятдан 473 очко жамғарди ва бу борада ўзига хос рекорд ўрнатди, яъни яқин рақобатчиси, мукофотнинг ўтган йилги лауреати Криштиан Роналдуни («Реал») 240 очкога ортда қолдирди. 2009 йили учта турнирда ғолиб чиққан «Барселона» клубининг яна бир футболчиси Хави эса France Football журнали танловида 170 очко билан учинчи бўлди.

ТАЭКВАНДО. Юртимизга Марказий Осиё таэквандо (WTF) иттифоқи вакиллари ташриф буюрди. Пойтахтимизда уларнинг Ўзбекистон Республикаси Шарқ якка курашлари ва жанг санъатини ривожлантириш маркази вакиллари билан учрашуви бўлиб ўтди. Учрашув мобайнида икки ташкилотнинг 2010 йилдаги ўзаро ҳамкорлиги, шунингдек таэквандони Марказий Осиёда ривожлантириш масалалари муҳокама этилди.

МАДАНИЯТ

ЭНГ ЯХШИ ҲУНАРМАНДЛАР АНИҚЛАНДИ

Пойтахтимиздаги Миллий санъат марказида “Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми” жамғармаси, “Ijod” Ўзбекистон рассомлар, санъатшунослар ва халқ усталари уюшмаси ҳамкорлигида ўтказилган “Bazar-ART–2009” кўргазма-ярмаркаси якунланди.

Юртимизда миллий ҳунармандлик ва халқ амалий санъатининг турли йўналишларида самарали меҳнат қилаётган ҳунармандлар учун иқтисодий ва ҳуқуқий имкониятлар яратиш, манфаатларини ҳимоялаш давлатимизнинг доимий эътиборида. Айни пайтда миллий ҳунармандликнинг унутилган турларини қайта тиклаш ва янада ривожлантириш, уста ва ҳунармандларнинг ижод намуналарини тарғиб этиш юзасидан кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда.

«Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси бу ишга муносиб ҳисса қўшиб келаётган жамоат ташкилотларидан. «Bazar-ART–2009» ижодий лойиҳаси миллий меросни асраб-авайлаш, анъанавий ва замонавий санъат соҳасидаги ижодий салоҳиятни юзага чиқариш, хорижлик меҳмонларни ушбу йўналишдаги янгилик ва ютуқлар билан атрофлича таништириш, ижодкорларни янги парвозлар сари даъват этишдан иборатдир.

Уч кун давом этган кўргазма-ярмаркада Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида фаолият кўрсатаётган юз нафарга яқин ҳунарманд ўз маҳсулотларини намойиш этди.

Анъанавий тўқимачилик санъати йўналишида Мансур Мирзахонов, кулолчилик санъати бўйича Алишер Назиров, каштачилик санъати бўйича Мадина Қосимбоева, «Устоз ва шогирд» анъаналарини изчил давом эттираётган ҳунарманд йўналишида Мирзабаҳром Абдуваҳобов, анъанавий санъатни замонавий кўринишларда сақлаш йўналишида Мансур Қурёзов, томошабинлар эътиборига сазовор бўлган уста йўналишида Пётр Анненков ғолиб топилди.

Назокат УСМОНОВА,
ЎзА мухбири.

ВНИМАНИЕ, КОНКУРС!

18-ЛЕТИЮ ВООРУЖЕННЫХ СИЛ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН ПОСВЯЩАЕТСЯ



В соответствии с планом по подготовке и празднованию 18-й годовщины Вооруженных Сил Республики Узбекистан в Выставочном зале Центрального музея Вооруженных Сил 9 января 2010 года открывается IX Всеармейская выставка художественного творчества военнослужащих, членов их семей, ветеранов Вооруженных Сил, учителей-воспитателей, учеников школ и воспитанников дошкольных образовательных учреждений Министерства обороны.

На выставке художественного творчества представлены живописные работы (тематические и жанровые), портреты, пейзажи, натюрморты, рисунки, графика, изделия народно-прикладного искусства, керамика, резьба по дереву, ганч, чеканка, ткачество, художественная вышивка, ювелирные работы.

Победителям и призерам выставки будут вручены дипломы и денежные премии.

ВНИМАНИЮ КОМАНДИРОВ, ИХ ЗАМЕСТИТЕЛЕЙ ПО ВОСПИТАТЕЛЬНОЙ РАБОТЕ И ПРЕДСЕДАТЕЛЕЙ ЖЕНСОВЕТОВ!

Организаторы выставки приглашают военнослужащих и членов их семей, всех желающих посетить выставочный зал Центрального музея Вооруженных Сил Республики Узбекистан.

Обуна–2010

«ВАТАНПАРВАР» — БАРЧАМИЗНИНГ СЕВИМЛИ ГАЗЕТАМИЗ

Мудофаа вазирлиги қисм ва муассасаларида 2010 йил учун газета ва журналларга, шу жумладан, «Ватанпарвар» газетасига жамоавий ва якка тартибда обуна бошланди.

Ижтимоий-сиёсий, ахборот-таҳлилий газета ҳисобланган «Ватанпарвар» ҳафталиги республикамиздаги ягона ҳарбий нашр бўлиб, унинг саҳифалари орқали сиз мамлакатимиз ва жаҳонда рўй бераётган турфа янгилик ва ҳодисалар, миллий истиқлол мафкураси ва ғоясига асосланган долзарб мавзулар, ёшлар масалалари, оила ва маиший ҳаётга оид ибратли воқеалар, одоб-ахлоқ ва буюк аждодларимизнинг бетакрор маънавий-маърифий мерослари, қадриятлари, юртимизда, Қуролли Кучларимизда кечаётган изчил ислоҳотлар, фан, маданият ва спорт борасидаги туркум мақолалардан баҳраманд бўласиз.

Обуна кампаниясини ўтказиш даврида барча даражадаги командирлар, муассасалар бошлиқлари, тарбиявий ишлар органлари офицерлари жойларда ҳарбий хизматчилар, ишчи ва хизматчилар ўртасида «Ватанпарвар» газетасининг шахсий таркибини ахборот билан таъминлаш, миллий истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш, мамлакатимиз ёшларида юксак маънавий, ахлоқий сифатларни, ватанпарварлик туйғусини шакллантиришдаги аҳамияти борасида кенг тушунтириш ишларини олиб бориши мақсадга мувофиқ.

Жамоавий ва якка тартибдаги обуна масаласини ҳарбий хизматчилар, ишчи ва хизматчилар кенгашларида, муддатли ҳарбий хизматчилар шахсий таркибининг йиғилишларида кўриб чиқиш ва муҳокама қилиш муҳим аҳамият касб этади.

Ҳарбий округлар қўшинлари қўмондонлари, уларнинг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосарлари, мудофаа ишлари бошқармалари (бўлимлари) бошлиқлари чақирилувчиларнинг ота-оналари, яқинлари, хизматни ўтаётган ва сафарбарлик чақируви резервидаги хизматга чақирилаётган фуқаролар ўртасида ҳам «Ватанпарвар» газетасини кенг тарғиб қилиши тавсия этилади.

«Ватанпарвар» газетасига обунани яқин масофада жойлашган почта бўлимларида 6 ойдан кам бўлмаган муддатга нақд пулсиз ҳисоб-китоб орқали расмийлаштириш лозим.

Обуна кампаниясини белгиланган муддатлар ичида ўтказиш ва уни жорий йилнинг 20 декабригача якунлаш тавсия қилинади.

«Ватанпарвар»даги турфа ранглар камалак жилосидек кўзингизни қувонтирса, ранг-баранг мавзулар, мақолалар қалбингизни нурафшон этади.

Нашр кўрсаткичи — 114.

ВАТАНПАРВАР
Мудофаа вазирлиги
Муассис — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги
Учредитель — Министерство обороны Республики Узбекистан
МУАССИС КЕНГАШИ: Тоҳир ҲАМРОҚУЛОВ — кенгаш раиси, Рустам НОДИРОВ, Олим ҚЎЧҚОРОВ, Алишер МУИНОВ, Нурмуҳаммад МУЛЛАБОЕВ, Шуҳрат ТЎХТАЕВ, Абдусаттор ЭРГАШЕВ, Қурбон АМИНЖОНОВ, Олимжон ЗАНЖИРОВ.
Бош муҳаррир вазифасини вақтинча бажарувчи подполковник А. УСМОНОВ.
Шу сонга масъуллар: майор Р. ЖУМАЕВ, майор А. КАМАЛОВ.
Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2008 йил 6 июнда 0535 рақами билан рўйхатга олинган. ISSN 2010-5541.
Телефонлар: навбатчи – 260 39 57; Факс: 260 39 45.
Таҳририят фикри муаллифлар нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин. Таҳририятга келган қўлёзмалар, хатлар ва суратлар таҳлил қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.
Таҳририят манзили: 100140, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 1-уй.
«Ўзбекистон» нашриёт матбаа ижодий уйида чоп этилди. Босмахона манзили: Тошкент ш., Навоий кўчаси, 30 уй.
«Ватанпарвар» газетаси таҳририятининг компьютер марказида Р. Ислакаев ва З. Хошимов томонидан саҳифаланди.
Газета жума куни чиқади. Адади 23500.
Нашр кўрсаткичи 114. Буюртма № 1-86-02.